Относительно взаимодействия следователя с экспертно-криминалистическими подразделениями, которые также являются по своей сути органами, осуществляющими доследственную проверку, уместно привести мнение Т.В.Демидовой, которая отмечает: «Взаимодействие следователя с сотрудниками экспертно-криминалистических подразделений представляет собой урегулированную законом и ведомственными нормативными актами согласованную деятельность административно независимых друг от друга субъектов, протекающую под руководством следователя и состоящую в использовании им помощи эксперта (специалиста) при производстве экспертиз, проведении других следственных действий и оказании непроцессуальной помощи в целях раскрытия, расследования и предупреждения преступлений»[7].

А.В. Гордин, также отмечая важное значение рассматриваемого взаимодействия в борьбе с преступностью, справедливо высказывает, «что постановка в законе задач оперативно-розыскной деятельности, оснований оперативно-розыскных мероприятий и назначений уголовного судопроизводства взаимоувязаны, что явно предполагает объединение субъектов взаимодействия в достижении общей цели – установления истины о преступном событии – в ходе раскрытия и расследования преступлений посредством использования средств и методов, присущих этим подсистемам, но при четком разграничении их полномочий»[8].

Исходя из этого, необходимость и значение взаимодействия обусловливается рядом объективных факторов, выражающихся:

*во-первых*, в социальной значимости взаимодействующих субъектов. Иначе говоря, сопоставление уголовно-процессуальной и оперативно-розыскной деятельности показывает, что их объединяет наличие общей цели – пресечение и раскрытие преступлений, защита прав, свобод и законных интересов личности, охрана собственности от преступных посягательств физических лиц от необоснованного обвинения в совершении преступлений, розыск и изобличение виновных в совершении преступлений, установление истины по уголовным делам, а также защита безопасности общества и государства;

*во-вторых,* в различии средств, методов и правовой базы деятельности субъектов взаимодействия, в частности, как правило, следователь действует на основании УПК, а оперативно-розыскная деятельность осуществляется на основании Закона «Об оперативно-розыскной деятельности» и других соответствующих нормативно-правовых актов;

*третьим фактором*, обусловливающим необходимость взаимодействия, является несопоставимость результатов этих действий, то есть, в результате следственных

действий получаются доказательства, а в результате оперативно-розыскных мероприятий – сведения, которые могут стать доказательствами только после их процессуального закрепления. Кроме этого, различны и пределы производства этих действий – следственные действия, как правило, проводятся только после возбуждения уголовного дела, а оперативно-розыскные мероприятия могут проводиться до возбуждения дела.

В правоприменительной практика часто наблюдается ситуация, когда дознаватель, следователь, занимаясь расследованием конкретного уголовного дела, выполняет большой объем процессуальных действий, и в зависимости от загруженности, практически не имеет возможности проверки собранных доказательств относительно их достоверности. Особенно, когда это касается необходимости оперативной проверки, противоречивых показаний участников уголовного процесса и т.п. И в этом отношении важна организация эффективного взаимодействия органов следствия с оперативными сотрудниками, которые должны провести необходимые мероприятия, в том числе и оперативно-розыскного характера, а также оказывать содействие дознавателю, следователю в установлении истины по уголовному делу.

Кроме того, позитивный исход досудебного расследования во многом зависит от того, что при осуществлении расследования любого рода преступлений, в целях быстрого и полного раскрытия преступления и изобличения виновных лиц насколько грамотно и эффективно дознаватель, следователь осуществляет взаимодействие с оперативными службами, с вою очередь, насколько оперативные работники ответственно отнесутся к поручению следователя. Стоит помнить, что в данном случае результативность взаимодействия складывается из правильности и четкости формулировки решаемых задач. Зачастую на практике следователями даются поручения оперативно-розыскным подразделениям с использованием общих фраз, таких, как, например, «провести все необходимые оперативно-розыскные мероприятия», «установить лицо неизвестное в совершении преступления» и т.п. Недопустимость таких размывчатых поручений очевидна. Ведь, не имея перед собой точной конкретной задачи, оперативный работник вынужден уточнять у следователя, какие именно еще обстоятельства требуют дополнительной оперативной проверки. В свою очередь оперативными службами допускается также формальное отношение к выполнению поручений дознавателя, следователя, кроме того, имеются редкие случаи, когда составляется справка о проделанной работе, основанная на не проведенных оперативно-розыскных мероприятиях, которые дознаватель, следователь не имеет возможности перепроверить и т.п.[9].

Во избежание вышеприведенных случаев дознавателю, следователю в поручении следует четко уяснить, какие именно обстоятельства должны быть подвергнуты оперативной проверке, определить возможность вообще их проведения, с учетом конкретных обстоятельств дела, установить срок их исполнения. В своей практической деятельности сотрудник оперативно-розыскного подразделения, получив поручение следователя, должен, прежде всего, уяснить его цель, объем, а затем продумать пути его реализации, с учетом опять же конкретных обстоятельств уголовного дела и имеющихся к этому предпосылок. Относительно данной проблемы справедливо привести мнение А.А. Матчанова, который, исследуя вопросы взаимодействия по розыску преступников, отмечает, что одним из важных условий успешной организации взаимодействия следователя и органа, осуществляющего оперативно-розыскную деятельность в розыске обвиняемого, скрывающегося от следствия и суда, является согласованное планирование розыскных

мероприятий и постоянный обмен информацией между следственными и оперативно-розыскными подразделениями[10].

Описываемая форма взаимодействия в основном осуществляется по неочевидным, нераскрытым преступлениям, либо преступлениям, имеющим большой общественный резонанс в обществе. В этой связи мы не согласны с мнением А.А.Матчанова относительно того, что он предполагает следующее: «с учетом большого объема уголовных дел у дознавателя, следователя практически не осуществима организация взаимодействия по всем уголовным делам. Да это и не нужно, так как неизбежно ведет к формализму». Считаем, что объективной будет организация взаимодействия по всем уголовным делам, имеющимся в произ водстве у дознавателя, следователя. Потому что использование следователем результатов оперативно-розыскной деятельности по всем имеющимся в производстве уголовным делам расширяет возможности получения информации о совершённом преступлении и причастных к нему лицах, способствует выявлению источников получения доказательств, обнаружению скрывшихся преступников, определению направления, задач расследования и наиболее эффективную тактику производства отдельных следственных действий. В свою очередь, данные, полученные следователем в ходе предварительного следствия, используются оперативно-розыскными подразделениями в целях активизации работы по раскрытию данного преступления и для решения других оперативно-розыскных задач.

Стоит заметить, что, объединив эти два различных вида деятельности взаимодействующих субъектов, общей задачей которых является быстрое, полное раскрытие, всестороннее, объективное расследование преступлений, в широкомасштабном плане можно достигнуть эффективной борьбы с преступностью.

В заключение хотелось бы отметить, что социально-правовое значение и роль взаимодействия следователя с органами, осуществляющими доследственную проверку и оперативно-розыскную деятельность, обеспечивает в борьбе с преступностью:

во-первых, координацию сил и средств правоохранительных органов, обладающих в соответствии с процессуальным законодательством возможностями и полномочиями для осуществления этой деятельности;

во-вторых, своевременное обнаружение признаков преступлений, их пресечение, немедленное раскрытие, обоснованное возбуждение уголовного дела, всестороннее и полное расследование уголовных дел, подследственных дознавателю, следователю;

в-третьих, концентрацию сил и средств на борьбу с наиболее тяжкими, преступлениями, в том числе и преступлений, совершенных на международном уровне, а также обеспечение защиты прав и свобод граждан от противоправных посягательств.

Кроме того, наряду с взаимодействием с органами, осуществляющими доследственную проверку и оперативно-розыскную деятельность, дознавателю, следователю необходимо наращивать взаимодействие с общественностью и с гражданами. Необходимо шире использовать информационно-коммуникационные и инновационные средства при организации взаимодействия. В настоящее время – в эпоху открытости и прозрачности деятельности государственных органов, учреждений – особое внимание следует уделять новым формам взаимодействия дознавателя, следователя со средствами массовой информации в сфере противодействия тяжких и особо тяжких преступлений (проведение правовых агитационных работ, разъяснительная работа среди населения, тренинги и семинары и т.п.), чего невозможно достигнуть без соответствующего качественно проработанного законодательного закрепления. И справедливо указали В.Г. Гриб

и А.В. Ростокинский на то, что весь комплекс законодательных, организационных и собственно правоохранительных мероприятий, направленных на противодействие экстремистской и другой деятельности, возможен лишь при тесном взаимодействии государственных структур и различных институтов гражданского общества[10].

Изложенное выше обосновывает необходимость в современных условиях комплексного исследования проблем взаимодействия дознавателя, следователя с органами, осуществляющими доследственную проверку и оперативно-розыскную деятельность в раскрытии и расследовании преступлений, концептуальной разработки его теоретических основ, изучения правоприменительной практики взаимодействия, а также разработки предложений и рекомендаций по ее совершенствованию.

---

[1] Статистические данные ИЦ МВД Республики Узбекистан за 2015-2018 гг.

[2] Из отчета министра внутренних дел Республики Узбекистан П.Р. Бобожонова на тринадцатом пленарном заседании Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан 21 декабря 2018 г. // URL: http://www.iiv.uz/uz/lists/view/1255.

[3] Статистические данные ИЦ МВД Республики Узбекистан за 2013-2017 гг.

[4] См.: *Мирзиёев Ш. М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2017. – Б. 317.

[5] *Мухитдинов А.А.* Процессуальное положение следователя в уголовном процессе: Дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2009. – С. 137–138.

[6] *Плеснева Л. П.* Правовые и организационные основы взаимодействия следователя с органами дознания: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Иркутск, 2002. – С. 4.

[7] *Демидова Т. В.* Взаимодействие следователя с сотрудниками экспертно-криминалистических подразделений при расследовании дорожно-транспортных преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2010. – 23 с.

[8] *Гордин А. В.* Взаимодействие оперативно-розыскных подразделений и следователя органов внутренних дел при раскрытии и расследовании преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2005. – С. 15–16.

[9] Результаты анкетирования практических работников подразделений уголовного розыска и следственных органов ГУВД г.Ташкента (2014–2017 гг.).

[10] *См.: Матчанов А.А.* Деятельность ОВД по розыску и задержанию преступников. – Т., 2013. – С.36.

[11] *Гриб В.Г., Ростокинский А.В.* О некоторых направлениях совершенствования системы мер профилактики экстремизма // Труды ВНИИ МВД России: Научный журнал. – М., 2007. – С. 121-125.

***Шарипов Санжар Собирович,***
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети ўқув бўлими бошлиғи*

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПАТРУЛЬ-ПОСТ ХИЗМАТИНИНГ САФ БЎЛИНМАЛАРИНИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини малакали кадрлар билан таъминлашнинг бугунги ҳолати, ушбу хизмат ходимларининг касбий билимлари ва малакасини ошириб бориш борасида амалга оширилаётган ишлар, соҳада учраётган муаммолар таҳлил қилинган ҳамда уларнинг ечимига оид таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** ички ишлар органлари патруль-пост хизмати, саф бўлинмалари, кадрлар таъминоти, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ КВАЛИФИЦИРОВАННЫМИ КАДРАМИ СТРОЕВЫХ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ ПАТРУЛЬНО-ПОСТОВОЙ СЛУЖБЫ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

**Аннотация.** В статье проанализированы сегодняшнее состояние обеспечения строевых подразделений патрульно-постовой службы органов внутренних дел квалифицированными кадрами, работа, проводимая по повышению профессиональных знаний и квалификации сотрудников, проблемы, возникающие в данной сфере, даны предложения по их решению.

**Ключевые слова:** патрульно-постовая служба органов внутренних дел, строевые подразделения, кадровое обеспечение, подготовка кадров, переподготовка и повышение квалификации.

## THE IMPROVEMENT OF THE PROVISION OF QUALIFIED PERSONNEL OF COMBATANT UNITS OF THE PATROL SERVICE OF THE INTERNAL AFFAIRS BODIES

**Annotation.** The article in today's time offers on ensuring the combatant units of the patrol service of the internal Affairs agencies with qualified personnel, of its work to improve professional knowledge and skills of employees, solving the problems arising in this area.

**Keywords:** line units of the patrol post of the law-enforcement bodies, staffing, training, retraining and advanced training.

Глобаллашув жараёни туфайли юрт тинчлиги ва осойишталиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги, қонуний манфаатларига тажовуз ва таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда жамоат тартиби ҳамда хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашни таъминлаш кундан-кунга мураккаблашиб, янада долзарб вазифага айланмоқда.

Ушбу вазифанинг самарали бажарилиши, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан ички ишлар органлари кадрларининг фаолиятига бевосита боғлиқ. 2019 йил 10 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказиб, унда олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни бажариш учун кадрлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир қуйидаги фикрларни билдирди: «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизими энг янги ёндашувларга асосланиши,

улар шиддат билан ўзгараётган замон ва шарт-шароитларга мос бўлиши зарур. Ёш кадрларда танқидий таҳлил, интизом, ҳалоллик, ватанпарварлик, ташаббускорлик, шахсий жавобгарликни шакллантириш керак»[1]. Ушбу кўрсатмалар ички ишлар органларида кадрлар тайёрлаш ҳамда улар билан ишлаш фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Маълумки, давлат хизмати учун малакали кадрлар таркибини шакллантириш ҳар қандай давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади[2]. Рус олими З.С.Федоровичнинг бу борадаги фикрига қўшилган ҳолда давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича функциясини таъминлашдаги энг муҳим йўналиш кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш эканлигини[3] эътироф этиш мумкин.

Ички ишлар органлари, хусусан патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини малакали кадрлар билан таъминлаш фаолиятини батафсил ўрганиш, аввало, «ички ишлар органлари фаолиятини кадрлар билан таъминлаш» тушунчасининг мазмунини ёритишни талаб қилади.

Қуйида ички ишлар органлари фаолиятини ***кадрлар билан таъминлаш тушунчасига*** бу борада тадқиқот олиб бораётган айрим олимларнинг фикрла-рини таҳлил қилган ҳолда таъриф беришга ҳаракат қиламиз.

Жумладан, ҳуқуқшунос олим В.И.Притуланинг ёзишича, «инсон фаолиятининг ҳар қандай тури ресурс ва биринчи навбатда, кадрлар таъминотига муҳтож. Ички ишлар органлари бошқарувида бундай таъминот одатда *кадрлар билан ишлаш* деб аталади»[4]. Фикримизча, олимнинг ушбу жараённи «кадрлар билан ишлаш» деб таърифлашига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Назаримизда, «кадрлар билан таъмин лаш» тушунчаси «кадрлар билаш ишлаш» тушунчасига нисбатан тор бўлиб, унинг бир бўғини ҳисобланади.

Хусусан, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, *кадрлар билан ишлаш* – юқори малакали кадрларни танлаш, тайёрлаш, тайинлаш ва кўчириш кабиларни ўз ичига олган кадрлар таъминотидан ташқари, ходимларнинг хизмат интизоми, қонунийлик ва одоб-ахлоқ нормалари талабларига риоя этишини таъминлаш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва баҳолаш кабиларни қамраб олган-лигини кўриш мумкин.

Бу борада тадқиқот олиб борган Н.И.Глазунова: «*Фаолиятни кадрлар билан таъминлашни* кадрлар сиёсатининг муҳим бир бўлаги»[5], деб баҳолайди. Ушбу фикрдан, қолаверса, В.М.Пашиннинг «Кадрлар сиёсати кенг маънода – бошқарув субъектининг кадрлар ёки кадрлар салоҳиятига нисбатан мақсадли фаолият тизимидир»[6] деган таъри-фидан келиб чиқиб, «ички ишлар органлари фаолиятини кадрлар билан таъминлаш» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

***ички ишлар органлари фаолиятини кадрлар билан таъминлаш*** республикада амалга оширлаётган кадрлар сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади ва соҳа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда лавозимга танланадиган ходимлар учун алоҳида талаблар белгилаш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 16 сентябрь) қонуни қабул қилиниши ички ишлар органларининг ўта масъулиятли, жуда серқирра ва ранг-баранг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий майдондаги бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятларни бартараф этиш, шунингдек алоҳида қонун доирасидаги ички ишлар органлари фаолиятига оид асосий қоидаларни ягона тизимга солишни таъминлаш орқали ички ишлар органлари тизимидаги ислоҳотларнинг мазмунан янги босқичини бошлаб берди[7].

Ички ишлар органларида хизмат ўташ тартиби ва шартларининг асосий йўналишлари белгилаб берилган мазкур қонун ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини кадрлар билан таъминлаш фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолия-тини кадрлар билан таъминлашни ҳуқуқий тартибга соладиган яна бир муҳим ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар орган-ларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5005-сонли (2017 йил 10 апрель) фармонидир. Мзкур фармон ички ишлар органлари тизимида, жумладан фаолиятни кадрлар билан таъминлаш соҳасида тубислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди, ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг доктринал ва концептуал асоси бўлиб хизмат қилди[8].

Фармонда «ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда янада такомиллаштириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш»[9] тизимни ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналиш-ларидан бири сифатида белгиланди.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари ходимларини тайёр-лаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3216-сон қарори (2017 йил 16 август) асосида ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг кадрлар салоҳиятини оширишга имкон берадиган сифат жиҳатдан янги тизими ташкил этилди[10].

Фаолиятни кадрлар билан таъминлашни ҳуқуқий тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимларини бошланғич, махсус касбий ва қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тизимини қуйидагича гуруҳлаш мақсадга мувофиқ:

1) ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг **сафдорлар** таркиби лавозимидаги ходимларини бошланғич тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш йўналиши бўйича ўқув йиғинлари ИИВ Кадрлар бош бошқармасига бевосита бўйсунувчи ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида ташкил этилиши белгиланди;

2) ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг **сержантлар** таркиби лавозимидаги ходимларини махсус касбий тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш йўналиши бўйича ўқув йиғинлари *(5 ойлик ўқув дастури асосида)* ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультетида ташкил этиладиган бўлди;

3) ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг **офицерлар** таркиби лавозимидаги ходимларини махсус касбий тайёрлаш ўқув йиғини (6 ойлик ўқув дастури асосида) – ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультетида, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув йиғинлари эса ИИВ малака ошириш институтида ташкил этилиши белгиланди;

4) ички ишлар органлари учун, хусусан патруль-пост хизматининг раҳбарлик лавозимларига раҳбар кадрлар тайёрлаш ИИВ Академияси раҳбар кадрларни тайёрлаш факультетида амалга оширилиши белгиланди;

5) қонун ҳужжатларига мувофиқ,

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган айрим хизматларнинг (жумладан, патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг) офицерлар таркиби лавозимларига қабул қилинган ходимлар, шунингдек барча хизматлардаги офицерлик лавозимларига қабул қилинган аёл (қиз) ходималарни якка тартибда касбий тайёрлаш бўйича ўқув йиғинлари ички ишлар органлари кадрлар (бош) бошқармаларида ҳам ташкил этилиши мумкинлиги белгиланди[11].

Ички ишлар органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими тубдан қайта кўриб чиқилиб, янада такомиллаштирилди. Шу билан бирга, кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишнинг илғор механизмлари жорий этилди. Уларнинг малакаси, маънавий-ахлоқий фазилатларини ошириш орқали кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бироқ ҳанузгача ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этишда кадрлар билан боғлиқ муайян муаммо ва камчиликлар мавжудки, уларни бартараф қилмай туриб, бу борада ижобий натижаларга эришиб бўлмайди. Булар қуйидагиларда кўзга ташланмоқда. Жумладан: ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда шахслар билан бевосита мулоқотга киришувчи ички ишлар органларининг энг биринчи ва асосий бўғини эканлигидан келиб чиқиб, мазкур хизматга *номзодларни танлаш* бўйича амалда белгиланган талаблар бугунги талабларга қуйидаги сабабларга кўра жавоб бермаслигини кўриш мумкин:

биринчидан, бугунги кунда давлат раҳбарининг давлат ва жамият ривожида муҳим ўрин тутадиган туризм ҳамда чет эл инвесторларини юртимизга кенг жалб қилиш соҳасини ривожлантириш бўйича қўйилаётган талабларидан келиб чиқиб, юртимизда ушбу соҳаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётган бўлсада, ташриф буюрган меҳмонлар билан тўғридан-тўғри ҳокимият вакили сифатида мулоқотга киришиши мумкин бўлган патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг сафдор ходимлари таркибига номзодларни *танлашда* уларнинг чет тилларини билиш даражасини инобатга олиш меъзонлари мавжуд эмас;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларида патруль-пост фаолияти йўналишининг сержант ва офицерлар лавозимлари учун тайёрланадиган тингловчилар таркибига замон талабларига жавоб бера оладиган номзодларни *танлашда,* уларни ахборот технологиялари билан ишлаш, чет тилларини ўзлаштирганлик ва саводхонлик даражаларини аниқлаш, шунингдек соҳанинг сафдорлик лавозимида кўп йиллик фаолият юритган, ўзини ижобий томондан кўрсатган ходимларга ҳамда тегишли ихтисослик фани бўйича халқаро ва республика фан олимпиадаларининг республика босқичи ғолиби бўлган фуқароларга имтиёзлар бериш масалалари эътибордан четда қолган;

учинчидан, Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасаларида ички ишлар органларининг «Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти» учун мутахассис офицер кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор қаратилмаган[12].

Бизнингча, келтирилган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини мутахассис кадрлар билан таъминлаш фаолияти самарали

ташкил этилиши ҳамда такомиллаштирилишига хизмат қилади:

1) ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг сафдор ходимлари таркибига номзодларни *танлашда* уларнинг чет тилларини билиш даражасидан келиб чиқиб, имтиёз бериш тартибини жорий қилиш;

2) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларида патруль-пост фаолияти йўналишининг сержант ва офицерлар лавозими учун тайёрланадиган тингловчилар таркибига замон талабларига жавоб берадиган номзодларни *танлашда,* уларни ахборот технологиялари билан ишлаш, чет тилларини ўзлаштирганлик ва саводхонлик даражаларини аниқлаш, шунингдек соҳанинг сафдорлик лавозимида кўп йиллик фаолият юритиб, ўзини ижобий томондан кўрсатган ходимларга ҳамда тегишли ихтисослик фани бўйича халқаро ва республика фан олимпиадаларининг республика босқичи ғолиби бўлган фуқароларга имтиёзлар бериш мезонларини яратиш;

3) ички ишлар вазирлиги Академияси кундузги таълимида ички ишлар органларининг «Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти» учун мутахассис офицер кадрлар *тайёрлаш* йўналишини жорий этиш.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини малакали кадрлар билан таъминлаш фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш уларнинг фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш каби фаолиятини самарали ташкил қилишга имкон беради.

---

[1] Қонун устувор, адолат барқарор бўлса, жиноятчиликка ўрин қолмайди [Электрон манба] // URL: https: // president. uz/uz/ lists/view/2237 – (мурожаат этилган сана – 2019.08.04).

[2] *Жабборов Б.Я.* Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати институтини такомиллаштириш масалалари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – №1. – Б. 24.

[3] *Федорович З.С.* Кадровое обеспечение деятельности органов внутренних дел: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – С., 1997. – С. 6.

[4] *Притула В.И.* Кадровое обеспечение подразделений предварительного следствия в органах внутренних дел Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2009. – С. 3.

[5] *Глазунова Н.И.* Система государственного управления. – М., 2002. – С.74.

[6] *Пашин В.М.* Актуальные проблемы новой кадровой политики МВД России в органах внутренних дел. – Домодедово, 2012.

[7] *Исмаилов И.* Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни — тинчлик ва осойишталикни таъминлаш гарови // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2016. – № 4. – Б. 21.

[8] *Мухамедов Ў.Х.* Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидаги ислоҳотлар: биринчи босқич якунлари ва истиқболдаги вазифалар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – № 4. – Б. 4.

[9] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.

[10] *Матлюбов Б.А.* ИИВ Академиясида ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тубдан такомиллаштирилди // Постда. – 2017. – 26 авг.

[11] Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 23 сентябрдаги 206-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари ходимларини бошланғич, махсус касбий ва қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги низом» // URL: http://lex.uz

[12] *Зиёдуллаев М.З.* Милиция таянч пунктларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2008. – Б. 27.

***Рахимхўжаев Рустам Нишонхўжаевич,***
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси*
*касбий тайёргарлик факультети махсус фанлар цикли катта ўқитувчиси*

# ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, УЛАРНИНГ АНАЛОГЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ НАЗОРАТ ОСТИДА ЕТКАЗИБ БЕРИШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**Аннотация.** Мақолада гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича чора-тадбирлар тизимида назорат остида етказиб беришга тўхталиб ўтилган. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни назорат остида етказиб беришни турли мезонларга кўра таснифлашга эътибор қаратилган.

**Таянч сўзлар:** гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, гиёқвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, назорат остида етказиб бериш.

## НЕКОТОРЫЕ КОММЕНТАРИИ ОТНОСИТЕЛЬНО КОНТРОЛИРУЕМОЙ ПОСТАВКИ НАРКОТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ, ИХ АНАЛОГОВ ИЛИ ПСИХОТРОПНЫХ ВЕЩЕСТВ

**Аннотация.** В статье определяется место контролируемой поставки в системе мер борьбы с незаконным оборотом наркотических средств, их аналогами или психотропными веществами. Незаконный оборот наркотических средств, их аналогов или психотропных веществ классифицируется по различным критериям.

**Ключевые слова:** наркотические средства, их аналоги или психотропные вещества, незаконный оборот наркотических средств, их аналогов или психотропных веществ, нормативно-правовые акты, контролируемая поставка.

## SOME COMMENTS ON CONTROLLED DELIVERY OF NARCOTIC DRUGS, THEIR ANALOGUES OR PSYCHOTROPIC SUBSTANCES

**Annotation.** The article defines the place of controlled delivery in the system of measures to combat illicit trafficking in narcotic drugs and psychotropic substances. Illicit trafficking in drugs, their analogues or psychotropic substances is classified according to various criteria.

**Keywords:** narcotic drugs, their analogues or psychotropic substances, illicit trafficking in narcotic drugs, their analogues or psychotropic substances, legal acts, controlled delivery.

«Бугунги глобаллашув даврида янгидан-янги таҳдид ва хавф-хатарлар пайдо бўлмоқда, жиноятларни содир этиш усул ва воситалари, мақсадлари ўзгариб бормоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда кейинги икки йилда бу масалалар бўйича 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, ички ишлар тузилмалари ислоҳ этилди. «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз туризм», «Хавфсиз хонадон» тизимлари жорий этилди»[1], – деб таъкидлаб ўтган эди давлатимиз раҳбари 2019 йил 10 январь кунидаги видеоселектор йиғилишида.

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида бир қатор норматив ҳужжатлар, жумладан тезкор-қидирув фаолиятини бевосита тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни (кейинги ўринларда «Қонун» деб юритилади) қабул қилинди. Қонунда тезкор-қидирув тадбирла-

рининг турлари, уларни ўтказиш асослари ва шартлари белгилаб қўйилди.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни (кейинги ўринларда «гиёҳвандлик воситалари» деб юритилади) ноқонуний айланишига қарши кураш тизимида Қонунга мувофиқ амалга ошириладиган тезкор-қидирув тадбирларидан *назорат остида етказиб бериш* энг муҳим ва самарали тадбир ҳисобланади. Ушбу тадбир нафақат республикамизда, балки МДҲ давлатлари, шунингдек бошқа давлатлар миқёсида ҳам гиёҳвандлик воситаларини кўп миқдорда ноқонуний ўтказиш билан шуғулланувчиларнинг жиноий фаолиятини фош этиш билан боғлиқ.

Назорат остида етказиб бериш тактик операция сифатида биринчи марта ўтган асрнинг 70-йиллари охирида Интерпол томонидан наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда қўлланилган. Интерпол Бош Ассамблеяси 48-сессиясининг (1979 йил, Найроби) ҳисоботида таъкидланганидек, кўп мамлакатларда қонун ва амалиёт наркотик моддалар контрабандасига қарши кураш имкониятини яратади, бу йўналишда халқаро полиция ҳаракати амалга оширилиши мумкин[2].

Ҳозирги кунда назорат остида етказиб бериш дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан қўлланиладиган тадбирлар тизимига киритилган. Ўзбекистон қонунчилигида ҳам назорат остида етказиб бериш ўтказилишига рухсат этилгани кўп жиҳатдан халқаро ҳуқуқ нормаларининг талаблари билан боғлиқдир. Гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда муомалага чиқаришда иштирок этувчи шахсларни аниқлаш усули сифатида назорат остида етказиб беришдан фойдаланиш зарурати БМТнинг 1988 йил 19 декабрдаги Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши кураш тўғрисидаги Вена конвенциясида кўрсатиб ўтилган. Давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлигини тартибга солувчи бир қатор бошқа халқаро шартномаларда ушбу усулнинг нафақат наркотикларнинг, балки қурол-яроғ, маданий бойликлар ва бошқа нарсаларнинг ноқонуний муомалада бўлишини тўхтатиш учун ҳам қўлланиши мумкинлиги эълон қилинган[3].

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишини назорат қилишнинг асосий босқичлари БМТ томонидан ишлаб чиқилган қоида ва ҳужжатларга асосан бошланган. Шундай ҳужжатлардан бири 2000 йил 15 ноябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 55-сессиясида қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенция ҳисобланади. Конвенциянинг 2-моддаси «і» бандига мувофиқ, «назорат остида етказиб бериш» тушунчаси ҳар қандай жиноятни тергов қилиш ва уни содир этишда иштирок этган шахсларни аниқлаш мақсадида ноқонуний ёки шубҳали юкларни бир ёки бир неча давлатга тегишли органларни хабардор қилган ҳолда ва уларнинг назорати остида олиб кириш, ташиш ёки олиб чиқишга йўл қўядиган усулни англатади[4].

«Гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб бериш» тушунчаси алоҳида назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлса-да, қонунчилигимизда ушбу тушунча ёритилмаган. Шунга қарамай, Қонунда (14-м.) «назорат остида етказиб бериш» тушунчасига «эркин реализация қилиниши тақиқланган ёки муомаласи чекланган ёхуд жиноят объекти, предмети ва қуроли бўлган товарлар, валюта қимматликлари, моддалар ва бошқа предметлар олиб ўтилишини (ташилишини, жўнатилишини, топширилишини) тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш мақсадида ноошкора назорат қилишдан иборат бўлган тадбир»[5] сифатида таъриф берилган. «Гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб бериш» тушунчасини ёритишда ушбу қоидани асос қилиб олиш лозим.

Гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб бериш хусусида бир қанча

олимлар ўз фикрларини билдирганлар. Жумладан, рус олими В.М.Михайлов тезкор-қидирув фаолияти амалиётида назорат остида етказиб беришни «қонун ҳужжатларида белгиланган асосларга кўра тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар назорати остида гиёҳвандлик воситаларини аниқлаш, жиноятлар ва уларни содир этишда иштирок этган шахсларни ушлаш»[6] сифатида таърифлаган бўлиб, унинг ушбу тадбирга берган таърифида гиёҳвандлик воситаларини етказиб бериш, ўтказиш ва сотиш билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш, уларнинг жиноий фаолиятини фош этиш каби жиҳатлар эътибордан четда қолган.

Б.Э.Закиров ҳам назорат остида етказиб беришни «гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш (ташиш, жўнатиш) устидан назоратни ташкил этишдан иборат тезкор-қидирув тадбири»[7] сифатида таърифлаган. Бизнинг фикримизча, ушбу таъриф гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб беришнинг моҳиятини тўлиқ ифодаламайди. Чунки мазкур таърифда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш (ташиш, жўнатиш) устидан назоратни ташкил этишга эътибор қаратилган бўлиб, гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказиш (ташиш, жўнатиш) билан шуғулланаётган шахсларни, ташкилотчи ва буюртмачиларни аниқлаш ва уларнинг жиноий фаолиятини фош этиш қамраб олинмаган.

Назаримизда, «гиёҳвандлик восита ларини назорат остида етказиб бериш»га таъриф беришда ушбу тадбир жараёнида амалга ошириладиган фаолиятнинг қуйидаги хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ:

– гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказиш (олиб кириш, олиб чиқиш, жўнатиш, транзит тартибда ташиш) билан боғлиқ фаолиятга алоқадар барча шахсларни аниқлаш ва уларнинг жиноий фаолиятини фош этиш;

– наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятларга қарши курашда керакли маълумотларни олиш;

– наркотик моддаларни бир ёки бир неча давлатлар ҳудудида шартномалар асосида ўтказиш;

– ваколатли органлар билан ҳамкорлик қилиш;

– ноошкора назорат қилиш.

Қонунда назорат остида етказиб бериш тадбирига берилган таъриф ва юқорида келтирилган олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб беришга қуйидагича таъриф берамиз:

***гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб бериш*** – *гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятга алоқадар барча шахсларни аниқлаш, жиноий фаолиятини фош этиш ва гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларга қарши курашда керакли маълумотларни олиш мақсадида бир ёки бир неча давлатлар ҳудудида ваколатли органлар билан ҳамкорликда гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказиш (олиб кириш, олиб чиқиш, жўнатиш, транзит тартибда ташиш)ни ноошкора назорат қилиш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирлари мажмуидир.*

Назорат остида етказиб бериш бўйича тадқиқот олиб борган олимлар уни турли **мезонларга** мувофиқ тавсифлаган[8]. Унга кўра, гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб беришнинг бир қанча турлари мавжуд.

I. ***Ҳудудий асосга кўра қуйидагилар фарқланади:***

1) *ички назорат остида етказиб бериш,* яъни бир давлат ҳудудида ноқонуний равишда ташиладиган юк (наркотик модда)ларни назорат қилиш. Амалиёт бундай операцияларнинг самарали эканлигини тасдиқлайди, чунки улар наркотик моддалар савдоси билан ноқонуний шуғулланувчи шахсларнинг минтақалараро алоқаларини, наркотик моддалар ноқонуний айланишининг ички манба ва каналларини аниқлаш имконини беради;

2) *ташқи (халқаро) назорат остида етказиб бериш,* яъни давлат ҳудудига ташқаридан ноқонуний олиб кирилаётган, олиб чиқилаётган юк (наркотик модда)ларни назорат қилиш. Одатда, ушбу назорат остида етказиб бериш тадбирида бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи субъектлари иштирок этади;

3) *танзит назорат остида етказиб бериш,* яъни бир давлат ҳудуди орқали бошқа давлат ҳудудига юк (наркотик модда)ларнинг ўтказилишини назорат қилиш.

II. ***Назорат остида етказиб бериш усулига кўра қуйидагилар ажратилади***:

транспорт воситаси ёрдамида (контейнерлар, махсус идишлар, багаж ва бошқаларда) назорат остида етказиб бериш;

шахсий буюмлар ва инсон танаси ёрдамида назорат остида етказиб бериш (наркотик моддаларни тананинг ички аъзоларида ташиш);

почта жўнатмалари орқали назорат остида етказиб бериш;

ташишнинг бошқа усулларидан фойдаланган ҳолда назорат остида етказиб бериш.

III. ***Бирламчи ахборотни олиш усулига кўра қуйидагилар фарқланади*:**

а) тайёргарлик босқичида (наркотик моддаларнинг келгусида ноқонуний ҳаракатланиши ҳақида тезкор маълумот бўлганда) аниқланган назорат остида етказиб бериш;

б) наркотик моддаларнинг ноқонуний ҳаракатлари вақтида (тезкор-қидирув тадбирлари жараёнида, постлардаги текширувлар, чегара ҳудудида ҳаракатланаётганда ва ҳ. к.) аниқланган назорат остида етказиб бериш.

Гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб бериш тадбирини турларга ажратишда ҳисобга олиниши лозим бўлган мезонлар юзасидан фикр билдирган рус олими В.С.Овчинский назорат остида етказиб беришнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, аниқланган нарсалар (наркотик моддалар ва бошқалар) операция тугагунича олиб ташланмайдиган ва тоза, назорат остидаги нарсани тўлиқ ёки қисман олиб қўғирчоқ (муляж) билан алмаштириш кераклигини (инсон ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга хавф туғдирувчи ва оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқаришда ишлатилиши мумкин бўлган нарсалар алмаштирилиши шартлигини) таъкидлаган[9].

Назорат остида етказиб беришни турли мезонларга кўра ажратиш кераклигини А.А.Хамдамов, Т.Р.Саитбаев, С.Н.Гордеев, Р.Т.Рашитходжаев сингари ўзбекистонлик олимлар ҳам, А.Н.Шевораков, К.К.Горяинова, В.С.Овчинский, Г.К.Синилова, А.Ю.Шумилова каби рус олимлари ҳам тасдиқлаганлар[10].

Биз ҳам юқоридаги олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб беришнинг ҳудудий асосга кўра мезонига «аралаш» турини киритишимиз мумкин. Чунки, гиёҳвандлик воситаси транзит тарзида олиб ўтилаётганида маълум бир қисми республика ҳудудида тарқалиши мумкин. Бу ҳолатда транзит ва ички гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб бериш белгилари бирга қўлланади.

Гиёҳвандлик воситалари қисман алмаштирилганида комбинация орқали назорат остида етказиб бериш мумкин. Бу эса операция давомида гиёҳвандлик воситаларининг фақат бир қисмини ишлатиш, бошқа қисмини сақлаб қолиш ва гиёҳвандлик воситалари савдоси билан ноқонуний шуғулланувчиларнинг шубҳаларини бартараф этиш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, гиёҳвандлик воситаларини алмаштириш мақсадга мувофиқми ёки зарур миқдорини юк таркибида қолдириш керакми, деган масала миллий қонунчиликка, амалиётнинг тактик хусусиятларига ва бошқаларга қараб алоҳида кўриб чиқилиши керак. Амалиёт шуни кўрсатадики, айрим хорижий давлатлар (масалан, Буюк Британия), қоида тариқасида, гиёҳвандлик воситаларини назорат остидаги юкдан тўлиқ олиб қўйишни мажбурий деб ҳисоблаб, жиноят иши

қўзғатиш ва экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган даражада қолдиради.

Ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатларига кўра, назорат остида етказиб бериш наркотик моддалар курьер билан кузатиб бориладиган ва кузатиб борилмайдиган турларга бўлинади. Гиёҳвандлик воситалари назорат остида етказиб бериш тактикасини танлашда кузатувчининг мавжудлиги ҳам, наркотик моддалар сотувчилари томонидан кузатув олиб борилиши эҳтимоли ҳам ҳисобга олинади.

Хулоса қилиб айтганда, «гиёҳвандлик воситаларини назорат остида етказиб бериш» тушунчасининг Қонунга киритилиши ҳамда тезкор-қидирув фаолияти назариясида ушбу тадбирнинг аралаш тури борлиги назарда тутилиши, биринчидан, қонунчиликдаги бўшлиқни тўлдиради; иккинчидан, бу йўналишда илмий иш олиб бораётган шахсларга тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва мақсадини аниқ белгилаб олиш имконини беради; учинчидан, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш билан шуғулланувчи амалиёт ходимларига гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашишда назорат остида етказиб беришдан самарали фойдаланиш имконини яратади.

---

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 10 январь кунидаги «Қонун устувор, адолат барқарор бўлса, жиноятчиликка ўрин қолмайди» деб номланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи // URL: https://www.pv.uz/uz/news/gde-verhovenstvujut-zakon-i-spravedlivost-tam-net-mesta-prestupnosti

[2]*Бельсон Я.М.* Интерпол в борьбе с уголовной преступностью. – М., 1989. – С. 153.

[3]*Хамдамов А.А., Саитбаев Т.Р. ва бошқ.* Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ. – Т., 2015. – Б. 93.

[4]Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси. 2000 йил 15 ноябрь // URL: http://lex.uz/docs/1304566.

[5]Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги 2012 йил 25 декабрь қонуни // URL: https://lex.uz/docs/2107763.

[6]*Михайлов В.И.* Контролируемая поставка как оперативно-розыскная операция. – М., 1998. – С. 12.

[7]*Хамдамов А.А., Саитбаев Т.Р. и др.* Оперативно-розыскная деятельность. Особенная часть: Учебник. – Т., 2016. – С. 251.

[8]*Кубов Р.Х.* Оперативно-розыскная профилактика организованных преступлений в сфере внешнеэкономической деятельности // Российский следователь. – 2008. – № 3.

[9]*Овчинский В.С.* Контролируемая поставка // Оперативно-розыскная деятельность. – М., 2001.

[10]*Хамдамов А.А., Саитбаев Т.Р. ва бошқ.* Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ. – Т., 2015. – Б. 68; *Шевораков А.Н.* Правовая характеристика контролируемой поставки как оперативно-розыскного мероприятия, осуществляемого Федеральной службой безопасности: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2005. – С. 140; *Горяинова К.К.* Оперативно-розыскная деятельность: Учебник / К.К.Горяинова, В.С.Овчинского, Г.К.Синилова и др. – М.: ИНФРА-М, 2004. – С. 848.

***Қобилов Шариф Рахимович,***
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси*
*криминология кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди, доцент*

# КОРРУПЦИЯГА УНДОВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ

**Аннотация**. Мақолада коррупцияга ундовчи омиллар таҳлил қилинган, коррупцияга қарши кураш чораларининг самарадорлигини ошириш ҳақида таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар**: коррупция, коррупцияга қарши курашиш стратегияси, коррупциянинг илдизлари, сабаб ва шарт-шароитлари, коррупциоген вазият.

## НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ФАКТОРОВ, ПОБУЖДАЮЩИХ К КОРРУПЦИИ

**Аннотация**. В статье проанализированы факторы, создающие условия для коррупции, даются предложения по противодействию коррупции.

**Ключевые слова**: коррупция, стратегия борьбы с коррупцией, корни коррупции, причины и условия, коррупциогенная ситуация.

## SCIENTIFIC AND THEORETICAL INTERPRETATION OF FACTORS THAT ENCOURAGE CORRUPTION

**Annotation.** The article analyzes the factors that create the conditions for corruption and gives author's proposals on combating corruption.

**Keywords:** corruption, anti-corruption strategy, roots of corruption, causes and conditions, corruption situation.

Мамлакатимизда жиноятчилик, хусусан коррупция тусидаги жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш борасида умумижтимоий ва махсус чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ноқонуний йўл билан шахсий мол-мулк орттириш демократик институтлар, миллий иқтисодиёт ва ҳуқуқ-тартиботга жиддий путур етказаётган, коррупцияга қарши кураш олиб борувчи миллий ва халқаро миқёсдаги махсус тузилмалар ҳамда ваколатли органларнинг фаолияти давлат бюджетига оғир юк бўлиб тушаётган бугунги воқелик борган сари ўсиб бораётган коррупциянинг илдизлари, сабаб ва шарт-шароитларини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини коррупцияга ундовчи омилларни тадқиқ этиш ва ўрганишни кун тартибига қўймоқда.

Жаҳон банкининг маълумотларига қараганда XX аср бошида «коррупция дунё ҳамжамиятига йилига 80 млрд АҚШ доллари миқдорида зарар келтирган»[1] бўлса, 2016 йилга келиб дунёда яратилаётган ЯИМнинг 2 фоизини пора ташкил этди[2]. Бу қарийб 1,5−2,0 трлн АҚШ доллари демакдир. БМТ Бош котиби Антониу Гуттериш 2019 йилги Иқтисодий форумда сўзлаган нутқида бу кўрсаткич 2,6 трлн АҚШ долларига етганини

таъкидлаб, барча давлатлар раҳбарларини ушбу глобал офат билан муросасиз курашишга чақирди[3].

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти коррупция ҳодисасини муҳим ва махсус масала деб эътироф этди. Бугун мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Коррупция билан ҳеч қачон мақсадимизга эриша олмаслигимизни англаш вақти етди.

Бу иллатнинг олдини олиш учун тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни чиқарилди. Унинг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Президентининг 2752-сон қарори, ушбу муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотларнинг давоми сифатида «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2019 йил 27 май) Президент фармони қабул қилинди. Уларда аниқ вазифалар белгиланди, 2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури тасдиқлангани ҳам масаланинг ниҳоятда долзарблигидан далолат беради. Уни ҳал қилишда бир қанча ёндашувлар кўзга ташланадики, қуйида уларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Биринчи ёндашув. Коррупцияга қарши курашнинг муваффақияти давлат органи ходимининг маънавияти, ахлоқ-одоби, демократик принциплар ва касбий бурчига садоқати билан бевосита боғлиқ. Лавозим, мансаб, мартаба инсонга бойлик тўплаш, роҳат-фароғатда яшаб, еб ётиш, айшу ишрат учун эмас, балки Ватани, халқи ва президентига садоқат билан хизмат қилиши учун берилади. Ходим маънавиятининг даражаси ва ахлоқ-одобидаги, демократия қоидаларига содиқлигидаги нуқсонлар, яъни эътиқод заифлиги, иймон сустлиги, қатъий фуқаролик позицияси йўқлиги ҳам коррупциянинг субъектив сабабларига киради.

Шундай экан, коррупцияга қарши самарали курашиш учун инсон маънавиятини юксалтиришни умуммиллий ҳаракатга айлантириш, ушбу жараёнда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш муҳим.

Иккинчи ёндашув. Коррупция иқтисодий ва ижтимоий муаммолар манбаи бўлиб, унинг келиб чиқишига сиёсий, ижтимоий, миллий, демографик ва ҳатто руҳий-ахлоқий ва ёш билан боғлиқ омиллар ҳам таъсир этишини унутмаслик лозим. Чунки, бошқа соҳалардаги ўзгаришлар коррупцияда ҳам ўз аксини топади.

Коррупция жамиятда иқтисодий ва ижтимоий беқарорлик, ҳатто кескинлик келтириб чиқаради. Унинг белгиларига ишлаб чиқариш даражасининг пасайиши, ишсизликнинг кучайиши, камбағаллик ва инфляция киради.

Коррупциянинг сабаблари, шарт-шароитлари ва белгиларини аниқлашда қўлланиладиган яна бир методологик ёндашув унинг объектив ва субъектив сабабларини иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, психологик ва бошқа омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда фанлар интеграцияси кесимида ўрганишдир.

«Коррупция» универсал ва кўп қиррали категория бўлгани учун криминология, жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий фанлар хулосаларига асосланиб, коррупция феноменини тадқиқ этиш, унинг хулосаларига таяниб, коррупция ҳодисаси ҳамда унинг олдини олиш йўллари ва чораларининг самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

Фанлараро коррупция ҳодисасини кузатиш, улар ҳақида маълумот тўплаш ва бу маълумотни назарий умумлаштириш орқали амалий тавсиялар бериш мумкин. Бу тавсиялар коррупцияга қарши давлат стратегиясига тегишли бўлади.

Коррупцияга қарши давлат стратегиясининг мақсади деганда коррупция ҳодисаси

ва унинг олдини олиш, коррупциянинг миқёси, кўлами ва даражасини пасайтириш ҳамда фуқаролар, жамият ва давлат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг коррупция билан боғлиқ таҳдидлардан ҳимояланишини таъминлашдан иборатлигини қайд этиш лозим.

Учинчи ёндашув. Коррупциянинг сабаблари, шарт-шароитлари ва белгиларини аниқлашда қўлланиладиган яна бир методологик тамал тоши коррупцияни унинг динамикасига (ривож-ланишига) асосланиб ўрганишдир. Бу билан коррупция кўринишидаги ҳодисаларнинг сабаблари, келиб чиқиш шароитлари ва ундаги ўзгаришлар билиб олинади, коррупциянинг ривожланишига хос тамойиллар (тенденциялар) аниқланади. Булар қандай ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келиши ва шунга кўра соҳалар фаолиятини келажакда қандай ташкил этиш кераклиги аниқланади.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар бирданига юзага келадиган криминоген вазиятлар туфайли эмас, балки инсоннинг муайян барқарор шахсий хислат ва қадриятлари сабабли содир этилади. Демак, субъектив коррупциявий жиноятчиликнинг шарт-шароитлари – аҳолининг демографик ва ижтимоий-психологик хусусиятлари (хулқ-атвори, темпераменти, ёши, жинси, маълумоти, ишлаб чиқариш соҳасидаги бандлиги, вазифаси ва бошқалар) бўлиб, улар коррупцияга мойил жиноятчи шахсининг ғайриқонуний мотивацияси шаклланишига сабаб бўлади.

Бинобарин, қонунга итоаткор ва ўзини юксак даражада бошқара оладиган ҳалол инсон учун «жиноий» вазиятлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Вазият ўз-ўзича жиноятни келтириб чиқара олмайди, у фақат ғайриижтимоий феъл-атворга эга шахснинг муайян қараш ва мақсадларини амалга ошириши учун мос бўлиши мумкин. Шу боис, коррупцияни инсон феълига хос худбинлик, деб таърифласак ҳам бўлади.

Тўртинчи ёндашув. Коррупциянинг сабаблари, шарт-шароитлари, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундовчи омилларни антропологик омиллардан, яъни инсоннинг зиддиятли табиати, унда эзгулик ва ёвузликнинг доимий кураши, инсоннинг кам куч сарфлаб, кўпроқ даромад топишга интилиши кабилардан излаш мақсадга мувофиқдир.

XX асрда М.Шелер[4] инсоннинг моҳиятини тадқиқ этган. Кейинчалик бу йўналиш антропология деб ном олган. У жамиятнинг инқирози, ижтимоий қарама-қаршиликлар ва бошқа зиддиятларни инсон шахсий инқирозининг аломатлари деб ҳисоблаган. Демак, коррупция инсоннинг феълига хос худбинликда ҳам ифодаланади.

Қаерда инсон ҳақида сўз кетса, ўша ерда унинг ахлоқи, феъл-атвори, билим даражаси, мушоҳада қамрови сингари фазилатлари тилга олинади. Зотан, инсоннинг ахлоқ-одоби, иқтидорини тарбиялаш, уни руҳий камолотга эриштириш барча замонларда, айниқса Шарқда донишмандлар, мутафаккирларнинг эътиборида бўлган. Тадқиқотларга кўра, одамзодга ҳазрати инсон мақомида ёки бошқа махлуқотлар қаторида қаралган.

Хусусан, Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида айтганидек, «одамий — шарифул кавнайндур», яъни одам икки дунёнинг энг азиз ва энг шариф махлуқи ҳисобланади. Зеро, Яратган оламларни пайдо қилар экан, мақсади — Инсон бўлган. Олам Парвардигор ҳусну жамоли учун кўзгу бўлса, Инсон ана шу кўзгунинг мазҳари — Тангри таоло қудрати ва сиру асрори, илму каромати зоҳир этган мўъжиза хилқат ҳисобланади. Инсоннинг қалби эса Яратган илми ишқининг хазинасидир.

Имом абу Ҳомид Ғаззолий «Кимёи саодат» асарида шундай ёзади: «Инсон фаришта ва ҳайвон ўртасидаги махлуқдир. Ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йўқ. Фаришта ҳам ривожланмайди, чунки унинг ўзи пок илоҳий нурдан иборат. Фақат инсондагина

ривожланиш, руҳий камолот хислати мавжуд»[5].

Инсон ҳаётининг моҳияти, унинг ахлоқи ва маънавияти ҳақидаги фикрлар Аҳмад Дониш қарашларида ҳам ўз аксини топган. У инсонга қуйидагича баҳо беради: «Инсон еру коинот орасида ўрин олган ажойиб мавжудотдир... Агар у хаёлга чўмса, етти қават осмонни хаёл қутичасига жойлайди. Агар у фикр қилса, бутун борлиқни токчасига сиғдиради, агар унинг меҳри товланса, бечора чумолини киприги устида сақлайди, агар унинг сахийлиги жилва қилса, тўнини бировга бериб, ўзи яланғоч қолади, агар унинг хасислиги ружу қилса, қумурсқа оғзидаги донни талашади».

Дунёнинг илғор мутафаккирлари И.Халдун, Ж.Румий ва Ф.Ницшенинг инсон табиатига оид қарашлари қиёсий ўрганилганида уларнинг ғояларида умумий жиҳатлар мавжудлигини кўрамиз. Хусусан, Ж.Румийнинг фикрича, агар одамлар ўз ҳолига қўйилса ва инсоний руҳда тарбияланмаса, унда Худо неъматини қўлга киритиш камдан-кам кишига муяссар бўлади. Хайр ва шарр оралиғида қолиб, ҳар иккисидан бирини танлаш лозим бўлганида у шаррни танлайди, зеро инсон табиатида шаррга мойиллик кўпроқ. Адолатсизлик ва бошқаларга ҳужум қилиш инсонларга хос хислат. Шу боис, жамиятда кишиларнинг бир-бирларига жабр қилмасликлари учун маърифатга эришмоқ зарур. Инсон ўзининг ички оламидаги ёзувларни ўқий олади ва уларни бошқариши мумкин[6].

БМТ томонидан ўтказилган иқтисодий хавфсизликка доир тадқиқотларда хавфсизликни таъминлаш масаласида инсонга алоҳида ўрин ажратилади. БМТ экспертларининг 1994 йилдаги «Инсон тараққиёти бўйича ҳисоботи» тўлалигича иқтисодий хавфсизлик муаммосига, яъни инсон хавфсизлиги, унинг қадр-қиммати мавзусига бағишланганлиги ҳам бежиз эмас[7].

Ҳар бир инсонда ижобий хулқ мавжуд. Агар унинг ушбу хулқи англанган бўлса ва қарорни эркин, тўғри қабул қилса, у вазиятнинг қулига айланмайди.

Демак, инсон хулқининг руҳий бошқарув даражаси қанчалик паст бўлса, унинг хулқида коррупциоген вазият билан боғлиқ ҳолатлар шунчалик катта аҳамиятга эга бўлади.

Бешинчи ёндашув – коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этган шахсларнинг эҳтиёжларига оид хусусиятларни аниқлаш.

Ушбу эҳтиёжлар асосан қуйидаги хусусиятларга эга:

– эҳтиёжларнинг тор, чекланган, моддий-утилитар хусусиятга эгалиги;

– ижтимоий зарур эҳтиёжларнинг (меҳнат, ахлоқий хулққа бўлган эҳтиёжларнинг) ривожланмаганлиги;

– шакли бузилган, ўртача стандартдан ва эҳтиёжларни қондиришнинг қонуний имкониятларидан ортиқ бўлган эҳтиёжлар, истеъмолчилик кайфиятининг авж олдирилиши;

– бузилган ва англанмаган эҳтиёжлар.

Шу маънода, коррупцияга мойил аксарият кишиларда истеъмолчилик ҳисси ҳаддан ташқари кучайгани кўзга ташланади. Бу эса келгусида уларни талон-торожлик, тамагирлик, порахўрлик, ўғрилик, талончилик ва босқинчилик каби жиноятлар содир этишга етаклаши мумкин. Аксарият одамларнинг ижтимоий бузилиши уларнинг яратувчилик хислатлари буюмларга эгалик қилиш истаклари томонидан сиқиб чиқарилишида кўринади. Уларда «жамғариш инстинкти», бойлик тўплаш ҳирси чегара билмайди.

Бинобарин, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий инқирози фалокат тўпланадиган буюм ёки бойликларда эмас, балки истеъмолчи одамнинг ишлаб чиқарувчи шахс сифатида пассив бўлиб қолиши, ғайриижтимоий иш тутиши, сўнгра эса жамиятга нисбатан фирибгар, порахўр, мансабни суиистеъмол қилувчи бўлиб қолишидадир.

Олтинчи ёндашув – ижтимоий-иқтисодий тизим шароитидаги амалий фаолият жараёнида инсонга таъсир

кўрсатадиган бошқарув омилларини аниқлаш.

Коррупциянинг олдини олиш стратегиясини ўзгартиришда инсонга таъсир кўрсатадиган қуйидаги бошқарув омиллари инобатга олиниши лозим:

– фойда олиш истаги ва муҳтожликдан қўрқиш;

– маъқулланишидан умидворлик ва жазодан қўрқиш;

– шаън, шараф ҳисси ва шармандаликдан қўрқиш;

– том маънодаги фаолиятга интилиш ва бекорчилик оқибатларидан қўрқиш;

– бурч ҳисси ва виждон азобидан қўрқиш.

Инсонга таъсир кўрсатадиган мазкур бошқарув омилларининг давлат хизматчилари томонидан чуқур англаниши уларни истеъмолчилик кайфияти авж олишидан тийилтиради. Бу эса давлат ва жамиятни моддий ва маънавий зарарлардан асраб қолади. Истеъмолда ҳам оқилона истеъмол чегаралари, нормалари мавжуд бўлиши керак. Истеъмол маданиятини шакллантириш даврнинг муҳим вазифасига айланиши зарур. Тўғри, нафс деганда истеъмолга интилишни тушунамиз. Бироқ, нафснинг умум эътироф этган усуллари бор. Шу боис, истеъмол ҳажми ва таркибини аниқлаш лозим.

Шуни яхши эсда сақлашимиз керакки, поклик ва ҳалоллик ёнида доимо уни шу йўлдан оздирмоқчи бўлган шайтоний васваса ҳамроҳ бўлиб юради. Озгина иймон йўлидан тойилишга мойиллик бўлса, ўша ерда дарров шайтоний ҳиссиёт бош кўтаради ва охир-оқибат инсон қалбини забт этишга интилади. Шунинг учун доимо иймон, поклик ва ҳалоллик йўлида ҳушёр туришимиз керак.

Улуғ аждодимиз Ҳаким Термизий айтганидек, «шайтоннинг бир соат ичида ҳалок қилганини юзта оч арслон бир сурув қўй ичида қила олмас. Нафснинг бир соат ичида одамга қиладиган вайронлик ишини эса юзта шайтон қила олмас»[8].

Истеъмолнинг тийдирадиган ва тийдирмайдиган элементлари мавжуд. Истеъмолдаги танлов эҳтиёж ва даромадга қараб рўй беради. Истеъмолчилик маданияти англанган эҳтиёжни тарбиялаши фанда исботланган.

Коррупционер-жиноятчининг ижтимоий-демографик хусусияти ўз-ўзича жиноий-лашмаган. Бу шахснинг шаклланиши ва ҳаётий фаолияти, эҳтиёжлари, мотивацияси ҳамда инсоннинг ижтимоий вазифалари билан боғлиқ[9]. Жамиятда истеъмолчилик кайфиятининг авж олиши инсонда ўз шахсий моддий манфаатларини, давлат ва халқ манфаатларини менсимаслик, беписандликка олиб келади. Бундай ҳолатни биз коррупцион хулқ-атвор васвасаси деб атаймиз.

Коррупция молпарастлик, пулпарастликдан озиқланади. Худбинлик, шуҳратпарастлик, пулга мойиллик – коррупциянинг мафкураси. Агар жамиятда пул фетишизми ҳукмронлик қилиб, ғоявий бўшлиқ юзага келса, коррупция ривожланади, жамият инқирозга юз тутади[10].

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса шуки, ижтимоий-демографик хусусиятлар жиноятчи шахси тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун муҳим бўлиб, жиноий хулқ-атворни профилактика қилиш тадбирларини ишлаб чиқишда алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, ҳозирги замон кишисининг эҳтиёжлари ва уларнинг қондирилиши аждодларникидан ҳам, авлодларникидан ҳам тубдан фарқ қилишини ҳамда этнопсихологик хусусиятлар ўз таъсирини йўқотмаганлигини ҳам эътиборга олиш зарур. Шахснинг эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш уни комил инсон сифатида камол топтиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланса-да, лекин бу унинг устувор эканлигини билдирмайди, чунки бошқа таъсирчан омиллар ҳам мавжуд.

Одамнинг эҳтиёжи, ушбу омиллар қатори, унга таълим ва тарбия бериш жараёнида шаклланади, яъни инсоният томонидан яратилган ижтимоий тажриба,

кўникма, малака, одат, маънавият, қадриятлар билан яқиндан танишиш, уларни ўзлаштириш орқали амалга оширилади. Демак, коррупцияга қарши курашишнинг биринчи шарти – инсон дунёқарашини ўзгартиришдир. Бунинг учун Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада тако-миллаштириш зарур»[11].

Коррупцияга қарши курашишда таълим тизимига эътибор бериш муҳим ўрин тутади. Зеро, «инсон – жамиятни, таълим эса инсонни ўзгартиради» деган ғоя асосида таълим тизими орқали жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мумкин.

Еттинчи ёндашув. Давлат хизматчиларининг *фаолиятида мансабни қасддан суиистеъмол қилиш, аввало* уларнинг қонун ҳужжатлари, низом ва буйруқларда белгилаб қўйилган ахлоқий нормалар, профессионал бурч ва вазифаларни бажаришда ўзларининг шахсий манфаатларини инсон, жамият, давлат манфаатларидан устун қўйиб, худбинларча суиистеъмол қилишлари — касбига хиёнат қилиш, пора олиш, тамагирлик қилиш каби қонунга хилоф хатти-ҳаракатларида ифодаланади. Бундай ижтимоий ҳодисани касбий бузилиш дейилади.

Касбий бузилишнинг ёпиқ шакллари ҳам мавжуд. Бундай вазият жамият ва давлат фаолиятига таҳдид солади. Касбий бузилишнинг ёпиқ шакллари қуйидагиларни ифодаланишини ҳар бир давлат хизматчиси ёдда тутиши керак:

– хизмат фаолиятида ваколат мавқеидан ўзининг ғараз мақсадларини амалга оширишда фойдаланиш;

– турмушдаги ахлоқий бузуқлик;

– ахлоқий-маънавий жиҳатдан қашшоқланиш;

– хизмат манфаатларини идрок этмаслик, худбинликка йўл қўйиш;

–порахўрлик;

–жиноятчилар билан тил бириктириш, уларга сотилиш ва қўшилиб кетиш.

Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «касбий маҳорат ва маданиятни ошириш, ҳар қандай ҳолатда ҳам қонун, адолат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланиб иш кўриш»[12] ҳар бир давлат органлари ходимларининг энг устувор вазифаси бўлиши лозимлигини такрор-такрор уқтирмоқда.

Демак, юқорида қайд этилган инсоннинг ижтимоий иқтисодий фаолиятини бошқарувчи омиллар барча инсонларда ҳам бир хилда намоён бўлмайди. Порахўр ва худбинлар, асосан, мўмай даромад олиш истаги таъсирида бўладилар. Бундай ижтимоий-иқтисодий вазиятни коррупциявий мотивация вужудга келтириши фанда ўз тасдиғини топган.

Мотив (лот. *movete* – ҳаракатга келтирмоқ) – шахсни фаолиятга ундовчи ички туртки. Эҳтиёжларнинг қондирилиши билан боғлиқ фаолиятга ундовчи ва унинг йўналишини белгиловчи сабаблар мотивлар дейилади. Коррупцион мотивациянинг вужудга келиши шахснинг эҳтиёжи, мотиви, установка ва мотивацияси билан боғлиқ. Коррупцион мотивациянинг асосида худбинлик, пулга интилиш, дунёпарастлик, шуҳратпарастлик, кибру ҳаво, кайфу сафо, манманлик ётади. Бу ёндашув бизни коррупция – пулга ва ҳокимиятга интилиш ифодаси, деган хулосага олиб келади.

Шу ўринда Қадимги Хитой файласуфи Сюн-Цзининг қуйидаги фикрини эслаш жоиз: «Фақат ўз шахсий манфаати ҳақида қайғуриб, бурчини унутмоқлик ўтакетган пасткашликдир. Комил инсон текшириб бўлмайдиган сўзлар, илгари учрамаган ҳаракатлар ва фикрларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади»[13].

Шундай экан, ҳар бир давлат органи ходими ўз қадр-қимматини, мавқеи ва обрў-эътиборини сақлаш туйғуси билан яшаши, бошқаларни беҳурмат қилмаслиги, менсимаслик, манман-сираш каби иллатлардан ўзини ҳимоялаши лозимлигини англаб

етиши бугунги кун талаби бўлиб, уларга итоат этиш ходимнинг обрўсига обрў қўшади.

Шу боис ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни бажариш кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга доир бир қатор ишларни амалга оширишни талаб қилади[14]. Шундай экан, келгусида давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига муносиб номзодларни танлаш ва тайинлаш, уларнинг касбий, руҳий, жисмоний, жанговар ва маънавий-ахлоқий тайёргарлигини ошириб бориш, ходимларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялашни кучайтириш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириб бориш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни кадрлар билан самарали таъминлаш ҳамда ходимлар ўртасида қонунчилик ва хизмат интизоми бузилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида «Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!» деган ҳаётий ғояни аҳоли онгида мустаҳкамлаш орқали давлат ва жамият ривожига, халқнинг адолатга бўлган ишончига жиддий путур етказадиган хавф – коррупциянинг домини қирқиш мумкин.

---

[1] *Спицнадель В.Б., Белова К.В.* Коррупция: история и современность. – М., 2007 // URL:http://zakon.ru, www.k2kapital.com, www.transparancy.org, www.crime.vl.ru).

[2] Батафсил маълумот учун қаранг: *Кабилов Ш. Р.* Причины возникновения коррупции и экономико-правовые меры противодействия ей // Science and world. International scientific journal. – 2016. – №12 (40). – Vol. II. – P.14.

[3] Рейтинг стран мира по уровню валового внутреннего продукта //Гуманитарная энциклопедия[Электронный ресурс]/ Центр гуманитарных технологий, 2006–2016 (последняя редакция:30.10.2016) //URL:http://gtmarket.ru/ratings/rating-countries-gdp/rating-countries-gdp-info.

[4] *Шелер М.* Положение человека в космосе. – М.: Прогресс, 1994. – С. 47.

[5] *Абу Ҳомид Ғаззолий.* Кимёи саодат.– Т., 2000. – Б. 120.

[6] *Румий Ж.* Ичингдаги ичингдадир. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. –Б. 73.

[7] *Кузнецова Е.* Экономическая безопасность. – М., 2019. – С. 35.

[8] marifatgulshani. fikr.uz.

[9] Криминология // Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, В.В. Лунеева. – М., 2004. – С. 125.

[10] *Мамадалиев Ш. О., Мамадалиев С. Ш.* Коррупцияга қарши курашнинг назарий масалалари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2018. — Махсус сон. — Б. 65.

[11] Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2018. – 7 дек.

[12] Ўша жойда.

[13] *Жураева С.* 96 мумтоз файласуф. – Т., 2002. – Б. 136.

[14] *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. – Т., 2017. – Б. 162.

***Хўжақулов Сиёвуш Бахтиёрович,***
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа (PhD) доктори*

# «ҲУҚУҚБУЗАРЛИК» ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУНИ

**Аннотация**. Мақолада «ҳуқуқбузарлик» тушунчаси назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган, «ҳуқуқбузарлик», «жиноят» ва «маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчаларига муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилиб, амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар берилган.

**Таянч сўзлар:** ҳуқуқбузарлик, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, қилмиш, ижтимоий хавфлилик, ижтимоий хавфли қилмиш, ҳаракат, ҳаракатсизлик.

**ПОНЯТИЕ ПРАВОНАРУШЕНИЯ И ЕГО СОДЕРЖАНИЕ**

**Аннотация.** В статье анализируется понятие «правонарушение» в теоретическом и юридическом отношении, даются авторские определения понятий «правонарушение», «преступление» и «административное правонарушение», а также предложения об изменениях и дополнениях в действующее законодательство.

**Ключевые слова:** правонарушение, преступление, административное правонарушение, проступок, социальная опасность, социально опасное деяние, действие, бездействие.

**CONCEPT AND CONTENTS «OFFENCES»**

**Annotation.** The article analyzes the concept of «offense» in theoretical and legal terms, gives the author a definition of the concepts of «offense», «crime» and «administrative offense» and makes suggestions for changes and additions to the current legislation.

**Keywords:** offense, crime, administrative offense, act, social danger, socially dangerous act, action, inaction.

Назария ва амалиётда яқин-яқингача «ҳуқуқбузарлик» тушунчасининг мазмуни бўйича бир тўхтамга келинмасдан, бир қатор мунозарали фикрлар билдириб келинган[1]. Уларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин.

*Биринчи гуруҳ* муаллифлари (И.Исмаилов, М.З.Зиёдуллаев, Б.Х.Пўлатов, А.А.Ҳамдамов, Б.Мадраҳимов, М.М.Асрақулов, И.Х.Дўсмура дов) фикрига кўра, ҳуқуқбузарлик деганда маъмурий жавобгарлик, айбли, ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушунилади[2]. Бизнингча, масалага бундай ёндашганида «ҳуқуқбузарлик» тушунчасининг мазмуни торайиб, фақат маъмурий ҳуқуқбузарлик қамраб олинган.

*Иккинчи гуруҳ*. Юридик энциклопедияда таъкидланишича, ҳуқуқбузарлик – жамиятда ўрнатилган ва қонун асосида белгиланган тартиб ёки умуман, ижтимоий яшаш қоидаларини бузиш ҳисобланиб, жиноят, ножўя ҳаракат, интизомни бузиш шаклида бўлади, кўп ҳолларда «қонунбузарлик» сўзи билан ҳамоҳанг баён этилади[3]. Айрим муаллифлар (М.Ю.Кержнер, F.Т.Абдуллаходжаев) ҳам «ҳуқуқбузарлик» тушунчаси жиноят, ножўя хатти-ҳаракат, интизомни бузиш кабиларни ўз ичига олишини таъкидлашган[4]. Бизнингча, ушбу ёндашувда «ҳуқуқбузарлик» тушунчасининг мазмуни ҳаддан ташқари кенг талқин этилган. Бу эса ҳар қандай қонун бузилиши асоссиз равишда ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланишига олиб келади. Айрим олимлар томонидан берилган таърифларда «ҳуқуқбузарлик» тушунчаси кенг талқин қилинсада, мазмунан «ижтимоий хавфли қилмиш» эканлигига урғу берилади[5]. Ижтимоий

хавфлилик эса фақат «жиноят» тушунчасига хос белгидир[6].

*Учинчи ёндашув.* «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасига мувофиқ, ҳуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган, айбли, ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир.

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил шундан далолат берадики, аксарият хорижий давлатлар қонун ҳужжатларида ҳам «ҳуқуқбузарлик» тушунчасига юқорида келтирилган мазмунда таъриф берилган.

Жумладан, «ҳуқуқбузарлик» тушунчаси: Россия Федерациясининг «Россия Федерациясида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг асослари тўғрисида»ги (2016 йил 23 июнь) федерал қонунида – «маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлувчи ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат, ҳаракатсизлик), маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят» (2-м.); Беларусь Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолият асослари тўғрисида»ги 2014 йил 4 январдаги қонунида «содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган, айбли, ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик)» (1-м.) сифатида таърифланган.

Таъкидлаш жоизки, «ҳуқуқбузарлик» тушунчасини таърифлашда Ўзбекистон ва Россия Федерацияси қонунларида – *«ғайриқонуний қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)»* тушунчаси, Беларусь Республикаси қонунида эса *«ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик)»* тушунчаси қўлланилган.

Ўйлашимизча, Беларусь Республикаси қонунидаги ушбу ёндашув қўллаб-қувватланишга лойиқдир. Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра, *«қилмиш»* тушунчаси «қилинган иш», «ҳаракат», «фаолият», «ножўя иш», «қилғилик» маъноларини англатади[7]. Шунга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, қилмиш фақат механик ҳаракатда ифодаланади. Ҳаракатсизликни қилмиш сифатида баҳолаш мунозаралидир.

Ўтказган тадқиқотларимиз асосида «ҳуқуқбузарлик» тушунчасининг қуйидаги таърифини таклиф этамиз: «***ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган, айбли, ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик*»**. Бинобарин, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддаси тўртинчи қисмига ана шу шаклда ўзгартиш киритилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, ҳуқуқбузарлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятдан иборат. Шу ўринда миллий қонунчиликда «маъмурий ҳуқуқбузарлик» ва «жиноят» тушунчаларига берилган таърифларнинг ўзаро мувофиқлигини ёритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Қонунлардаги «жиноят» ва «маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчаларининг таҳлили ушбу тушунчаларга мавжуд таърифлардан мантиқан ва мазмунан фарқ қиладиган янгича таъриф беришни тақозо этади. Мазкур таърифлар кўриб чиқилаётган қонунлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни, қолаверса, уларни бир-биридан ажратиб турувчи чегарани аниқловчи белгиларни, шу билан бирга ижтимоий хавфлилик хусусиятларини ўзида ифодалаши лозим.

Бинобарин, содир этилган жамиятга зид қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги (жиноий ҳуқуқбузарлик) ёки ижтимоий хавфли эмас (маъмурий ҳуқуқбузарлик)лигига ойдинлик киритувчи чегаралар мавжудлиги мазкур қонунлар билан қўриқланадиган объектларнинг белгилаб олинишига замин яратади. Жамиятга зид қилмишнинг ижтимоий хавфли ёки хавфсизлигини ажратиб турувчи чегара эса, одатда етказилган (моддий, маънавий ва жисмоний) зарарнинг хусусияти, яъни даражаси, ҳажми ва миқдори билан белгиланади. Қонун чиқарувчи мазкур чегарани белгилашда биргина содир этилган

қилмиш орқали етказилган зарарнинг хусусиятини эмас, балки уни содир этган шахснинг хусусиятларини ҳам эътибордан четда қолдирмаган. Лекин шуни ҳам тан олиш керакки, мантиқан олганда, шахснинг хусусияти қилмишнинг ижтимоий хавфли ёки хавфсизлигига аниқлик киритувчи мезон бўла олмайди. Буни ЖКнинг 14-моддасида «жиноят»га берилган таърифда «қилмиш» мазмуни ва моҳияти бўйича «ҳаракат ёки ҳаракатсизлик» сифатида ифодаланганида ҳам кўриш мумкин.

Лекин мантиқий ёндашув орқали шахс хусусияти жиноятни маъмурий ҳуқуқбузарликдан фарқлашнинг алоҳида бир шакли сифатида намоён бўлади. Бунда, қилмишдан фарқли ўлароқ, шахснинг ижтимоий хавфлилиги каттароқ аҳамият касб этади. Агар қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги етказилган зарарнинг даражаси ва миқдори билан белгиланса, шахснинг ижтимоий хавфлилиги унинг муайян бир маъмурий ҳуқуқбузарликни бир йил мобайнида икки марта содир этганлигида, яъни бир марта маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиб, маъмурий жавобгарликка тортилган бўлишига қарамай, бундан тегишли хулоса чиқармай, худди шу қилмишни бир йил давомида такрорлаганида ифодаланади.

Юқорида келтириб ўтилганларга қарамасдан, амалдаги ЖКда «жиноят» тушунчасига берилган таърифда МЖтКда назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг мавжудлиги назарда тутилмаган. Негаки, ЖКнинг 14-моддасида «Ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади» дея таъриф берилган. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур моддада ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят деб ҳисобланиши таъкидланган, ушбу оқибат эса жазо қўллаш таҳдиди мавжуд бўлганида юзага келади, яъни ақли расо жисмоний шахс содир этган ижтимоий хавфли қилмиш жиноят қонунида кўрсатилган объектларга дахл қилсагина жиноят саналади, деган мазмун ифода этилган.

Ушбу мазмун ЖКнинг махсус қисмида кўрсатилган қилмишлар ижтимоий хавфлилик хусусиятига эга, бошқа ҳар қандай қилмиш, гарчи ижтимоий хавфли оқибат келтириб чиқарса ҳам, ижтимоий хавфли ҳисобланмайди, деган хулоса чиқарилишига асос яратади. Ваҳоланки, шундай қилмишлар борки, улар бевосита МЖтКнинг Махсус қисми объектларига ҳам дахл қилади. Шунга қарамай, бундай қилмишлар жиноят деб топилади.

Бунга МЖтКнинг 52-моддаси иккинчи қисмида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарлик («Енгил тан жароҳати етказиш») мисол қилиб келтирилиши мумкин. Негаки, шахс мазкур маъмурий ҳуқуқбузарликни бир йил ичида икки марта қасддан содир этса, унинг қилмиши ЖК 109-моддасининг биринчи қисмида белгиланган жиноят («Қасддан баданга енгил шикаст етказиш») сифатида баҳоланади. Аммо ҳар иккала ҳолатда ҳам МЖтК билан қўриқланадиган объектга зарар етказилади. Шу боис бундай вазиятда мавжуд зиддиятни бартараф этиш учун жиноятга фақат қилмишни эмас, балки шахснинг ижтимоий хавфлилигини ҳам эътиборга олган ҳолда таъриф бериш талаб этилади. Чунки шахс МЖтКнинг 52-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни бир йил мобайнида нафақат икки, балки уч ёки ундан кўп марта содир этса ҳам, қилмиш ижтимоий хавфли тусга эга бўлмайди. Зеро, соғлиқнинг бузилиш муддати олти кундан ошмайди. Бу ҳолатда қилмиш эмас, балки биринчи бор содир этган қилмишидан жазоланган бўлишига қарамай пушаймон бўлмаган, ўзи учун тўғри хулоса чиқармаган

ва бундай қилмишларни содир этишни оддий ҳол деб қабул қила бошлагани учун шахс ижтимоий хавфли тусга эга бўлади[8].

Шунинг учун ҳам, энг аввало, «жиноят» тушунчасининг таърифини фақатгина қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг эмас, балки шахснинг ҳам ижтимоий хавфлилигини эътиборга олган ҳолда шакллантириб, ЖКнинг 14-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш зарур:

«Жиноят – ушбу кодекс билан тақиқланган, айбли, жазога лойиқ, ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ёхуд жисмоний шахснинг ижтимоий хавфли ҳолати».

Ижтимоий хавфли ҳолатдаги жисмоний шахс – ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли, жазога лойиқ, ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этиш хавфини амалда келтириб чиқарган ёхуд қонунда назарда тутилган муайян маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилиши туфайли жиноий жавобгарлик келтириб чиқарадиган ҳаракатни амалга оширган ёки ҳаракатсизлик қилган шахс.

**Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) ижтимоий хавфли деб топилади».**

«Жиноят» тушунчасига бундай ёндашув ўз-ўзидан МЖтКнинг «Маъмурий ҳуқуқбузарлик» номли 10-моддасида келтирилган «маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчасининг таърифини ҳам ўзгартириб, қуйидагича ифодалашни тақозо этади:

«Ушбу Кодекс билан тақиқланган, жазо қўллаш таҳдиди остида содир этилган айбли, жазога лойиқ, ғайриижтимоий ҳаракат (ҳаракатсизлик) маъмурий ҳуқуқбузарлик деб топилади.

**Жиноят кодексининг Махсус қисми нормаларида назарда тутилган ҳолларда, ушбу Кодекс билан тақиқланган ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни бир йил давомида такроран содир этган шахс ижтимоий хавфли хусусиятга эга шахс деб топилади ва жавобгарлик масаласи жиноят қонунчилигида белгиланган тартибда умумий асосларга кўра ҳал қилинади».**

Ўйлаймизки, мақолада илгари сурилаётган мазкур таклифлар, *биринчидан,* «ҳуқуқбузарлик» тушунчасининг мазмун-моҳиятини янада ойдинлаштиришга; *иккинчидан,* «жиноят» ва «маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчалари мантиқ ва мазмун жиҳатидан «ҳуқуқбузарлик» тушунчаси орқали ягона бир бутунликка бирлашишини илмий асослашга; *учинчидан,* бир хил конструктив тузилишга эга «жиноят» ва «маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги, узвийлиги ва мувофиқлиги таъминланишига; *тўртинчидан,* жиноят, маъмурий жавобгарлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунчилик нормалари ўзаро алоқадорликда шаклланишига; *бешинчидан,* ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг объекти ва предмети аниқ белгилаб олинишига хизмат қилади.

---

[1] *Гогин А.А.* Общая концепция правонарушений: проблемы методологии, теории и практики: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Казань, 2011. – С. 20–22.

[2] *Исмаилов И., Зиёдуллаев М. З.* Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017; *Пўлатов Б. Х.* Бола ҳуқуқлари жамият ва давлат ҳимоясида, унинг истиқболлари // «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар:

Респ. илмий-амалий конф. материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. – Б. 28; *Хамдамов А. А., Мадрахимов Б.* Вояга етмаганлар орасида талончилик жиноятининг олдини олиш // «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар: Респ. илмий-амалий конф. материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. – Б.35; *Асрақулов М. М., Дусмурадов И. Х.* Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари // «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар: Респ. илмий-амалий конф. материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. – Б. 35.

[3] Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. — Т.: Шарқ, 2001. — 656 б.

[4] Криминология: Дарслик / З. С. Зарипов, А.С.Якубов, Г. А. Аванесов ва бошқ.; проф. З.С.Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – 166 б; *Параскевова С. А.* Понятие и социальная сущность гражданского правонарушения: теоретические проблемы: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2011. – 32 с.

[5] *Ахмедшаева М.А.* Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари. – Т.: ТДЮИ, 2008. – Б. 250; *Сабуров Н., Нажимов К. М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 115; *Автаева О. Ю.* Гражданские правонарушения: Сущность и состав: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2011. – С. 35.

[6] *Рустамбоев М. Ҳ.* Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т.: Илм Зиё, 2005. – Б. 97.

[7] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. V. / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. / ЎР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 291 б.

[8] Батафсил маълумот учун қаранг: *Хўжақулов С. Б.* Шахс ижтимоий хавфлилигининг жиноят-ҳуқуқий институтларга таъсири // Жиноят ҳуқуқининг долзарб масалалари: Респ. илмий-амалий конф. материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 171–176; *Хўжақулов С. Б.* Шахснинг ижтимоий хавфлилиги билан боғлиқ ҳолатларнинг жиноий-ҳуқуқий институтларни шакллантиришда тутган ўрни // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборотномаси. – 2014. – № 3. – Б. 26–33.

***Муродов Алишер Шарофхонович,***
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD);*

***Аманов Аброржон Абдуллаевич,***
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш бўлими катта илмий ходими, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент*

# ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ХАВФЛИ АҲВОЛДА БЎЛГАН ОИЛА: ТУШУНЧАСИ ВА КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

**Аннотация.** Мақолада ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила тушунчаси, оилада носоғлом муҳитни келтириб чиқарувчи омиллар, уларнинг сабаб ва шароитлари ҳамда оила-турмуш доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган таклиф ва тавсиялар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила, ғайриижтимоий хулқ-атвор, ҳуқуқбузар, жабрланувчи шахс, криминоген вазият.

## ПОНЯТИЕ СЕМЬИ, НАХОДЯЩЕЙСЯ В СОЦИАЛЬНО ОПАСНОМ ПОЛОЖЕНИИ, И ЕЁ КРИМИНОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА

**Аннотация.** В статье даны понятие семьи, находящейся в социально опасном положении, предложения и рекомендации по предупреждению правонарушений, совершаемых в семейно-бытовой сфере, а также их причины и условия, факторы, порождающие нездоровый климат в семье.

**Ключевые слова:** семья, находящаяся в социально опасном положении, антисоциальное поведение, правонарушитель, потерпевший, криминогенная ситуация.

## THE CONCEPT OF A FAMILY THAT IS IN A SOCIALLY DANGEROUS POSITION AND ITS CRIMINOLOGICAL CHARACTERISTICS

**Annotation.** The article gives the concept of a family in a socially dangerous position, offers and recommendations for the prevention of offenses committed in the family and domestic sphere as well as their causes and conditions, factors causing an unhealthy family climate.

**Keywords:** family in a socially dangerous situation, antisocial behavior, offender, victim, crime situation.

Дунёдаги барча давлатларнинг миллий қонунчилигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, хусусан шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини турли жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида «инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлиги»[1] эътироф этилади. Кўпгина давлатларда сўнгги йилларда оила-турмуш муносабатлари доирасида аёллар, болалар ва кексаларга нисбатан жабр-зулм ва зўравонлик қилиш ҳоллари кўплаб учрамоқда. Хусусан, ҳар йили аёлларнинг 38 фоизи, 1,5 миллиардгача болалар оилада турли кўринишдаги зўравонлик ва шафқатсиз муомалага, Европада эса ҳар беш нафар боладан бири жинсий зўравонликка дучор бўлади[2]. Ҳозирги кунда жаҳонда оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш, ундан жабрланган шахсларга ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш ҳамда бу борада самарали профилактика ишларини

амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар, хусусан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «нотинч оилалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналари масъулиятини ошириш, кашандалик, алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикаси»[3] каби долзарб вазифалар назарда тутилган. Чунки, ҳар қайси инсоннинг маънавий-ахлоқий фазилатлари, тарбияси ва бошқа хусусиятлари айнан оилада шаклланади.

Табиийки, шахснинг шаклланишида оиладаги ижтимоий муҳитнинг таъсири катта бўлиб, унинг ҳуқуқбузар сифатида шаклланиши ёки комил инсон бўлиб камолга етишида оиланинг ўрни катта аҳамият касб этади. Маълумки, «...ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Жиноятчилик номақбул ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий муҳитдагина илдиз отиши мумкин»[4].

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, уни турли таҳдид ва тажовузлардан ишончли ҳимоя қилиш, хусусан, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш мақсадида республика «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар ҳузуридаги «яраштириш комиссияси», Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи каби махсус институтларнинг фаолияти йўлга қўйилди. Бироқ, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, қасддан одам ўлдиришнинг 28,6 фоизи, қасддан баданга турли даражада шикаст етказишнинг 24,5 фоизи, ҳақорат қилишнинг 12,0 фоизи, безориликнинг 6,1 фоизи айнан оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилмоқда[5].

Мазкур жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишга имкон берган шарт-шароитлар ўрганилганида, оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит турли низо ва жанжалларнинг келиб чиқишига ҳамда бунинг оқибатида шахснинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган жиноятларнинг содир этилишига олиб келгани маълум бўлди[6]. Зўравонлик шахснинг руҳиятига турли усуллар билан таъсир кўрсатиш, унда руҳий зўриқишни келтириб чиқариб шахснинг шаъни, қадр-қиммати ва эркинлигини чеклашга қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этишдир[7].

Таъкидлаш керакки, оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш учун, энг аввало, ушбу турдаги жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш келгусида уларнинг содир этилишига йўл қўймаслик борасида тизимли комплекс профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутади. Зеро, жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади”[8].

*Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила* деганда – ота-она ёки уларнинг

ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила тушунилади[9].

Оиланинг шахс маънавий шаклланишидаги аҳамияти катта бўлиб, инсон шахсининг пойдевори оилада қурилади. У ўзини ўраб турган дунё ҳақидаги дастлабки билим ва тасаввурни, ахлоқ нормаларини, тарбиявий сабоқни айнан оилада олади. Оилада маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштиришнинг энг асосий йўналишларидан бири оиладаги тарбия ҳисобланади. Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, «тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир»[10].

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир оиланинг бошқа оилалардан фарқи бўлиб, унинг ўз тарбия муҳити бўлади[11]. Оиладаги тарбияда, энг аввало, ота-она тарбияси, сўнгра болалар тарбияси муҳим ўрин тутади[12]. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, оилада тарбия масаласида йўл қўйилган хато ва камчиликлар тузатиб бўлмас оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Оиладаги носоғлом ижтимоий муҳит нафақат оилада тарбияланаётган фарзандларнинг, балки барча оила аъзоларининг ахлоққа зид хатти-ҳаракатлар содир этишига олиб келади ва улар ўртасидаги ижтимоий муносабатларга салбий таъсир кўрсатади. Бу, ўз навбатида, оилада турли низолар ҳамда криминоген вазиятларни келтириб чиқаради.

Оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган жиноятларнинг сабаб ва шароитлари ўрганилганида уларнинг келиб чиқишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатиши маълум бўлди: а) оиладаги носоғлом маънавий-руҳий муҳит; б) оилада маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки сустлиги; в) оила аъзоси (аъзолари)нинг ғайриижтимоий хулқ-атвори; г) оиладаги моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар; д) оила аъзоси (аъзолари)нинг спиртли ичимликларга ружу қўйиши; е) асоссиз (меъёрдан ортиқ) рашк, эркак ёки аёлнинг хиёнати; ж) эрта турмуш қуриш ҳамда ёш оилалар ҳаётига бошқаларнинг ноўрин аралашуви.

Юқорида таҳлил қилинган сабаб ва шароитларнинг асосий қисмини оиладаги салбий муносабатлар ва носоғлом ижтимоий муҳит ташкил этади. Зеро, оиладаги салбий муносабатларни криминологик нуқтаи назардан тузатиш профилактик чоралар тизимидан иборат бўлиб, улар оилага таъсир кўрсатиш йўли билан нафақат оиладаги жиноятларнинг, балки бошқа барча жиноий қилмишларнинг ҳам олдини олишга қаратилади[13].

Оилада носоғлом муҳитнинг шаклланиши қуйидаги омиллар билан чамбарчас боғлиқ: а) оила муҳитига ташқи салбий омилларнинг таъсир этиши; б) оилада миллий урф-одат ва қадриятларнинг эътироф этилмаслиги, маънавий-педагогик заифлик; в) оила аъзоларининг спиртли ичимлик, гиёҳвандлик воситалари ёки тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга одатланганлиги; г) оила аъзолари ўртасида доимо жанжал ва низолар мавжудлиги ва ҳоказо.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оила-турмуш доирасида содир этилаётган низоларнинг келиб чиқишига миллий урф-одат ва қадриятларнинг эътироф этилмаслиги, оиладаги носоғлом муҳит, ичкиликбозлик, оила аъзоларининг салбий хулқ-атвори каби омиллар ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун, энг аввало, оилада соғлом муҳит яратиш лозим[14].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «биз бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим: ота-она, жамият эътиборидан четдан қолган бола оилага қувонч ва фойда ўрнига фақат ташвиш келтиради. Шу боис бола тарбияси, ёшлар билан ишлаш биз учун

энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиб қолиши шарт»[15]. Бунинг учун, энг аввало, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, вояга етмаганларни миллий урф-одат ва анъаналаримиз руҳида тарбиялаш, бу борада ота-оналарнинг масъулиятини ошириш, оила муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш лозим. Чунки, оиладаги носоғлом вазият, уруш-жанжал, оила аъзолари ўртасидаги ғайриижтимоий муносабатлар шахс маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи асосий манба ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида қуйидаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

*биринчидан,* маъмурий ҳудудларда яшовчи ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни ўз вақтида аниқлаб, уларга ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан тарбиявий аҳамиятга эга ишларни ташкил этиш;

*иккинчидан,* оила-турмуш доирасида зўравонликка дучор бўлаётган шахслар ўртасида мақсади яширинган ижтимоий сўровлар ўтказиш ҳамда ушбу қилмишларнинг латентлигини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

*учинчидан,* оиладаги низолар туфайли зўравонликдан жабрланган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш;

*тўртинчидан,* оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари, ижтимоий хавфи, салбий оқибатлари, оилаларнинг ажралишига олиб келаётган омиллар ҳамда уларнинг барвақт профилактикасига оид видеоролик, видеофильм, рекламалар ва бошқа бадиий асарлар тайёрлаш ҳамда уларни ОАВда мунтазам намойиш қилиш амалиётини жорий этиш;

*бешинчидан,* оилада миллий қадрият ва урф-одатларга зид, ахлоқ-одоб доирасидаги ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўяётган шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга нисбатан тегишли тарбиявий таъсир чораларини кўриш мақсадида бой ҳаётий тажрибага эга шахсларни жалб қилиш;

*олтинчидан,* оиладаги зўрликдан жабрланганларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда алоҳида аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, энг аввало, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш, таҳлил қилиш, уларнинг салбий оқибатларидан шахсларни ҳимоя қилиш ҳамда оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини ташкил этишга хизмат қилади.

---

[1] Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил 10 декабрь) / Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси //URL: http://constitution.uz/uz/pages/humanrights.

[2] URL:http://www.maailmakool.ee/wp-content/uploads.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

[4] *Каримов И. А.* Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т., 1996. – Б. 147.

[5] Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг 2018 йил якунларига оид маълумотномаси.

[6] Батафсил маълумот учун қаранг: *Муродов А. Ш.* Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа д-р ... дис. – Т., 2019. – Б. 38.

[7] *Гребёнкин Ф. Б.* Уголовно-правовое значение психологического насилия в преступлениях против собственности: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2004. – С. 8.

[8] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли фармони // URL: http://lex.uz.

[9] Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 30 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни.

[10] *Авлоний А.* Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т., 1992. – Б. 14. // URL: http://lex.uz.

[11] *Икматуллаев F. З.* Оила – ватанпарварликни шакллантиришда асосий педагогик субъект сифатида // Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-техник институти ахборотномаси. – 2018. – №1. – Б. 78.

[12] *Эсанова З.* Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари //Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг концептуал масалалари: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри – Т.: ТДЮУ, 2016. – Б. 8.

[13] *Лутфуллаев Ш.* Оиладаги жиноятлар ва вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ва профилактика қилиш масалалари // Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимидаги ислоҳотлар: натижа ва истиқболлар: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 98.

[14] *Ахмедханова С. Т.* Криминологическая характеристика преступлений, совершаемых женщинами в семье, и проблемы их профилактики (региональное исследование): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2013. – С. 14.

[15] *Мирзиёев Ш. М.* Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., 2017. – Б.135.

***Алиев Шуҳрат Ҳасанович,***
*Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи, ИИВ Академияси мустақил изланувчиси;*
***Қаршиев Ғуломжон Сайфуллаевич,***
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминология кафедраси катта ўқитувчиси*

# ЁШЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБ ВА ШАРОИТЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар ёритилган.

**Таянч тушунчалар:** ёшлар, жиноят, профилактика.

**ПРИЧИНЫ И УСЛОВИЯ РЕЦИДИВНОЙ ПРЕСТУПНОСТИ, СОВЕРШАЕМОЙ МОЛОДЁЖЬЮ**

**Аннотация.** В статье освещены причины и условия совершения преступлений молодёжью.

**Ключевые слова:** молодежь, преступление, профилактика.

**CAUSES AND CONDITIONS OF RESIDIVS IN CRIMES WHICH COMMITTED BY YOUTH**

**Annotation.** This article describes the causes and conditions of residivs in crimes which committed by youth.

**Keywords**: youths, crime, prevention

Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги даврда ҳар бир жамият, давлат, миллат ёки халқнинг тақдири ва келажаги, шак-шубҳасиз, ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғлиқдир.Маълумки, ёшлар жамиятнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож, доимий эътибор ва парвариш талаб қилинадиган қатламидир. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ҳозирги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётгани олдимизга янги вазифалар қўймоқда. Шу боис, ёшлар томонидан содир этилган рецидив жиноятчиликнинг оқибат ларига қарши курашиш эмас, балки мазкур ҳолатнинг олдини олиш ва профилак тикасини таъминлаш сиёсатимизнинг устувор йўналишига айланди.

Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги кунда республикада жиноят содир этган шахсларнинг учдан бир қисми ёшлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг маълумотларига кўра, 2018 йил умумтаълим ва махсус, касб-ҳунар коллежлари ўқувчи лари орасида жиноят содир этилиши 2017 йилга нисбатан 37,8 фоиз камайганлиги[1] кузатилган бўлса-да, жиноят содир этган ёшларнинг кўпчилиги турли ижтимоий-иқтисодий сабаблар натижасида жиноят кўчасига кириб қолган.

Ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг асосий сабабларидан бири жамиятдаги ишсизлик даражасининг юқорилигидир. 2018 йилда республика бўйича жиноят содир этган (18-30 ёшдаги) ёшларнинг 28,6 фоизини ишламайдиган, ўқимайдиган шахслар ташкил этган[2].

2019 йил уч ойи якунларига кўра ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар-39,5 фоиз ёки 3245 тадан 1963 тага, жиноят содир этган ёшлар 22,8 фоиз ёки 3923 тадан 3028 тага камайган[3].

Криминология фани нуқтаи назаридан «ёшлар» тушунчаси кўпроқ 18–30 ёшдаги шахсларни қамраб олса-да, айрим криминологик адабиётларда шахслар ёш жиҳати-

дан қуйидаги гуруҳларга ажратилган: вояга етмаганлар (14—17 ёш); ёшлар (18—25 ёш); ўрта ёшдагилар (30—45 ёш) ва кексалар (50 ёшдан юқори)[4].

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигида «ёшлар» тушунчаси, уларга жазо тайинлашга оид алоҳида қоидалар мавжуд эмас. Ўзлари билиб-билмай жиноят содир этаётган ёки шундай эҳтимоли бўлган ёшларни тўхтатиб қолиш учун кескин чора лар кўрилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 34-моддасига кўра, **рецидив жиноят** деганда муқаддам қасддан содир этган жинояти учун судланган шахс томонидан такроран жиноят содир этилиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖКда вояга етмаганлар ва ёшлар манфаатларига алоҳида эътибор берилган. Улар содир этадиган жиноятлари учун уларга жазо тайинлашнинг алоҳида тартиби белгиланган.

ЖКнинг 34-моддасида «рецидив жиноят» тушунчаси ва унинг турлари берилган. Унга кўра, рецидив жиноятларга турли вақтларда кетма-кет содир этилиш хос бўлиб, бунда қасддан содир этиладиган янги жиноятлар ўхшаш, бир турдаги ва ҳар хил турдаги жиноятлар бўлиши мумкин[5].

Рецидив жиноят бир қанча жиноят содир этишнинг энг хавфли шакли бўлиб, бунда шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун муайян турдаги жазога ҳукм қилинганидан кейин қасддан янги жиноят содир этади. Бу эса шахс илгари содир этган жинояти учун жазо чораси қўлланилганига қарамай, ўз муаммоларини ҳал қилиш учун яна айнан жиноят йўлини танлаганидан далолат беради.

Қонун чиқарувчи субъектлар томонидан рецидив жиноятларнинг бундай таснифланиши ҳар бир рецидив жиноятни содир этган шахсга жазо тайинлашда табақалашган ҳолда ёндашиш имконини беради.

Қонунда рецидив жиноятларни тасниф лаш асосан учта белги асосида амалга оширилган.

1) жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилигини белгиловчи унинг муқаддам жиноят содир этгани учун судланганлиги;

2) муқаддам қасддан жиноят содир этгани учун судланган шахснинг янгидан қасддан содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси;

3) шахснинг муқаддам қасддан содир этган жинояти учун суд томонидан берилган жазо ва унинг муддати.

Рецидив жиноятлар ва уларни содир этган шахсларнинг ижтимоий хавфлилигини кўрсатувчи бундай белгиларнинг қонун нормаларида мустаҳкамланиши рецидив жиноятчиликка қарши курашишда, унинг олдини олишда, айниқса такроран жиноят содир этган ёшлар билан якка тартибда профилактик чора-тадбирлар ўтказишда алоҳида аҳамиятга эга.

Ёшлар томонидан содир этиладиган *рецидив жиноятчиликнинг сабаблари* — жиноятнинг содир этилиши-ни тақозо этган, уни озиқлантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган ҳодиса, воқеа ва жараёнлар йиғиндиси бўлса, *шароитлари* эса жиноятни бевосита келтириб чиқармайдиган, лекин содир этилишига имкон берадиган ҳодиса, воқеа ва жараёнлар мажмуидир. Сабаблар — ижтимоий-психологик ҳолатлар бўлса, уларга имкон бераётган шарт-шароитлар эса иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан юзага келтирувчи ҳолатлар ҳисобланади. Ушбу шарт-шароитларга қуйидагилар киради:

1) ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият етишмаслиги; уларнинг назоратсизлиги ва бўш вақтини мақсадсиз ўтказиши;

2) маънавият даражасининг пастлиги; ишсизлик даражасининг юқорилиги; жамиятдаги оила-никоҳ муносабатларининг назоратсизлиги; шахснинг ижтимоийлашувидаги нуқсонлар; шахслараро муносабатлар маданиятининг пастлиги;

3) оилавий муҳит, тарбиянинг яхши эмаслиги ёки катталарнинг ичкиликбозлиги;

аксарият шахсларнинг оиласи ёки ҳаётида «чигал» муаммоларнинг кўплиги ва уларни ҳал қилиш йўлларини топа олмаганлиги; спиртли ичимликлар истеъмол қилиш «анъанаси», алкоголизмга қарши тарғибот-ташвиқот ишларининг талаб даражасида эмаслиги; жамоатчилик назоратининг етарли эмаслиги[6].

Жиноятнинг содир этилишига олиб келадиган катта-кичик омиллар миқдорини тўлиқ ва тўғри аниқлаш мумкин эмас. Зотан, кишиларнинг хулқ-атворини тушунтирувчи мукаммал назария ҳалигача ишлаб чиқилмаган. Бундай назария бир кун келиб ишлаб чиқилган тақдирда ҳам муайян жиноятнинг (шу жумладан, жиноятчиликнинг ҳам) асл сабабларини изоҳловчи ҳолатлар ва омилларни аниқ белгилашнинг имкони йўқ[7].

Профессор М.Х.Рустамбаевнинг қуйидаги фикрлари таҳлил қилинаётган масала бўйича бир тўхтамга келишда муҳимдир: «Жиноятчиликнинг сабабларини илмий билишда у ёки бу жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий-психологик йўналишдаги ҳолатларни комплекс тарзда таҳлил этиш муҳим ўрин тутади. Бу каби йўналишларга шахснинг шаклланишига таъсир этувчи (генетик ва ижтимоий) ҳамда криминоген ҳолатларни юзага келтирувчи омилларни ҳам киритмоқ жоиз. Ҳеч шубҳа йўқки, турли тоифадаги жиноятларнинг содир этилишида шахснинг маълум бир хислатлари мавжуд вазиятлар билан уйғунлашган бўлади»[8].

Профессор А.А.Отажонов эса жиноятчи шахсининг криминологик таҳлилида ёшга оид тавсиф билан бир қаторда унинг маълумот даражаси ҳам муҳимлигини, инсоннинг маълумот даражаси унинг талаб, эҳтиёж ва манфаатларини, маънавий-ахлоқий ва маданий кўринишларини шакллантиришини таъкидлайди[9].

Юқорида номлари келтирилган олимларнинг фикрларини инобатга олиб, таъкидлаш мумкинки, жиноятни келтириб чиқарган омилларни ўрганишда уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шарт-шароит борки, сабаблар пайдо бўлади, сабаблар борки, уларга олиб келадиган шарт-шароитлар мавжуд бўлади. Бизнинг фикримизча, ёшлар томонидан содир этиладиган рецидив жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини ўрганишда ёшлар қиёфасини улар яшаётган жамият ҳамда шу жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий жараён ва муҳит белгилайди.

Чунки ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликнинг асосий сабабларини аниқлаш учун жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилишини, уни белгиловчи алоқа ва муносабатларни ўрганиш ҳамда жиноятчиликка боғлаб таҳлил қилиш зарур.

Албатта, бу борада ҳуқуқий тарбия ва таълимни яхши йўлга қўйиш ҳам ижобий натижалар беради. Ёшларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш шакл ва усуллари ҳар хил бўлса-да, мақсади битта: ёшларни жиноят содир қилишдан қайтариш, уларга қонун, жиноят, жазо нима эканлигини, жиноятнинг қандай оқибатларга олиб келишини содда қилиб, мисоллар ёрдамида тушунтиришдан иборат. Токи, ёшлар онгида қонунларимизга ҳурмат уйғониб, қонун талабларига қатъий амал қилиш ва қонунбузарликка муросасиз бўлиш туйғуси шакллансин. Ана шундай туйғугина комил инсон тарбиясида катта ўрин тутади. Зеро, комил инсонни шакллантириш азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, маънавиятининг узвий қисми бўлиб келган[10]. Қайси даврда бўлмасин, ёшларни жиноят кўчасидан йироқ сақлаш ҳар қандай жамиятнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган.

Ҳуқуқий маданиятнинг юксак бўлиши Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат шаклланишига, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги барча ислоҳотларни юридик жиҳатдан таъминлашга хизмат қилади.

Қонунларга риоя этишнинг яхши фазилат эканлиги ҳақидаги мулоҳазаларимизни давом эттириб, яна бир улуғ зотнинг фикрларига мурожаат этмоқчимиз. Пифогордан бир шогирди: «Нима қилсам

ўғлимни яхши тарбиялаган бўламан?» деб сўраганида, у: «Ўғлинг қонунларга итоаткор бўлиб улғайишига ҳаракат қил», деган экан.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ёшлар ниҳолга ўхшайди. Уларни ёшлигидан қандай тарбияласак, шундай вояга етади. Бунда, албатта, оила, маҳалла, жамиятдаги муҳит алоҳида аҳамиятга эга. Оиласи, халқи маънавий илдизлари ҳақида етарли тушунчага эга бўлган бола ҳеч қачон жиноят кўчасига қадам босмайди. Бу борада давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, таълим муассасалари ва бошқа муассасалар ёшларда жиноят содир этишга нисбатан салбий муносабатни шакллантириш бўйича ўз ваколатлари доирасида ижтимоий, ташкилий-ҳуқуқий ҳамда бошқа чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишлари зарур.

Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир», деган сўзлари асримиз бошида қанчалик муҳим бўлса, ҳозир ҳам миллатимиз учун шунчалик, балки ундан ҳам муҳим ва долзарбдир.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари // URL:http:// stat.uz.

[2] Ўша жойда.

[3] *Азизов Д. А.* Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органлари ролини янада такомиллаштириш масалалари // Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб масалалари: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри (2019 йил 17 апрель). – Т., 2019. – Б. 28–38

[4] Криминология / Профессор З.С.Зарипов таҳрири остида. – Т., 2007. – Б. 164.

[5] *Рустамбаев М. Ҳ.* Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. 1-том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: ILM ZIYO, 2010. – 325 б.

[6] *Ўразалиев М. Қ.* Алкоголизм, фоҳишалик ва гиёҳвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри ... дис. автореф. – Т., 2016. – Б. 16–18, 23–24.

[7] *Абдурасулова Қ.Р.* Аёллар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Махсус қисм: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 133–134.

[8] *Рустамбаев М. Х.* Фуқароларнинг соғлиғи ва жисмоний дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Махсус қисм: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 333.

[9] *Отажонов А.А.* Жиноятга дахлдорлик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2009. – Б. 90.

[10] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар / Масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т., 2001. – Б. 9.

***Вахидов Аъзамжон Саиджонович,***
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-амалий тадқиқотлар марказининг катта илмий ходими*

# ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ: ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУНИ

**Аннотация**. Мақолада ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасининг моҳияти, мазмуни ва йўналишлари ёритилган. «Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасини таҳлил қилиш асосида унинг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналишлари, «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчаси.

## ПОНЯТИЕ И СОДЕРЖАНИЕ ИНДИВИДУАЛЬНОЙ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ

**Аннотация.** В статье освещены понятие и содержание индивидуальной профилактики правонарушений, ее направления, на основе анализа понятия «индивидуальная профилактика правонарушений», разработано его авторское определение.

**Ключевые слова:** профилактика правонарушений, направления профилактики правонарушений, понятие индивидуальной профилактики правонарушений.

## CONCEPT AND CONTENT OF «INDIVIDUAL CRIME PREVENTIONS»

**Annotation.** The article deals with concept and content of «individual crime preventions», its directions, it analyzes the concept of «individual crime preventions» and author's proposal on improvement of it has been revealed.

**Keywords:** crime preventions, directions of crime preventions, concept of «individual crime preventions», content of «individual crime preventions».

Сўнгги йилларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари, тушунчаси ва мазмун-моҳияти илмий изланувчиларда назарий ва амалий жиҳатдан катта қизиқиш уйғотмоқда[1,2]. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳар бир тури бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Адабиётлар ва қонун ҳужжатларида ҳанузгача «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчаси, унинг мазмуни ва чора-тадбирлари тизими ҳақида бир тўхтамга келинмаган. Бунга қуйида келтирилган таҳлил ва хулосалар асосида ишонч ҳосил қилиш мумкин.

2014 йил 14 май куни қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 28-моддасида илк бор «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасига «ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти» сифатида таъриф берилган бўлса, профилактиканинг мазкур тури 2010 йил йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунда «якка тартибдаги профилактика *иши*» тушунчаси қўлланилиб,

мазкур йўналишдаги ишни ташкил этиш учун қонунда алоҳида боб ажратилган.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси»ни ҳамда «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг «якка тартибдаги профилактика иши»ни тартибга солувчи нормалари мазмуни таҳлил қилинганида ушбу ўзаро ўхшаш икки тушунча ўртасидаги қуйидаги фарқли жиҳатлар кўзга ташланди:

биринчидан, «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасида профилактиканинг ушбу тури қайси субъектлар томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлса, «якка тартибдаги профилактика иши» тушунчасида масаланинг ушбу жиҳати эътибордан четда қолган;

иккинчидан, «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси»да объект сифатида «ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар» назарда тутилган бўлса, «якка тартибдаги профилактика иши»да «ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар» келтириб ўтилган;

учинчиси, «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси»да фаолиятнинг мазмуни объект доирасига кирувчи шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишдан иборат бўлса, «якка тартибдаги профилактика иши»да объект ҳисобланадиган шахсларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олиш эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Эътибор берилса, ҳар иккала тушунчанинг мазмуни ҳам муайян доирадаги шахслар билан индивидуал тартибда ишлашни ифодалайди. Аммо улар ўртасидаги боғлиқлик, узвийлик ва тизимлиликни кўриш қийин. Чунки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асоси ягона бўлиб, фақат вояга етмаганлар билан ишлашга доир қисмигина алоҳидалик ва ўзига хосликка эга бўлмоғи лозим. Бу каби ёндашувни жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчиликларида ҳам кузатиш мумкин.

Демак, «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» умумий тушунча бўлиб, вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ушбу тушунчанинг назарий-ҳуқуқий асосларига таянган ҳолда ҳамда алоҳидалик ва ўзига хослик асосида шакллантириш лозим бўлади.

Бунинг учун эса, авваламбор, «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасининг моҳияти ва мазмунини назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ очиб бериш талаб этилади. Чунки, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 28-моддасида «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасига берилган таъриф орқали ушбу турдаги профилактиканинг мазмун-моҳияти етарли очиб берилмаган. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

***биринчидан,*** ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасининг субъекти сифатида фақат «ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар» келтирилиб, субъектлари доираси сунъий равишда чегараланган;

***иккинчидан,*** ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасининг субъектлари каби объектлари доираси ҳам чегараланган. Бу борада ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасининг объектлари тариқасида фақат ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар келтириб ўтилган. Ваҳоланки, виктимлиги юқори бўлган ёки ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларнинг ҳам ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикаси объектларидан бири ҳисобланиши мантиқан ўринлидир.

Зотан, «виктимологик профилактика нафақат, умумий ва махсус, балки якка тартибда ҳам амалга оширилиши мумкин»;

***учинчидан,*** ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасининг мақсади, вазифалари ва ўзига хос жиҳатлари етарли ёритилмаган.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасига берилган таърифда мазкур тадбирнинг мазмуни ва моҳияти етарли очиб берилмаганлигини МДҲга аъзо давлатларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунчилигида ҳам кузатиш мумкин. Масалан:

1) «Ҳуқуқбузарликларга қарши курашишнинг якка тартибдаги профилактикаси шахслар ёки алоҳида тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқий онгига ва хатти-ҳаракатларига мунтазам таъсир кўрсатиш, шунингдек улар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш, такроран содир этилишига йўл қўймаслик учун қўлланилади»[3] (Қозоғистон Республикаси);

2) «Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси Федерал қонуннинг 24-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузар шахсларга тарбия вий таъсир кўрсатиш, уларнинг хатти-ҳаракатларига салбий таъсир этадиган омилларни бартараф этиш, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланган ёки жабрланиш хавфи юқори бўлган шахсларга ёрдам беришга қаратилган фаолиятдир. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг махсус чораларини қўллаш орқали амалга оширилиши мумкин»[4] (Россия Федерацияси);

3) «Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг Беларусь Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга (бундан буён – ушбу қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, фуқаро) тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали улар томонидан ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслиги учун ушбу қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолияти»[5] (Беларусь Республикаси);

4) «Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мутлақ ваколати ҳисобланади.

Якка тартибдаги профилактика илгари ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган шахсларга, шунингдек ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори билан ҳуқуққа хилоф харакатлар содир этишга мойил бўлган шахсларга таъсир этиш билан боғлиқ фаолият»[6] (Қирғизистон Республикаси).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон, Қозоғистон, Беларусь, Қирғизитон Республикаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонунчилигида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси объектлари сифатида асосий эътибор ҳуқуқбузарлик содир этган ва содир этишга мойил бўлган шахсларга қаратилган. Фақатгина Россия Федерациясининг қонунчилигида ҳуқуқбузарликлардан жабрланган ёки жабрланиш хавфи юқори бўлган шахслар ҳам назарда тутилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, фикримизча, «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасига бериладиган таърифда якка тартибдаги профилактиканинг субъекти, объекти, мақсади, вазифалари ва ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш лозим.

Шу тариқа, «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасига қуйидаги мазмунда янги таъриф бериш мақсадга мувофиқ: «Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган

шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга индивидуал тарбиявий таъсир кўрсатиш, уларнинг хатти-ҳаракатларига салбий таъсир этадиган омилларни бартараф этиш, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган ҳамда ҳуқуқбузарликлардан жабрланган ёки жабрланиш хавфи юқори бўлган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришга қаратилган фаолиятдир».

Хуллас, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси профилактик чора-тадбирларнинг манзилли йўналтирилиши, таъсирчанлиги ва индивидуаллигини таъминлайди. Бироқ ушбу чора-тадбирлар пухта ўйланиб, мантиқ қонунларига асосланиб ишлаб чиқилса ҳамда белгиланган тартиб ва профилактик-тактик жиҳатларга риоя қилган ҳолда амалга оширилсагина кўзланган натижа ва самарадорликка эришиш мумкин бўлади.

Ўйлаймизки, мақолада илгари сурилган таклиф ва тавсиялар, *биринчидан,* «ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси» тушунчасининг мазмун ва моҳиятини ойдинлаштиришга; *иккинчидан,* ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикасининг профилактик-тактик жиҳатларини шакллантиришга; *учинчидан,* ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир норматив ҳужжатларни такомиллаштириш йўналишларини белгилаб олишга; *тўртинчидан,* ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси амалиётини тўғри ва самарали ташкил этишга хизмат қилади.

---

[1] *Эшназаров М. Ж.* «Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси» тушунчасининг мазмуни тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – Т., 2019. – №1. – Б. 46–50.

[2] *Саитқулов Қ. А.* Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг асосий йўналишлари: Илмий рисола / Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, профессор А. С. Турсунов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 81 б.

[3] Закон Республики Казахстан от 29 апреля 2010 г. №271-IV ЗРК «О профилактике правонарушений» // URL: www.online.zakon.kz.

[4] Федеральный Закон Российской Федерации от 23 июня 2016 г. №182-ФЗ «Об основах системы профилактики правонарушений в Российской Федерации» // URL: https://mvd.ru/document.

[5] Закон Республики Беларусь от 4 января 2014 г. №122-З «Об основах деятельности по профилактике правонарушений» // URL: https://www.pravo.by.

[6] Закон Кыргызской Республики от 25 июня 2005 г. № 82 «О профилактике правонарушений в Кыргызской Республике» // URL: www.cbd.minjust.gov.kg.

***Икрамов Шерзод Рахимджанович,***
*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси бошлиғининг юридик масалалар бўйича ёрдамчиси*

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ МОДДИЙ ТАЪМИНЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УЛАРНИ БАРВАҚТ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада вояга етмаган шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жиноятларининг олдини олиш чоралари, уларни барвақт профилактика қилиш бўйича машҳур ҳуқуқшунослар ва маърифатпарварларнинг фикрлари келтирилган ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ҳамда имом хатибларга тегишли тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** оила, ота-она, никоҳ, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсиз шахслар, жиноятларнинг олдини олиш, тарбия, алимент.

## МЕРЫ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ И РАННЕЙ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С УКЛОНЕНИЕМ ОТ МАТЕРИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

**Аннотация.** В статье приводятся высказывания известных правоведов и просветителей, даются рекомендации председателям махаллинских комитетов, представителям правозащитных органов, имамам по ранней профилактике и предупреждающим преступления мерам, связанным с уклонением от материального обеспечения несовершеннолетних.

**Ключевые слова:** семья, родители, брак, несовершеннолетние, нетрудоспособные лица, воспитание, алименты.

## MEASURES FOR THE PREVENTION AND EARLY PREVENTION OF CRIMES RELATED TO THE EVASION OF FINANCIAL SUPPORT FOR MINORS

**Annotation**. The measures of the protection from the crimes of disobedience from financial supply of teenagers, early prophylaxis, the ideas of the famous lawyer and enlightening persons, chairmen of mahalla community, representatives of human rights‘ defence bodies and recommendations for imams are given in the article.

**Keywords**: Family, parents, marriage, teenagers, the disabled, protection from crimes, upbringing, aliment.

Оила – жамиятнинг табиий ва асосий бўғини. Оилалар қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Оила ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик, ҳамжиҳатлик асосида жамоа бўлиб яшовчи эр-хотин, ота-оналар, фарзандлар, фарзандликка олинган шахслар иттифоқидир.

Оиланинг моддий ва маънавий таъминоти эрнинг зиммасида экани Қуръони каримнинг Нисо сураси 34-оятида қуйидагича баён этилган: «Аллоҳ баъзиларини баъзиларидан устун қилгани ва молларидан сарфлаганлари учун, эркаклар аёлларга раҳбардирлар»[1]. Бинобарин, эркаклар оила раҳбари бўлишларининг асосий сабаби улар аёлларнинг моддий ва маънавий таъминотини адо этишга салоҳиятли ва масъул эканликларидадир.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг ёзишларича, «Аллоҳ таоло инсон зотини жуфт қилиб, эркак ва аёлдан иборат қилиб яртганда уларнинг ҳар бирига ўзига хос хусусиятларни берди ва

уларнинг никоҳ орқали ҳалол-пок яшаб, ўзларидан зурриётлар қолдиришларини ҳамда айни шу йўл билан дунёнинг обод бўлишини ва одам сулосасини Қиёмат қоим бўлгунча ҳалол-пок йўл билан давом этиб боришини ирода қилди»[2].

Аммо, афсуски, орамиздаги айрим ота-оналар турли сабабларга кўра ўз вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлашлари, яъни алимент[3] тўламасликлари ҳанузгача учраб турибди.

Шу боис ўз зиммаларидаги мажбуриятларини бажармаган ота-оналар учун қонунчилигимизда маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қашқадарё вилояти мисолида оладиган бўлсак, таҳлилларга кўра, вилоят маъмурий судлари томонидан 2018 йил давомида МЖтКнинг 474-моддаси (Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш) бўйича 158 та маъмурий иш кўрилган (102 нафар шахсга 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланилган) бўлса, 2019 йилда эса 401 та (275 нафар шахсга 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланилган) иш кўрилган.

2019 йилда кўрилган ишларнинг 70 таси (17,4%) Қамаши, 35 таси (8,7%) Китоб, 34 таси (8,4%) Нишон, 30 таси (7,4%) Яккабоғ туманлари ва 48 таси (11,9%) Қарши шаҳрига тўғри келди[4].

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2018.09.01) 459-сон қонунга мувофиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартишлар туфайли, ота-она вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаганлиги учун биринчи маротаба маъмурий жазо қўллаш амалиёти жорий этилганлиги сабабли, мазкур ҳолатларнинг жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўрилиши кескин камайганлигини кўришимиз мумкин.

Масалан, Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди томонидан 2017 йил 300 та жиноят иши кўрилган бўлса, 2018 ва 2019 йилларда 9 тадан иш кўрилган[5].

Юқорида келтирилган статистик маълумотлар биргина вилоятга тааллуқли бўлиб, агар республика миқёсида кўриладиган бўлса, шубҳасиз, анча катта рақамларни келтириш мумкин. Ҳар бир рақам замирида эса келажагимиз ҳисобланган вояга етмаган фарзандларимизнинг моддий таъминоти (ўқиши, даволаниши, муносиб ҳаёт кечириши) ётганлигини, буларнинг барчаси оилаларда ажримлар сонини камайтириш ва вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда моддий таъминлаш борасидаги ишларни жадаллаштиришимиз лозимлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. М. Мирзиёев: «Биз одатда жамиятимиз ҳаётига қарши қаратилган хавф-хатарлар ҳақида гапирганда кўпинча четдан кирадиган таҳдидларни тушунамиз. Лекин эски замондан қолган айрим салбий ҳолатлар, афсуски, бугунги тинч ва ёруғ ҳаётимизга соя солиб турибди. Лоқайдлик, бир-бирини кўролмаслик, оилада, эр-хотин, қайнона-келин, қўни-қўшнилар ўртасидаги келишмовчиликлар, аёлларга беписанд қараш – бундай ярамас иллатлар бизга, бизнинг халқимизга мутлақо ярашмайди»[6], – деб таъкидлаган эди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда асосий эътибор жиноятларнинг барвақт профилакти–касига, хусусан давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, жиноятларнинг сабаблари ҳамда содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилмоқда. Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди.

Жумладан, юртимизда ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» деб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 5618-сон фармонида[7] «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири» эканлиги, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаганлиги, узоқ йиллар давомида бу масалага ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қаралганлиги, оила, маҳалла ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштироки етарлича таъминланмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, фармонда аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ ва таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишлар самарасиз олиб борилаётгани кўрсатилди, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган асосий вазифалар белгиланди.

Ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши, ўз навбатида, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузар—ликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс ёндашиш имконини беради.

Вояга етмаган шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жинояти ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига кирса-да, аммо оқибатлари оила, жамият ва давлат учун катта хавф туғдириши барчага аён.

Жиноятнинг олдини олиш чоралари ва барвақт профилактикаси ҳақида гап кетганида машҳур алломаларнинг сўзларини эслаш жоиз.

XVIII аср буюк маърифатчиларининг асарларида жиноятчиликнинг олдини олишга бутун юриспруденциянинг оламшумул вазифаси сифатида қаралган. Масалан, Ш.Монтескьё дунёга машҳур «Қонунлар руҳи ҳақида» деган фалсафий-ҳуқуқий рисоласида: «Яхши қонунчи жиноят учун жазо беришдан кўра жиноятларнинг олдини олиш ҳақида кўпроқ қайғуради; у жазолашга эмас, балки одамлар ахлоқини ўзгартиришга ҳаракат қилади»[8], – деган.

Вольтер Чезаре Беккариянинг «Жиноятлар ва жазолар ҳақида» деган машҳур асари тўғрисида сўз юритиб, жиноятларнинг олдини олиш ҳақиқий юриспруденциядир, деб айтгани ҳам бежиз эмас.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш чораларини такомиллаштириш учун қуйидаги ташкилий ва амалий тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

а) тарбияни оиладан ва болалар боғчасидан бошлаш, ёш оила соҳибларига фарзандларига нима ҳалолу, нима ҳаром эканлигини, ота-она ва катталарни ҳурмат қилишни, ўқиш ва илм-фанни ўргатиш;

б) умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синфлари, лицей ва коллежларда «Оила илми» каби фанларни ўқитишни йўлга қўйиш (унда оиланинг муқаддаслиги, рўзғор тебратиш эркак кишининг вазифаси экани, ёшликдан инсон илм ва ҳунар ўрганиши кераклиги, меҳнатдан қочмаслиги, Исломда никоҳдан олдинги ва кейинги муносабатларни тушунтириб бориш);

в) оила, маҳалла, мактаб ва олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва амалийлигини таъминлаш;

г) маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи ёш оилалар ўртасига совуқчилик тушган ёки келин ота-онасининг уйига аразлаб кетган вақтларда маҳалла фуқаролар йиғини раислари ушбу оилалар ўртасига тушиб, ёш келин-куёвни маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият юритувчи хотин-қизлар бўйича мутахассислар, маҳалла имом хатиби, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда яраштириш чораларини кўришлари, суд томонидан алимент тўлаш мажбурияти юклатилган ҳолларда алимент тўловчига ўз вақтида алимент миқдорини тўлаб бориши зарурлигини тушунтириши;

д) алимент тўловчи иш жойига эга бўлмаса, маҳалла ҳудудидаги корхона, муассаса раҳбарлари ёки тадбиркорлик субъектлари билан келишган ёки туман бандликка кўмаклашиш марказлари имкониятларидан фойдаланган ҳолда унга ишга жойлашишида кўмаклашиш;

е) мазкур жиноятнинг олдини олиш мақсадида мутахассисларни жалб этган ҳолда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича «Юксак ҳуқуқий маданият мамлакат тараққиётининг кафолати» деган концептуал ғоя асосида ишларни ташкил этиш ва амалга оширилишини таъминлаш;

ж) имом хатиблар томонидан «Никоҳ ўқиш» жараёнида ёш келин-куёвга ота-оналари ўргатмаган, оилада ва мактабда эшитмаган оила қуриш ва унинг шариат бўйича талабларини, эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатларни, фарзандли бўлганда унга тарбия бериш ва уни моддий таъминлаш каби масалаларни батафсил тушунтириб, оила муқаддаслигини тарғиб қилувчи буклетлар бериш;

з) имом хатиблар жума ва турли маросимлардаги маърузаларида ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчларини, фарзанднинг моддий таъминоти отасининг зиммасида экани, турмуш ўртоғи фарзандини боқаман деб, сарсону саргардон бўлиб юрганлигини тушунтириб, оилаларнинг ажралиб кетишлари ёки алимент тўлашга мажбур бўлган ота (она)ни ўз вақтида алимент пулларини тўлаб боришлари ҳақида диний нуқтаи назардан тушунтириб боришлари;

и) маъмурий ва жиноий ишлар сайёр суд тарзида айбланувчи истиқомат қилаётган маҳалла ҳудудида ёки унинг меҳнат жамоасида кўпроқ кўрилишига эришиш ва ЖПКнинг 297-моддаси тартибида «жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида» киритиладиган тақдимномларни муҳокама этишда суриштирувчининг шахсан ўзи иштирок этиши ва шу тариқа айбланувчи томонидан қайта жиноят содир этилишининг олди олинишига эришиш.

Шунингдек, вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва моддий таъминланишларига эришиш борасида айрим хорижий мамлакатлар тажрибасини қонунчилигимизга киритиш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Масалан, Украина, Латвия ҳамда Канада тажрибасини қўллаб, алимент тўлашдан бўйин товлаётган шахсни автомашина бошқариш (бу фаолиятининг асосий тури бўлган ҳоллар бундан мустасно) ва ов қуроли сотиб олиш ҳуқуқларидан маҳрум этиш, Адлия вазирлигининг (оммавий реестр) сайтида алиментдан қарздорларнинг ва фарзандини ўз отасига кўрсатишдан бош тортаётган оналарнинг рўйхати эълон қилиб борилиши ёки қарздорга кредит бермаслик каби тақиқларни жорий этиш вояга етмаган шахсларнинг манфаатлари йўлида ижобий самарасини беради деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, жиноятни фош этгандан кўра олдини олган яхши. Жамият тараққиёти ва унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи жиноятчилик доимий равишда ҳуқуқшунос олимлар, турли соҳа мутахассислари, қолаверса, жамиятнинг ҳар бир аъзоси эътиборини ўзига тортиб келгани ҳаммамизга маълум. Чунки жиноятчилик, қайси шакл ёки тоифада бўлмасин, инсониятнинг тинч турмуш тарзига муттасил равишда хавф солиб келган.

Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик чоралари тараққиётнинг ҳар бир даврида жамиятда фан-техника ютуқлари асосида қўлланилганлигини ҳамда бу кураш чоралари зарур илмий-назарий асосларга эга бўлганлигини кўриш мумкин.

Мазкур мақолада ёритилган вояга етмаган шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш жинояти бир қарашда кам аҳамиятлидек кўринса-да, энг ачинарли томони ушбу жиноятнинг оилада ва энг яқин қариндошлар ўртасида содир этилиши ҳамда аянчли ҳолатлар билан якун топиши, келажак авлоднинг етук инсон бўлиб камолга етишига рахна солишини эса энг оғир жиноят деб баҳолашга барчамизни мажбур этади. Бу каби жиноятларнинг барвақт профилактикаси оилалар ўртасидаги ажримларнинг ҳамда болалар тирик етим бўлиб қолишининг олдини олишга, уларнинг баркамол инсон бўлиб шаклланишига хизмат қилади.

---

[1] *Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф.* Бахтиёр оила. – Т.: Ҳилол-нашр, 2015. – Б. 175.

[2] Ўша манба. – Б. 3.

[3] Алимент (лот. *alimentum* – озиқ-овқат, нафақа, таъминот, боқиш учун маблағлар) – бир шахснинг иккинчи шахсга мажбуран тўлайдиган моддий маблағидир. Қаранг: Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъуллар Р. А. Муҳитдинов [ва бошқ.]; масъул муҳаррир Н. Тойчиев. – Т.: Адолат, 2010. – Б. 21.

[4] Қашқадарё вилоят Маъмурий суди маълумотномаси. №138. 27.02.2020 й.

[5] Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг маълумотномаси. №5-321-20. (2020.25.02).

[6] *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 350–351.

[7] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ 5618-сонли фармони // URL: https://lex.uz/docs/4149765.

[8] *Монтескье Ш.* Избранные произведения. – М., 1955. – Б. 231.

***Азим Шухрат Обид угли,***
*начальник Управления МВД Республики Узбекистан*

# О КОНСТРУКЦИИ СОСТАВА ВОВЛЕЧЕНИЯ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНЕГО В АНТИСОЦИАЛЬНОЕ ПОВЕДЕНИЕ

**Аннотация.** Автор в данной статье охарактеризовал объективную (внешнюю) сторону состава вовлечения несовершеннолетнего в антисоциальное поведение, проанализировал мнения и выводы учёных о конструкции данного состава, выяснил, к какому виду составов преступлений относится вовлечение несовершеннолетнего в антисоциальное поведение – материальному или формальному, определил соотношения терминов «вовлечение» и «подстрекательство», урегулировал вопрос, направленный на вовлечение несовершеннолетнего в совершение конкретного преступления, или подстрекательство к нему.

**Ключевые слова:** вовлечение, антисоциальное поведение, объективная сторона, уголовное наказание, материальный и формальный состав, подстрекательство, оконченное преступление, использование, привлечение, склонение.

## ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ҒАЙРИИЖТИМОИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТГА ЖАЛБ ҚИЛИШ ЖИНОЯТИ ТАРКИБИНИНГ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДА

**Аннотация**. Муаллиф мақолада вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб қилиш жинояти таркибининг объектив (ташқи) томонини, ушбу жиноят таркибининг тузилиши ҳақида олимларнинг фикр-мулоҳазалари ва хулосаларини таҳлил қилган, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб қилиш жиноят таркибларининг қайси (моддий ёки формал) турига тааллуқлилигини, «жалб қилиш» ва «далолат қилиш» атамаларининг ўзаро нисбатини аниқлаган, вояга етмаган шахсни муайян жиноятни содир этишга жалб қилиш ёки далолат қилишга қаратилган масалани тартибга солган.

**Таянч сўзлар**: жалб қилиш, ғайриижтимоий хатти-ҳаракат, объектив томон, жиноий жазо, моддий ёки формал таркиб, далолатчилик, тугалланган жиноят, фойдаланиш, жалб қилиш, кўндириш.

## ABOUT CONSTRUCTION OF CORPUS DELICTI OF INDUCING OF JUVENILE IN ANTISOCIAL CONDUCT

**Annotation**. The author in this article characterized the objective (external) side of the composition of the inducing of juvenile in antisocial conduct, analyzed the opinion and conclusions of legal scholars on the design of this composition, what kind of crime is the inducing of juvenile in antisocial conduct – material or formal, determined the relationship of the terms «inducing» and «incitement», settled the issue aimed at inducing of juvenile in the commission of a particular crime, or incitement to it.

**Keywords**: inducing, anti-social conduct, objective side, criminal punishment, material and formal structure, incitement, completed crime, utilization, attraction, inducement.

Характеризуя объективную (внешнюю) сторону состава преступления, законодатель в диспозициях статей Особенной части Уголовного кодекса либо дает развернутое описание деяний, совершение которых запрещено под угрозой уголовного наказания, либо ограничивается одним словом (термином), в которое вкладывает

определенную деятельность, смысл или объединяет эти два способа построения, диспозиции. При этом ответственность в одних случаях предусматривается за совершение самих деяний, в других — лишь при условии наступления указанных в законе последствий. Если такие последствия не наступят, уголовная ответственность за оконченное преступление исключается. И только в умышленных преступлениях она возможна как за приготовление преступления или покушение к нему. Поэтому конструкция состава преступления, данная в законе при криминализации деяния, является основой для правильного определения объективной стороны любого преступления и тем самым точного осуществления карательной политики государства.

На этих общих вопросах можно было бы не акцентировать внимания, если бы и в теоретической литературе, да и в судебной практике при рассмотрении вопросов, связанных с уголовной ответственностью взрослых за вовлечение несовершеннолетнего в антисоциальное поведение, наблюдалось единство взглядов. К сожалению, этого нет и поэтому рассмотрение вопроса об объективной стороне названного состава следует начать с выяснения самой его конструкции. Иными словами, прежде всего следует выяснить, к какому виду составов преступлений относится вовлечение несовершеннолетнего в антисоциальное поведение – материальному или формальному.

Большинство ученых-юристов, исследовавших эту проблематику, вообще не касаясь вопроса о конструкции данного состава, чаще всего ограничивались воспроизведением диспозиции и описанием способов, посредством которых осуществляется вовлечение несовершеннолетнего в антисоциальное поведение[1]. Некоторые авторы, правда, указывают на момент окончания этого преступления, что дает основание для вывода о том, что они рассматривают его состав как формаль ный[2] (наиболее четко эта позиция прослеживается у Н.П. Грабовской)[3].

Однако такой позиции придерживаются не все. А.И.Игнатов, например, критикует тех авторов, которые полагают, что для наличия состава оконченного преступления достаточно только совершения действий, направленных на приобщение несовершеннолетнего к преступной деятельности, независимо от того, склонил виновный его к совершению преступления или нет. «Состав вовлечения несовершеннолетних в преступную деятельность является оконченным с момента, когда совершены действия, фактически склонившие несовершеннолетнего к совершению преступления»[4]. Неудачную попытку привлечь несовершеннолетнего к участию в преступной деятельности он предлагает рассматривать как покушение на данное преступление.

Еще категоричнее в своих выводах Е.В. Кичигина. Если А.Н. Игнатов, рассматривая состав вовлечения несовершеннолетних в преступную и иную антиобщественную деятельность как материальный, результатом действий вовлекателя считает фактическое склонение несовершеннолетнего к преступлению, то Е.В.Кичигина видит его в фактическом участии несовершеннолетнего в преступлении. «Вовлечение в преступление предполагает участие несовершеннолетнего в совершении преступления, в качестве исполнителя или пособника»[5].

Свою позицию о материальном характере состава вовлечения несовершеннолетних в преступную и иную антиобщественную деятельность А.Н.Игнатов обосновывает в основном этимологическим толкованием употребленного законодателем термина «вовлечение». Как он пишет,

«данное понятие означает результативное действие, в отличие от слова «вовлекание», означающего еще безуспешное воздействие»[6]. Ссылаясь на Словарь русского языка, А.Н. Игнатов указывает, что «вовлечь – значит привлечь к участию в чем-либо, а не просто склонять к участию»[7].

Прежде всего, следует отметить, что понятие «вовлечь» и «вовлечение» отнюдь не равнозначные. Слово «вовлечь» применимо лишь к тому, кого вовлекают. «Вовлечение» имеет двухстороннюю направленность. Это может быть и действие того, кто вовлекает, и воздействие на того, кого вовлекают. Более того, если стоять на позициях этимологии, то вовлечение – действие оконченное, а не «результативное», как пишет А.Н. Игнатов, а вовлекание – не «безуспешное воздействие», а длящийся, т.е. незаконченный, процесс[8].

Таким образом, этимологическое истолкование употребленного законодателем термина не дает, на наш взгляд, оснований для вывода о материальном характере состава вовлечения несовершеннолетнего в преступную и иную антиобщественную деятельность.

В юридической литературе понятие «вовлечение» в совершение преступления, как правило, раскрывается через институт соучастия, в частности в виде пособничества. По мнению К.К.Сперанского, вовлечение представляет собой «умышленные действия, направленные на подготовку несовершеннолетнего к совершению преступления, подстрекательство его к совершению одного или нескольких преступлений, либо привлечение его к совершению преступления в качестве соисполнителя или пособника»[9].

Р.С. Дмитриевский поддерживает это мнение, считая, что вовлечение составляют такие действия, как «понуждение или подстрекательство несовершеннолетнего к определенному противоправному поведению, указанному в законе, а также привлечение к участию в нем совместно со взрослым или иным подростком»[10].

Распространена точка зрения, согласно которой вовлечение имеет место только при неконкретизированном склонении к преступлению, т.е. в случаях, когда лицо стремится вовлечь несовершеннолетнего в преступление путем выработки у него определенного антиобщественного настроя.

А.А.Расулев, например, писал: «Вовлечение несовершеннолетнего в преступную деятельность как оконченный состав преступления имеет место во всех случаях прививания подросткам антиобщественных взглядов, возбуждения у него интереса к преступной «романтике» и т.п. действий, посягающих на их нормальное развитие»[11].

Исходя из этого, если несовершеннолетний вовлекается в совершение конкретного преступления, то виновный должен нести ответственность за подстрекательство к совершению этого деяния. То есть выделялись две разновидности вовлечения: неконкретизированное и конкретизированное.

А.И.Чучаев и В.В.Палий считают, что в связи с новой формулировкой уголовно-правовой нормы об ответственности за вовлечение несовершеннолетнего в совершение преступления, неконкретизированный вид вовлечения утратил свое значение. По их мнению, «вовлечение несовершеннолетнего в совершение преступления есть не что иное, как подстрекательство»[12].

Выше отмечалось, что в ходе криминализации тех или иных общественно опасных деяний законодатель использует различные приемы описания в диспозициях уголовно-правовых норм объективной стороны состава конкретных преступлений. В одних случаях, как, например, в ст. 160 УК Республики Узбекистан, устанавливающей ответственность за шпионаж,

законодатель, не употребляя этого термина, дает подробное описание запрещенных под угрозой уголовного наказания действий, в других называет одним термином запрещенное деяние и сразу же раскрывает его уголовно-правовое содержание (напри мер, ст. 154 УК, устанавливающая уголовную ответственность за наемничество) или, наоборот, формулирует запрещенные деяния и указывает их уголовно-правовое понятие (например, кража – ст. 169 УК), а иногда дает лишь общее определение запрещенных уголовным законом действий.

Состав вовлечения несовершеннолетнего в антисоциальное поведение по описанию в законе его объективной стороны относится к последней группе, поэтому не случайно и в теории уголовного права, и в судебной практике столь большое внимание уделяется проблеме истолкования употребленного законодателем слова «вовлечение», ставшего в силу этого юридическим термином. Именно потому, что это юридический термин, одного его лингвистического истолкования, как показано выше, недостаточно. Такое истолкование может служить лишь основанием для вывода об удачном или неудачном выборе слова живого языка для однозначного и точного определения тех деяний, которые законодатель счел нужным запретить под угрозой уголовного наказания. Подлинный смысл законодательного термина, если нет единства в его понимании, может быть раскрыт лишь путем исторического и систематического его истолкования, то есть выяснения, когда, почему и с какой целью был введен законодательный запрет, обозначенный этим термином, и как этот запрет соотносился и соотносится с другими содержащимися в Уголовном кодексе запретами.

Перенесение момента окончания этого преступления на более раннюю стадию (на момент совершения действий, направленных на подстрекательство или привлечение несовершеннолетних к участию в различных преступлениях) давало возможность не дожидаться того, пока подросток встанет на преступный путь. Оконченным преступление должно считаться при наличии самого факта подстрекательства несовершеннолетнего к совершению преступления независимо от того, было ли оно совершено в результате подстрекательства». Новая кодификация уголовного законодательства, поставила задачу непросто перенесения в новый Уголовный кодекс ранее действовавших норм (в том числе и нормы, предусматривающей уголовную ответственность за подстрекательство несовершеннолетнего к преступлению), но творческой переработки всего действовавшего уголовного законодательства, его системного анализа, увязки с потребностями практики. Естественно, поэтому и норма, охраняющая нормальные условия развития несовершеннолетних, претерпела определенные изменения в контексте других норм Уголовного кодекса.

Уголовное законодательство детально урегулировало вопрос об уголовной ответственности соучастников преступления – организаторов, подстрекателей, пособников и исполнителей. Поэтому в тех случаях, когда речь идет об организационной деятельности, направленной на вовлечение несовершеннолетнего в совершение конкретного преступления, или о подстрекательстве его к нему, уголовная ответственность за эти действия будет наступать либо за соучастие в оконченном преступлении, совершенном несовершеннолетним, либо при неудавшихся организационной деятельности или подстрекательстве, объектом которых является несовершеннолетний, за покушение на таковые.

С учетом этого, едва ли было необходимо вводить в Особенную часть УК норму, которая дублировала бы то, что урегулировано уже положениями его Общей части. Речь шла об уголовно-правовой охране условий, обеспечивающих нормальное нравственное развитие несовершеннолетнего, ограждающих его от разлагающего влияния асоциальных элементов. Именно этим следует объяснить отказ законодателя от упоминания о подстрекательстве, имевшего место в старом УК УзССР, и формулирование состава вовлечения столь широко, чтобы под него подпадала всякая умышленная общественно опасная деятельность, направленная на вовлечение несовершеннолетнего в антисоциальное поведение. Формулирование этого состава как материального неизбежно вызвало бы конкуренцию между соответствующей статьей УК и общей нормой, определяющей ответственность соучастников преступления.

«Вымогательство» атамаси русча-ўзбекча луғатда[8] *товламачилик* ёки *тамагирлик* деган бир неча маънолар орқали таржима қилинган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «товламачилик» сўзи «алдаш, лақиллатиш, қўрқитиш йўли билан кишининг мол-мулкини, пулини ёки бошқа нарса ва ашёсини олиб қўйиш, ундан фойдаланиш»[9] маъноларини англатиши, тамагирлик эса «бировдан бирор нарсани кутиш ва шунинг илинжида бўлиш»[10] маъносини билдириши баён этилган. Демак, рус тилидаги *вымогательство* атамаси ўзбек тилидаги *тамагирлик* билан бир хил маъно англатмайди, деган хулосага келиш мумкин.

Бинобарин, фикримизча, ЖК 247-моддаси иккинчи қисмининг «д» бандида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишнинг хусусиятидан келиб чиқиб, «товламачилик йўли билан» деган жумлани қўллаш лозим. Бундай дейишимизга яна бир асос ЖКнинг 165-моддаси товламачилик деб аталишидир. Чунки, ЖКнинг 247-моддасида мазкур жиноятни содир этиш усулларидан ўғрилик, фирибгарлик, талончилик, ўзлаштириш, растрата ва босқинчилик қайд этилган. Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини товламачилик йўли билан эгаллаш айнан ЖК 247-моддасининг иккинчи қисми «д» бандида акс эттирилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Мазкур хулосамизга Олий суд Пленумининг тегишли қарорларидаги[11] ва жиноят ҳуқуқи фанига оид ўқув адабиётларидаги[12] ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини товламачилик йўли билан эгаллаш ҳақидаги тушунтириш ва фикрмулоҳазалар ҳам далил бўла олади.

Шу билан бирга, ЖКнинг 247-моддаси биринчи қисмида «ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмаларини ўғрилик ёки фирибгарлик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш» деб баён қилинган. Бироқ, бизнинг фикримизча, ушбу қоидадаги «қонунга хилоф равишда» деган жумла ҳам бу ерда ортиқча. Зеро, «ўғрилик ёки фирибгарлик йўли билан» дейишдан мақсад ҳам бу қилмишларнинг айнан жиноят эканлигини қайд этишдир. Шундай экан, ҳар қандай жиноий қилмиш қонунга хилофлик демакдир.

Иккичидан, жиноят ҳуқуқи назариясида «жиноят» тушунчасига таъриф берилган, Жиноят кодексининг Махсус қисмида эса қандай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят ҳисобланиши аниқ белгилаб қўйилган[13]. Шу сабабли қонун ижодкорлигида юридик нормани юридик техника жиҳатидан тўғри тузиш учун атамаларни такрорлаш ёхуд маънодош (синоним) сўзлар билан ифодалашга чек қўйиш лозим.

Шундай қилиб, ЖКнинг 247-моддаси биринчи қисмидаги «ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмаларини ўғрилик ёки фирибгарлик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш» жумаласини «ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, портлатиш қурилмаларини эгаллаш ўғрилик ёки фирибгарлик йўли билан содир этилган бўлса» деб ўзгартириш зарур.

Шунингдек, ЖКнинг 247-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида «ўша ҳаракат» жумласининг қўлланишида ҳам муаммо юзага келади. Модданинг биринчи қисмида мазкур предметларни «ўғрилик ёки фирибгарлик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш» жинояти учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, мазкур модданинг иккинчи қисми «а» бандида шу

ҳаракатнинг ўзини «такроран», «б» бандида эса «бир гуруҳ шахслар томонидан тил бириктириб» содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган. Буни тушунса бўлади. Аммо иккинчи қисмининг «в» бандида – «ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан», «г» бандида – «талончилик» (бизнингча, бу ерда ҳам «йўли билан» сўз бирикмасини қўллаш мақсадга мувофиқдир), «д» бандида эса «тамагирлик йўли билан» (юқорида таъкидлаганганидек, аслида «товламачилик йўли билан») содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу бандларга «ўша ҳаракат» жумласининг қўлланиши тушунарли эмас.

Қолаверса, биринчи қисмда жиноятни квалификация қилишда бевосита таъсир қилувчи «ўғирлик ва фирибгарлик» белгилари ҳам мавжуд. Бундай ҳолатда жиноятни иккинчи ёки учинчи қисм билан квалификация қилиш учун ё ўғрилик, ё фирибгарлик жинояти содир этилган деб баҳоланганидан сўнг иккинчи қисмидаги бандлар билан квалификация қилинади деган хулоса келиб чиқиши аниқ.

Бизнингча, мазкур модданинг учинчи қисмидаги «ўша ҳаракат» жумласи ўзгартирилиб, тегишинча иккинчи ва учинчи қисмлар «Ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмалари:» жумласи билан бошланиб, кейин «а», «б» ва ҳоказо тарзда ифодаланиши керак.

М.Х. Рустамбаев раҳбарлигида тайёрланиб, нашр этилган «Жиноят ҳуқуқи» дарслигида ЖК 247-моддасининг иккинчи қисмидаги «г» ва «д» бандлари қонунчиликда мавжуд камчилик бартараф этилган ҳамда бошқалар учун тушунарли тарзда, яъни тегишинча «айтиб ўтилган ашёларнинг талончилик йўли билан» ва «айтиб ўтилган ашёларнинг товламачилик йўли билан»[14] шаклида, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ»да эса ушбу модданинг иккинчи қисми «г» банди «талончилик йўли билан кўрсатилган буюмларни эгаллаш»[15] тарзида ифодалангани ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, қонун ижодкорлигида йўл қўйилган хато жиноят ҳуқуқи соҳаси билан боғлиқ фаолиятга салбий таъсир этиб, қонун нормасини амалда қўллашда хатоларга олиб келади. Бу эса қонунда кўзланган мақсадга эришишда тўсиқлар пайдо бўлишига ва тузатиб бўлмас зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси тайёрланаётган ҳозирги вақтда юқорида келтирилган таклифнинг инобатга олиниши мазкур моддада кўзда тутилган жиноий қилмишнинг аниқлигини таъминлаб, тегишли норманинг пишиқ-пухта бўлишига замин яратади.

---

[1] *Якушин В.А.* Ошибка и ее уголовно-правовое значение. – Казань, 1988. – С. 16–18; *Марцев А.И.* Незнание закона и уголовная ответственность // Актуальные проблемы борьбы с преступностью в Сибирском регионе: Сб. мат. научно-практ. конф. – Красноярск, 2001. – С. 26–29.

[2] Қаранг: *Сабитов Р.А.* Ошибки в квалификации уголовно-правовых деяний // Вестник Челябинского ун-та. Сер. №9. Право. – 2001. – № 2. – С. 108–111; *Хайдаров М.М.* Жиноят-ҳуқуқий қилмишни квалификация қилишдаги хатолар ва уларнинг сабаблари юзасидан айрим мулоҳазалар // XXI аср илм-фани: муаммо ва истиқбол: Респ. илмий амалий конф. мат-ри (2019 йил 25 апрель). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б.89–91; *Колосовский В.В.* Квалификационные ошибки. – СПб: Изд-во Р. Асланова «Юридический центр Пресс», 2006. – С.29–31.

[3] Қаранг: *Фаткуллина М.Б.* Юридические и фактические ошибки в уголовном праве: проблемы квалификации. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2001. – С. 7–8.

[4] *Панько К.К.* Ошибки технико-юридического оформления уголовно-правовых запретов // URL:https://cyberleninka.ru/article/n/oshibki-tehniko-yuridicheskogo-oformleniya-ugolovno-pravovyh-zapretov.

[5] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // URL:https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020.

[6] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон Фармони; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 январдаги «Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 34-сон қарори // URL:https://lex.uz.

[7] Қаранг: *Бердияров Ш.* Юридик техника: Монография. – Т.: Наврўз, 2017. – Б. 153.

[8] Русча-ўзбекча луғат. – Т., 2008. – Б.173.

[9] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. – Т.: «ЎМЭ» давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.128.

[10] Ўша манба. – Б. 653.

[11] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 27 февралдаги 3-сон қарори // URL: https://lex.uz/docs/1441585?query=%D2 (Мурожаат қилиш санаси 2020 йил 15 апрель куни).

[12] Қаранг: Жиноят ҳуқуқи: Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар учун дарслик / М.Х.Рустамбоев, Ф.Тохиров, А.К.Эркаходжаев; Х.Б.Бобоев таҳрири остида; Масул муҳаррир: Й.М.Каракетов. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. – Б. 399; Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисми: Дарслик / Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 625.

[13] Қаранг: Жиноят ҳуқуқи: Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар учун дарслик / М.Х.Рустамбоев, Ф.Тохиров, А.К.Эркаходжаев; Х.Б.Бобоев таҳрири остида; Масъул муҳаррир: Й.М.Каракетов. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. – Б. 6–7; Уголовное право. Общая и Особенная части: Учебник. – М., 2008. – С.125; Уголовное право. Общая и Особенная части: Учебник / Под. общ. ред. М.П. Журавлева и С.И. Никулина. – 2-е изд., перераб. и доп. – М., 2008. – С. 114–115; Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисми: Дарслик / Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 5–6.

[14] Қаранг: Жиноят ҳуқуқи: Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар учун дарслик / М.Х.Рустамбоев, Ф.Тохиров, А.К.Эркаходжаев; Х.Б.Бобоев таҳрири остида; Масъул муҳаррир: Й.М.Каракетов. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. – Б. 399.

[15] *Рустамбаев М.Х.* Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ [қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан]. Махсус қисм. – Т.: Адолат, 2016. – Б. 717.

***Ахмедов Ихтиёр Бахтиёрович,***
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси*
*жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси;*
***Эргашев Элдор Эркабоевич,***
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси*
*касбий тайёргарлик факультети махсус фанлар цикли ўқитувчиси*

# ТИЛАНЧИЛИК ҚИЛИШ ЖИНОЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАВФЛИЛИГИ ВА ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

**Аннотация.** Мақолада амалдаги жиноят қонунчилигига мувофиқ тиланчилик қилганлик учун жиноий жавобгарлик асосларини, мазкур жиноят таркибининг объектив ва субъектив белгиларини таҳлил қилиш асосида унинг ҳуқуқий табиати ва ижтимоий хавфлилиги ёритилади.

**Таянч сўзлар:** тиланчилик, вояга етмаган шахс, тиланчилик билан шуғулланиш, тиланчиликка жалб қилиш, алкоголли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари, гиёҳвандлик воситалари, гиёҳвандлик воситаларининг аналоглари, психотроп моддалар.

**ОБЩЕСТВЕННАЯ ОПАСНОСТЬ ПОПРОШАЙНИЧЕСТВА И ЕГО УГОЛОВНО-ПРАВОВАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА**

**Аннотация.** В статье раскрываются основы уголовной ответственности за попрошайничество в соответствии с действующим уголовным законодательством, а также на основе анализа объективных и субъективных признаков состава преступления раскрываются его правовая природа и социальная опасность.

**Ключевые слова:** попрошайничество, несовершеннолетний, занятие попрошайничеством, вовлечение в попрошайничество, алкогольные напитки, наркотические вещества, наркотические средства, аналоги наркотических средств, психотропные вещества.

**THE SOCIAL DANGER OF COMMITTING A CRIME AND ITS CRIMINAL LAW CHARACTERISTICS**

**Annotation.** The article describes the basics of criminal liability for begging in accordance with the current criminal law, that is, on the basis of an analysis of objective and subjective signs of the crime, its legal nature and social danger are revealed.

**Keywords:** begging, minors, deal with begging, involvement in begging, alcoholic drinks, narcotic substances, narcotic drugs, analogues of narcotic drugs, psychotropic substances.

Бугунги суд-ҳуқуқ амалиётида айрим катта ёшдаги шахслар томонидан ўзларининг ғаразли ва жиноий мақсадларини ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланиб улгурмаган, оқ-қорани ажрата олмайдиган ёшларни жалб қилиш орқали амалга ошириш, баъзи ҳолларда эса шу йўл билан жавобгарликдан қутулиб қолишга уриниш каби ҳолатлар кузатилмоқда. Бу эса вояга етмаганлар жиноятчилигининг кўпайишига олиб келмоқда.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, шунингдек ёшларни юксак маънавиятли ва баркамол шахс сифатида тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, «...фарзандларимизга болалик пайтидан «яхши» ва «ёмон», «мумкин» ва «мумкин эмас» деган тушунчалар ўртасидаги фарқни ўргатишимиз, ўзимиз эса уларга доим шахсий намуна бўлишимиз керак»[1].

Тиланчилик жиноятининг *ижтимоий хавфлилиги* Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган оила манфаатларининг бузилишига олиб келиши,

шахсларнинг, шу жумладан вояга етмаган шахсларнинг руҳий, жисмоний ва ахлоқий ривожланишига тўсқинлик қилиши, фуқаролар ўртасидаги соғлом муносабатларнинг бузилиши ва аҳолининг, айнан ёшларнинг ахлоқий муносабатларига, шунингдек жамият ва давлат манфаатларига путур етказишда намоён бўлади.

Вояга етган шахсларнинг вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий ҳаракат ёки жиноят содир этишга қизиқтириши жамиятга катта хавф солади, зеро у вояга етмаган шахснинг руҳий ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, мазкур жиноятнинг *турдош объекти* шахс, жамият ва давлат манфаатлари, шунингдек вояга етмаган шахсни шакллантирувчи ижтимоий институт сифатида оила манфаатларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш ҳамда вояга етмаган шахснинг тўғри тарбияланишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тиланчилик қилиш жиноятининг *бевосита объектини* шахснинг, шу жумладан вояга етмаган шахснинг нормал, ахлоқий ва жисмоний ривожланишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади. *Қўшимча объекти* вояга етмаган шахснинг шаъни ва қадр-қиммати, эркинлиги, соғлиғи ҳамда қонун билан қўриқланадиган бошқа ижтимоий муносабатлар, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бўлиши мумкин.

Жиноят кодексининг 127[1]-моддаси *уч қисмдан* иборат бўлиб, унинг *биринчи қисмида* аэропорт, вокзал, хиёбон, истироҳат боғларида, бозор ва савдо мажмуалари ҳудудлари, шунингдек уларга туташ ҳудудларда, автомототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўча, стадион, бекатлар ва йўлларнинг қатнов қисмида, моддий ва маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шуғулланганлик, яъни тиланчилик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-[1]-моддаси *биринчи қисмида* назарда тутилган жиноятнинг жиноий жавобгарликка тортиш шартини айбдор ушбу ҳаракатларни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 188[3]-моддаси биринчи қисмида (Тиланчилик қилиш) белгиланган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазога тортилганидан кейин бир йил давомида содир этганлиги ташкил этади.

Жиноят кодекси 127[1]-моддасининг *биринчи қисмида* назарда тутилган жиноят нинг *объектив томони* аэропорт, вокзал, хиёбон ва истироҳат боғларида, бозорлар ва савдо мажмуалари ҳудудларида, шунингдек уларга туташ ҳудудларда, автомототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўча, стадион ва бекатларда, йўлларнинг қатнов қисмида, моддий ва маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шуғулланишдан иборат.

Жиноят кодекси 127[1]-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят формал таркибли жиноят бўлиб, айбдор тиланчилик билан шуғулланган пайтидан эътиборан, ўз мақсадига эришган ёки эришмаганидан қатъи назар, *тугалланган* ҳисобланади.

Жиноят кодекси 127[1]-моддасининг *иккинчи қисмида* назарда тутилган жиноятнинг *объектив томони* вояга етмаган, кекса ёшдаги, руҳий ҳолати бузилган, ногиронлиги бор шахслар ва бошқаларни тилан-

чилик қилишга жалб этиш, шунингдек уларга алкоголли ичимлик ёхуд гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб қилишда ифодаланади.

Жиноят кодекси $127^1$-моддасининг иккинчи қисмига биноан, вояга етмаган, кекса ёшдаги, руҳий касаллиги, ногиронлиги бор шахслар ва бошқалар жиноят *жабрланувчилари* бўлиши мумкин.

Мазкур қисмда жиноят *предметини* алкоголли ичимликлар ёхуд гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддалар ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 октябрь кунидаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-503-сон қонунининг 1-моддаси 24-бандига мувофиқ:

*гиёҳвандлик воситалари* – гиёҳвандлик воситалари рўйхатларига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси мавжуд бўлган препарат ва ўсимликлар;

*гиёҳвандлик воситаларининг аналоглари* — кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситаларига ўхшаш бўлган, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий бўлган моддалар;

*психотроп моддалар* – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалардир[2].

Жиноят кодекси $127^1$-моддасининг *иккинчи қисмида* назарда тутилган жиноятнинг объектив томони содир этилиш хусусиятига кўра, *биринчидан,* вояга етмаган, кекса ёшдаги, руҳий ҳолати бузилган, ногиронлиги бор шахсларни ва бошқаларни тиланчилик қилишга жалб қилишда; *иккинчидан,* шахсларга алкоголли ичимлик ёхуд гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда ҳисобланмайдиган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатадиган моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб қилишда ифодаланади.

Тиланчиликка *жалб қилиш деганда* вояга етмаган, кекса ёшдаги, руҳий касаллиги, ногиронлиги бор шахсларни ва бошқаларни бегона шахслардан пул, озиқ-овқат, кийим-кечак ёки бошқа нарсаларни сўраб, илтимос қилиб олишга қизиқтиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатни содир этиш тушунилади.

Жиноят кодексининг $127^1$-моддаси *иккинчи қисмида* назарда тутилган жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш шарти айбдорнинг ушбу ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг $188^3$-моддаси иккинчи қисмида (Тиланчилик қилиш) белгиланган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазога тортилганидан кейин бир йил давомида содир этганлигидир.

Жиноятнинг *субъектив томони* тўғри қасдда ифодаланади. Жиноятнинг мотив ва мақсади турлича бўлиши мумкин, бироқ улар мазкур жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди.

Ушбу жиноятнинг *субъекти* 18 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади.

Жиноят кодекси $127^1$-моддасининг *учинчи қисмида* ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, в) бошқа шахсни гиёҳвандлик воситаларини,

уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга мажбурлаган ҳолда содир этилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, мазкур жиноий-ҳуқуқий норманинг жиноят қонунига киритилиши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда, уларнинг ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан нормал ривожланишини таъминлайди, шунингдек шахсларнинг, умуман ёшларимизнинг келгусида юксак маънавиятли, баркамол инсон бўлиб етишишига хизмат қилади. Бу эса барчамиз фарзандларимиз тарбиясига, ватанпарвар бўлиб вояга етишига масъул эканлигимизни англатади. Зеро, «биз ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур»[3].

---

[1] *Мирзиёев Ш. М.* Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // URL: https://president.uz/uz/lists/view/2180.

[2] Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 октябрь кунидаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-503-сон қонунининг 1-моддаси 24-банди.

[3] *Мирзиёев Ш. М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 349–350.

***Алланазаров Ойбек Давранович,***
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси*
*дастлабки тергов ва криминалистика кафедраси*
*бошлиғининг ўринбосари*

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА ИСБОТЛАНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲОЛАТЛАР ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ

**Аннотация.** Мақолада вояга етмаганлар жиноятлари бўйича олимларнинг фикр-мулоҳазалари, хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлил қилинган. Шу асосда мазкур жиноятлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доирасини кенгайтириш юзасидан таклифлар билдирилган.

**Таянч сўзлар:** вояга етмаганлар жиноятлари, исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, суриштирув, дастлабки тергов, терговга қадар текширув.

## РАСШИРЕНИЕ КРУГА ОБСТОЯТЕЛЬСТВ, ПОДЛЕЖАЩИХ УСТАНОВЛЕНИЮ ПО ДЕЛАМ О ПРЕСТУПЛЕНИЯХ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

**Аннотация.** В статье анализируются мысли ученых, законодательство зарубежных стран по делам о преступлениях несовершеннолетних. На основе этого даны предложения по расширению круга обстоятельств, подлежащих установлению по делам о данных преступлениях.

**Ключевые слова:** преступления несовершеннолетних, обстоятельства, подлежащие установлению, дознание, предварительное следствие, доследственная проверка.

## EXPANDING THE CIRCLE OF CIRCUMSTANCES TO BE ESTABLISHED FOR JUVENILE OFFENSES

**Annotation**. The article analyzes the thoughts of scientists, the legislation of foreign countries on juvenile crimes. Based on this, proposals are made to expand the range of circumstances to be established for these crimes.

**Keywords**: juvenile crime, circumstances to be established, inquiry, preliminary investigation, pre-investigation check.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, аҳолига муносиб турмуш тарзини яратиш йўлида амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар қаторида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳам муҳим ўрин тутади. Бу соҳадаги ислоҳотлар тизимида, айниқса, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрель кунидаги «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4296-сон қарорида қонунларга судгача ва суд жараёнида жиноят процесси иштирокчиси бўлган болаларни ҳимоя қилишга қаратилган қўшимча кафолатларни назарда тутувчи нормалар киритиш кераклиги таъкидланган[1].

Шу боис, ишни судга қадар юритиш босқичида вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов олиб боришда иш ҳолатларини ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганиш ҳамда холисона баҳолаш талаб этилади.

Вояга етмаганларнинг жиноятларини тергов қилишда мазкур жиноятларнинг криминалистик тавсифи ҳамда юзага келадиган типик тергов вазиятларини

таҳлил қилиш, шунингдек ўтказиладиган дастлабки ва келгуси тергов ҳаракатларининг кетма-кетлигини белгилаш каби вазифалар қаторида, исботланиши лозим бўлган ҳолатларни ўрганиш, улар юзасидан далиллар тўплаш, уларни текшириш ва баҳолаш масаласи процессуал ва криминалистик жиҳатлардан алоҳида аҳамиятга эга.

ЖПКнинг 548-моддасига кўра, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган умумий ҳолатлардан ташқари, вояга етмаган айбланувчининг аниқ ёши, вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлик ҳолати, турмуш ва тарбияланиш шароитлари, катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги каби ҳолатлар ҳам исботланиши лозим.

Ж.Камалходжаев таъкидлаганидек, мазкур ҳолатлар ЖПКнинг 82–84-моддаларида назарда тутилган исботланиши лозим бўлган ҳолатларга аниқлик киритиб, вояга етмаганларга оид жиноят ишлари бўйича уларни аниқлаш ва қўллаш шарт[2].

Шу ўринда, вояга етмаганларнинг жиноятлари бўйича юқорида қайд этилган исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доираси уларнинг жисмоний, ақлий ва руҳий ривожланишига хос жиҳатларни тўлиқ аниқлаш имконини берадими ёки йўқми, деган савол туғилиши табиий.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 548-моддасида белгиланган вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар БМТнинг 1985 йил 10 декабрда қабул қилинган ва Пекинда бўлиб ўтган экспертлар кенгашида тасдиқланган БМТнинг Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари, 1985 йил) талабларига тўлиқ жавоб бериши ҳамда жиноятларнинг аниқ сабабларини топиш, уларга таъсир чораларини тўғри қўллаш имконини беришига эришиш учун уларни янада аниқлаштириш мақсадида қайта кўриб чиқиш зарур, деган фикрдамиз.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар доирасини белгилашда ЖПКнинг мазкур масалани тартибга солувчи нормалари (ЖПК 22, 82, 85–95 моддалари) талабларига риоя этиш, шунингдек ЖПКнинг 548-моддасида қайд этилган вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган алоҳида ҳолатларни ҳамда содир этилган жиноятнинг квалификацион белгиларини эътибордан четда қолдирмаслик даркор. Зеро, исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларнинг тез, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилиши дастлабки терговнинг самарадорлиги ва сифати юқори бўлишини таъминлайди[3].

Ушбу масала бўйича мамлакатимизда ҳамда хорижда тадқиқот олиб бораётган олимлар ва тадқиқотчиларнинг аксарияти исботланиши лозим бўлган ҳолатларни кенгайтириш зарурлигини таъкидлашган. Жумладан, Н.Рамазонова «вояга етмаган шахс томонидан жиноят содир этилишини келтириб чиқарган сабаблар ва асослар»ни исботланиши лозим бўлган ҳолат сифатида қонунчиликка киритишни таклиф этган[4].

Бизнинг фикримизча, вояга етмаган шахс томонидан содир этилган жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланиши шарт бўлса-да, ушбу қоидани ЖПКнинг 548-моддасида белгилаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, ЖПКнинг 296-моддасида ушбу ҳолатлар барча жиноят ишлари бўйича аниқланиши шарт эканлиги белгиланган бўлиб, ушбу қоида вояга етмаганлар жиноятларига доир ишлар учун ҳам тааллуқлидир.

Рус олими В.Г.Просвирнин вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятларни исботлаш масаласининг ЖПК нормаларида кенгроқ ёритилишига эътибор қаратиб, шахснинг ақлий, руҳий, иродавий ҳамда эмоционал ривожланганлик даражаси, темпераменти ва характерига хос хусусиятларни[5] исботланиши лозим бўлган ҳолат сифатида кўрсатишни таклиф қилган.

Р.З.Еникеев ҳам тадқиқот иши доирасида ушбу масалани атрофлича таҳлил қилиб, вояга етмаган шахснинг жисмоний, руҳий ва иродавий ривожланганлик даражаси, характери ва темпераментининг хусусиятлари, қизиқиш ва эҳтиёжлари, жиноят содир этишдан олдинги ва кейинги ҳулқ-атворини исбот қилиш предметига киритиш лозим, деган тўхтамга келган[6].

Бизнинг фикримизча, гарчи амалдаги ЖПКнинг 548-моддасида юқоридаги муаллифлар қайд этган барча ҳолатлар «вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати» тушунчаси орқали ифодаланган бўлса-да, жисмоний, ақлий, руҳий, иродавий ривожланганлик даражаси, характери ва темпераментини алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Чунки, ушбу ҳолатлар қилмишни жиноят сифатида баҳолаш, вояга етмаган шахсга процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, жиноят иши якуни бўйича қарор қабул қилиш, шунингдек жазо тайинлаш жараёнларига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

И.А.Даниленко[7] ва Т.В.Исакова[8] катта ёшдагиларнинг вояга етмаган шахсга ижобий ёки салбий таъсирини аниқлаш масаласини исботланиши лозим бўлган ҳолат сифатида баҳолашни таклиф этган. Унинг бу фикри асослидир, чунки мазкур қоида вояга етмаганлар ишлари бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни янада аниқлаштиради. ЖПКнинг 548-моддасида назарда тутилган «вояга етмаган шахснинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари»ни ўрганиш талаби умумий бўлиб, уни турлича талқин қилиш мумкинлиги катта ёшдагиларнинг вояга етмаган шахсга таъсири аниқланмай қолишига олиб келиши мумкин. Ваҳоланки, таҳлил этилаётган ҳолат вояга етмаган шахсга қонуний вакил белгилаш, эҳтиёт чорасини танлаш, уни ўз оиласи ёки васийлик органида қолдириш каби муҳим масалаларнинг тўғри ҳал этилишига хизмат қилади.

Н.Н.Гребнёва эса ушбу масалага чуқурроқ ёндашиб, вояга етмаган шахснинг илгари содир этган ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларини ҳам қонунчиликда алоҳида исботланиши лозим бўлган ҳолат сифатида акс эттириш таклифини берган[9]. Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 548-моддасида кўрсатилмаган бўлса-да, 82-моддаси биринчи қисмининг 5-бандида назарда тутилган «айбланувчининг, судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар»дан бири ҳисобланади. Вояга етмаган шахснинг илгари содир этган ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларини, шунингдек жиноят содир этишдан олдинги ва кейинги хулқ-атворини аниқлаш масаласи унга жазо ва бошқа таъсир чораларини қўллаш ҳамда ишни тергов қилиш ва судда кўриб чиқишнинг бошқа жараёнларида катта аҳамият касб этади. Шу боис улар ҳам вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларда алоҳида ажратиб кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигини ўрганиш жараёнида юқоридаги муаллифлар томонидан таклиф этилган айрим ҳолатлар тергов қилиш амалиётига татбиқ этилганлиги маълум бўлди. Жумладан, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркманистон Республикалари ЖПКда – вояга етмаган шахснинг жисмоний, иродавий ва руҳий ривожланганлик даражаси, характери ва темпераментининг хусусиятлари, қизиқишлари ва эҳтиёжларини; Қирғизистон Республикаси ЖПКда – вояга етмаган шахснинг ақлий ва руҳий ривожланганлик даражаси ҳамда шахсига хос бошқа хусусиятларни; Россия Федерацияси ЖПКда – руҳий ривожланганлик даражаси ва шахсига хос бошқа хусусиятларни, уларга катта ёшдаги шахсларнинг таъсирини; Туркманистон Республикаси ЖПКда эса вояга етмаганларга тенгдошларининг, катта ёшдагилар ва далолатчиларнинг таъсирини аниқлаш назарда тутилган.

Дарҳақиқат, вояга етмаганлар жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар сифатида ЖПКнинг

548-моддаси биринчи қисмида қуйидагилар ҳам назарда тутилиши мақсадга мувофиқ:

– вояга етмаган шахснинг жисмоний, ақлий, руҳий ва иродавий ривожланганлик даражаси, характери, темпераменти ҳамда шахсига хос бошқа хусусиятлар;

– унинг жиноят содир этишдан олдинги ва кейинги хулқ-атвори, илгари содир этган ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлари;

– катта ёшдагиларнинг унга ижобий ёки салбий таъсири.

ЖПКга ушбу ўзгартишнинг киритилиши вояга етмаганлар жиноятлари бўйича терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва суд жараёнлари самарали ташкил этилишига хизмат қилиб, амалиёт ходимлари томонидан ишнинг йўналишини аниқ белгилаш ҳамда ўтказиладиган процессуал ва тергов ҳаракатларини тўғри режалаштириш имконини беради.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4296-сон қарори // URL: http://lex.uz/docs/4302023

[2] Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси / Б.А.Миренский, А.Х.Раҳмонқулов, Ж.Камалходжаев, В.В.Қодирова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – Б. 487.

[3] Қаранг: *Абзалов А.Э.* Жабрланувчининг ожиз аҳволидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар бўйича дастлабки терговнинг хусусиятлари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2006. – Б. 11.

[4] *Рамазонова Н.* Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар: миллий ва хорижий тажриба //Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. – 2016. – № 4 (28). – Б. 81.

[5] *Просвирнин В. Г.* Особенности предмета доказывания по уголовным делам несовершеннолетних: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Воронеж, 2001 // URL: https://www.dissercat.com/content/osobennosti-predmeta-dokazyvaniya-po-ugolovnym-delam-nesovershennoletnikh/ (кириш вақти 17.04.2020 й.)

[6] *Еникеев Р.З.* Проблемы доказывания в деятельности адвоката-защитника по делам о преступлениях несовершеннолетних: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ижевск, 2004 // URL: http://kalinovsky-k.narod. ru/b/avtoref/enikeev2004.htm / кириш вақти 17.04.2020 й.

[7] *Исакова Т. В.* Производство по уголовным делам в отношении несовершеннолетних: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Иркутск, 2009 // URL: http:// https://www.dissercat.com/content/ proizvodstvo-po-ugolovnym-delam-v-otnoshenii-nesovershennoletnikh / кириш вақти 17.04.2020 й.

[8] *Даниленко И. А.* Обстоятельства, подлежащие установлению при производстве по уголовным делам в отношении несовершеннолетних: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2004. // URL: https://www.dissercat.com/content/ obstoyatelstva-podlezhashchie-ustanovleniyu-pri-proizvodstve-po-ugolovnym-delam-v-otnoshenii / кириш вақти 17.04.2020 й.

[9] *Гребнева Н. Н.* Обстоятельства, характеризующие личность обвиняемого, как элемент предмета доказывания по уголовному делу: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тюмень, 2006. // URL: https:// https://www.dissercat.com/content/obstoyatelstva-kharakterizuyushchie-lichnost-obvinyaemogo-kak-element-predmeta-dokazyvaniya / кириш вақти 17.04.2020 й.

***Соловьева Татьяна Владимировна,***

*преподаватель кафедры криминалистических экспертиз*

*Академии МВД Республики Узбекистан*

# МЕТОДЫ СРАВНИТЕЛЬНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ ПРИ ПРОИЗВОДСТВЕ КРИМИНАЛИСТИЧЕСКИХ ПОРТРЕТНЫХ ЭКСПЕРТИЗ КАК ГАРАНТЫ ДОСТОВЕРНОСТИ ВЫВОДОВ ЭКСПЕРТА

**Аннотация.** В статье рассмотрены основные методы, используемые при сравнительном исследовании идентификации личности, а также даны рекомендации об одновременном использовании нескольких методов для достоверности выводов эксперта.

**Ключевые слова:** портретная экспертиза, стадии исследования, методы сравнительного исследования, сопоставление, достоверность, выводы.

## ПОРТРЕТ ЭКСПЕРТИЗАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ТАҚҚОСЛАШ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ ЭКСПЕРТ ХУЛОСАЛАРИ ИШОНЧЛИЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ СИФАТИДА

**Аннотация.** Мақолада шахсни аниқлашнинг қиёсий тадқиқотида қўлланиладиган асосий усуллар муҳокама қилинаган, шунингдек эксперт хулосаларининг ишончлилиги учун бир вақтнинг ўзида бир нечта усуллардан фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** портрет экспертизаси, тадқиқот босқичлари, қиёсий тадқиқот усуллари, солиштириш, ишончлилик, хулосалар.

## COMPORATIVE RESEARCH METHODS IN THE PRODUCTION OF CRIMINALISTIC PORTRAIT EXAMINATIONS AS GUARANTEES OF THE RELIABILITY OF EXPERTS CONCLUSIONS

**Annotation.** The article discusses the basic methods used in a comparative research of personality identification, also gives recommendations on the simultaneous use of several methods for the reliability of expert conclusions.

**Keywords:** portrait examination, stages of research, methods of comparative research, comparison, reliability, conclusions.

Методика криминалистической портретной экспертизы – это система методов, приемов и технических средств, определяющая содержание и последовательность решения задач портретной экспертизы.

На исследование в качестве объектов предоставляют фотоснимки живых лиц и трупов, посмертные маски (слепки с лица трупа), череп трупа неизвестного лица, скульптурные и графические портреты, рисованные и композиционно-рисованные портреты. В зависимости от вида объекта, поступающего на экспертизу, исследование можно подразделить на несколько видов:

**исследование изображений людей по фотопортретам** – перед экспертами ставится задача отождествления лица, изображенного на сравниваемых фотографиях, чаще всего здесь решается вопрос – одно или разные лица изображены на фотоснимках. Сложность составляет идентификация живых лиц по фотоизображениям, изготовленным с

большим разрывом во времени, лиц – по ретушированным фотоизображениям, идентификация по фотоснимкам лиц, подвергшихся патологическим изменениям, а также по фотоснимкам живых лиц, подвергшихся косметико-хирургическим изменениям;

**исследование прижизненных фотоизображений без вести пропавшего человека и черепа трупа неизвестного лица** – задачей является идентификация личности прижизненной фотографии без вести пропавшего лица и по черепу трупа. Здесь важно соблюсти правила подготовки материалов для проведения экспертизы. На исследование нужно представить все имеющиеся кости черепа. В качестве образцов для сравнительного исследования нужно представить фотоснимки без вести пропавшего, где он был изображен в разных ракурсах, и снимки, где наиболее отчетливо отобразились черты его внешности;

**исследование неопознанных трупов по их фотоизображениям – з**адачей является отождествление человека, изображенного на сравниваемых фотоснимках. На разрешение эксперта ставят вопрос – не изображен ли на фотоснимках трупа неизвестного человека гражданин А., запечатленный на фотоснимке №2. В следственной практике данный вид исследования проводится в случаях обнаружения трупов неизвестных лиц, специфика заключается в сложности фотографирования трупа, так как перед фотографированием необходимо провести так называемый «туалет трупа», а при наличии значительных повреждений следует отреставрировать такие места и наложить грим;

**исследование посмертной маски трупа и прижизненных изображений без вести пропавшего** – в этих случаях сравнивают признаки, выявленные при изучении гипсовой маски и ее фотоснимков, и признаки, отобразившиеся на посмертной маске.

Исходя из общепринятых требований методики проведения идентификационных криминалистических экспертиз, портретная экспертиза проводится в четыре стадии исследования:

1) предварительное исследование;
2) раздельное исследование;
3) сравнительное исследование;
4) заключительная оценка полученных результатов и формулирование выводов эксперта;

Каждая стадия имеет свои особенности и свою важность. Но по степени сложности, конечно же, на первом месте стоит сравнительное исследование признаков внешности, главной задачей которого является выявление и фиксация всех совпадающих и различающихся признаков. Сравнение при этом должно осуществляться всеми методами, которые возможно применить в каждом конкретном случае.

Одним из наиболее важных и обширных методов является метод сравнения, в него входят следующие подгруппы:

– сопоставления;
– совмещения;
– наложения;

К методам сопоставления относятся:

– *визуальное (простое) сопоставление с последующей разметкой признаков*, оно является основным методом сравнения, так как применяется во всех, без исключения, случаях. Данное сопоставление состоит в поочередном восприятии экспертом одноименных признаков внешности и мысленном выявлении их различий или совпадений[1]. Визуальное сопоставление признаков – универсальный метод, без которого невозможно производство портретной экспертизы, поэтому в первых работах, посвященных проведению данного рода исследований, обязательно есть упоминание о визуальном сопоставлении признаков внешности или «сличении фотографических карточек», как это называлось ранее. Разметка данного метода была предложена проф. В.А. Снетковым в 1959 г.[2];

– *сопоставление с использованием*

*«масок»*, данный метод был предложен Г. Шнейкертом в 1925 г. и заключался в выделении «главных примет» исследуемых лиц с помощью передвижения по фотографиям «двух широких прямых угольников из картона»[3];

– *сопоставление с помощью наложения координатных сеток* способствует «более точному суждению о совпадении или различии размеров головы или лица в целом, а также размеров и взаиморасположения отдельных элементов и их особенностей». Данный метод был впервые предложен Н.Д. Вороновским в 1931 г. Он использовал его не только для установления совпадения или различия мест нахождения «одинаковых особенностей лица», но и для иллюстрации совмещения основных элементов, расчерченных на квадраты[4];

– *сопоставление относительных величин* – метод, который позволяет сравнивать отдельные пропорции лица. Значение состоит в том, что процесс сравнения значительно материализуется: представление о сопоставимости признаков внешности конкретизируется измерением и вычислением, изучение различий и совпадений облегчается тем, что они получают цифровое выражение, этот метод впервые подробно был описан В.А. Снетковым в 1959 г.[5];

– *сопоставление биологической асимметрии* проводят с целью установления ее совпадения или различия у сфотографированных лиц. Впервые метод подробно был описан Н.В. Терзиевым в 1949 г.[6];

– *сопоставление с помощью аппликаций (композиций)* применяется в тех случаях, когда на исследуемых фотоснимках изображено одно и то же лицо в разных состояниях внешности, например на одном – с усами, на другом – без усов, а также в случаях изображения на фотоснимках лиц с разными видами причесок. Этот метод был предложен еще в 1912 г. К. Г. Прохоровым, который предлагал «не пересаживать» недостающие одному изображению некоторые элементы внешности (усы, борода), а закрывать их вырезанной по контуру маской из бумаги[7].

**К методам совмещения** относятся совмещение исследуемых изображений по прямым линиям и совмещение по ломаным линиям.

**Методы наложения** применяются в случае исследования однаракурсных изображений.

Из математических методов сравнения, кроме некоторых вышеуказанных, которые уже стали традиционными, в криминалистическом учении о внешнем облике человека разработаны также проективно-геометрический метод, метод угловых измерений признаков лица и аналитический метод идентификации личности по фотоизображениям.

**Проективно-геометрический метод** предложили Р. Э. Эльбур и Н. С. Полевой. Он состоит в том, что фотографические изображения лиц представляются в виде геометрических фигур, основанных на определенной совокупности константных точек. При несложных графических построениях в случаях исследования одного и того же лица лучи, соединяющие проекции этих константных точек, должны пересекаться в одном месте, при отсутствии тождества – в разных местах[8].

**Метод угловых измерений признаков лица** предложил Н.В. Завизист. Он заключается в измерении нескольких углов (8–10), как на анфасных, так и на профильных фотоснимках, образованных, с одной стороны, линией, соединяющей какую-либо выбранную константную точку лица и точку оси кругового транспортира, а с другой – медиальной линией лица[9].

**Аналитический метод идентификации личности по фотоизображениям** разработан Н. С. Полевым. Основан он на сопоставлении абсо–лютных отрезков между различными точками одного изображения лица и соответствующих отрезков на изображении другого лица с учетом ракурса съемки[10].

В основном в процессе сравнительного исследования эксперт использует методы поочередно, т.е. сначала сравнение проводится с использованием одного метода, затем применяется другой и т. д. В результате чего с учетом выявленных совпадений эксперт применяет всего три или четыре метода. Конечно, в теории не дано точного количества применения методов для установления тождества. Но практика показывает, что чем больше методов использовал эксперт при сравнительном исследовании, тем выше была у него внутренняя убежденность в правильности вывода.

Также для точного вывода по идентификации личности можно совместить два или три уже примененных метода или те, которые эксперт первоначально не использовал. Например, если после очередности применения таких методов, как сопоставление, наложение и совмещение, дополнительно применить одновременное использование методов (метод сопоставления с помощью аппликаций, метод сопоставления с помощью наложения координатных сеток и метод установления совпадения по точкам), то получится еще один дополнительный метод, с новым названием «одновременное использование трех методов сравнения», вот тогда выйдет вполне адекватная картина сопоставимости. Ну и конечно, для наглядности все примененные методы обязательно нужно проиллюстрировать, не забывая основные требования оформления фототаблиц.

Таким образом, в каждом конкретном случае производства портретной экспертизы нужно выбирать те методы сравнения, которые позволят в полном объеме проанализировать и дать объективную оценку всем совпадающим и различающимся признакам. Правильно примененные и в достаточном количестве для внутреннего убеждения эксперта методы сравнения являются гарантией достоверности выводов эксперта при производстве криминалистических портретных экспертиз.

---

[1] Габитоскопия и портретная экспертиза: Практикум / Под ред. А. М.Зинина. – М., 2010. – С.65–67.

[2] *Снетков В. А.* Габитоскопия: Учебник. – Волгоград, 1979; *Сабиров Х. А.* Технико-криминалистическое обеспечение расследования преступлений: Учебное пособие. – Краснодар, 2013. – С. 89.

[3] *Шнейкерт Г.* Учение о приметах для опознавания. – М., 1925. – С. 6–143; *Сабиров Х. А.* Технико-криминалистическое обеспечение расследования преступлений: Учебное пособие. – Краснодар, 2013. – С.89.

[4] *Пичугин С. А.* Система методов комплексного криминалистического исследования внешнего облика человека, ориентированная на экспертную деятельность // Вестник Московского университета МВД России. – 2015. – № 1. – С.152–155.

[5] *Снетков В. А.* Габитоскопия: Учебник. – Волгоград, 1979; *Сабиров Х.А.* Технико-криминалистическое обеспечение расследования преступлений: Учебное пособие. – Краснодар, 2013. – С. 89.

[6] *Моисеева Т. Ф.* Методы и средства экспертных исследований: Учебник. – М., 2006. – С. 95.

[7] Там же.

[8] Габитоскопия и портретная экспертиза: Учебно-методическое пособие / Под общ. ред. А. М. Зинина. – Саратов, 2004. – С.48–54.

[9] *Зинин А.М.* Габитоскопия и портретная экспертиза: Курс лекций. – М., 2002. – С.116 –118.

[10] Габитоскопия и портретная экспертиза: Практикум / Под ред. А.М. Зинина. – М., 2010. – С.65–67.

***Эгамбердиев Эминжон,***
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси*
*фуқаролик-ҳуқуқий фанлари кафедраси профессори, юридик фанлар доктори;*
***Турсунов Зокир Махамаджанович,***
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси*
*фуқаролик-ҳуқуқий фанлари кафедраси катта ўқитувчиси*

# НИКОҲ ТУГАТИЛИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Аннотация**. Мақолада никоҳ ва унинг тугатилиши асослари, никоҳдан ажратиш тартиби, никоҳдан суд тартибида ажратиш ва унинг асослари, никоҳдан ФҲДЁ органларида ажратиш, никоҳдан ажратилганда эр-хотин фамилияларининг ўзгариши, никоҳдан ажратилганда уни тугаш вақти ва ажратилган никоҳнинг тикланиши билан боғлиқ ҳуқуқий масалалар таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар**: никоҳ, никоҳдан ажратиш, эр ва хотин, никоҳдан ажратиш тартиби, ажратиш асослари, никоҳнинг тугатилиш вақти, никоҳнинг тикланиши.

## ПРАВОВЫЕ ОСНОВАНИЕ ПРЕКРАЩЕНИЯ БРАКА

**Аннотация.** В данной статье проанализированы правовые вопросы, связанные с браком, основания его прекращения, порядок расторжения брака, расторжение брака в судебном порядке и его основания, расторжение брака органами записи актов гражданского состояния, изменение фамилий супругов при расторжении брака, момент прекращения брака при его расторжении, восстановление брака.

**Ключевые слова**: брак, прекращение брака, супруги, порядок расторжения брака, основания для расторжения брака, момент прекращения брака, восстановление брака.

## TERMINATION OF MARRIAGE AND ITS FOUNDATIONS

**Annotation.** The article deals with the legal issues connected with termination of marriage and its foundations, order of dissolve a marriage, dissolution a marriage in court and its foundations, annul a marriage in Registration of marriage of citizens bodies, changing of surnames of married couple after dissolution a marriage, time of termination of dissolution a marriage and renew a dissolved marriage.

**Keywords:** marriage, dissolution a marriage, married couple, order of dissolve a marriage, basics of annul a marriage, time of termination of dissolution a marriage, renew a dissolved marriage.

Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилиги нормалари билан ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинадиган асосий масалалардан бири никоҳнинг тугатилишидир. «Никоҳ» арабча сўздан олинган бўлиб, *қўшилиш, бирлашиш* маъноларини билдиради. Никоҳ – оила қуришни асосий мақсад қилиб олган йигит билан қиз ёки эркак билан аёл томонидан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идорасига никоҳланиб олиш учун биргаликда берган аризасига асосан ФҲДЁ органида махсус тарзда расмийлаштирилган, бир умрга тузилган аҳдномадир.

Никоҳ асосида оила қурганлар ўз аҳдномаларига содиқ бўлиб қолган ҳолда, оилани

умрларининг охиригача бир-бирларига меҳрибон, ғамхўр, садоқатли бўлиб, оиласини фаровон қилиб, фарзандларини келажакда ота-онаси, қариндош-уруғлари ва Ватанига содиқ, комил инсон қилиб тарбиялаб, ҳаёт кечиришлари керак. Чунки оиланинг асоси бўлмиш никоҳ ва унинг асосида қурилган оила, бир ёки ўн йилга эмас, бир умрга тузиладиган иттифоқ саналади.

Шундай экан, ҳар қандай жамият ва давлатнинг эртанги куни қандай бўлишини ҳал қилувчи куч бўлган ёш авлодни етиштирадиган муқаддас оилани вужудга келтиришнинг ҳуқуқий асоси ва пойдевори бўлган никоҳнинг бекор қилиниши, унинг асосида вужудга келган, муқаддас ҳисобланган, тарбия ўчоғи бўлмиш оиланинг барҳам топиши ва эр-хотиннинг ажралиб кетишидан жамият ҳам, давлат ҳам манфаатдор бўлмайди. Аксинча, жамият ва давлат оиланинг мустаҳкамлигидан, ундаги соғлом турмуш тарзи, ижтимоий муҳитнинг яхшилигидан манфаатдор бўлади. Зеро, инсон ижтимоий шахс сифатида, аввало, оилада шаклланади.

Оиладан ташқари инсонларнинг ижтимоий жихатдан шаклланишида муҳим ўрин тутадиган бир қатор тарбия масканлари бор. Жумладан, мактабгача тарбия масканлари, боғчалар, ўрта ва махсус таълим мактаблари, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари. Бу тарбия масканлари ёшларни тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Шундай бўлса-да, улар ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда оиланинг ўрнини боса олмайди.

Бу тарбия масканларида ёшларни тарбиялаш маълум муддат билан чекланган бўлади. Оиладаги тарбия эса муддатсиз хусусиятга эга, яъни ота-она фарзандларининг тарбияси билан, уларни катта-кичикка ажратмай, умрининг охиригача шуғулланади.

Никоҳнинг бекор қилиниши унинг асосида вужудга келган ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашнинг асосий маскани бўлган бошқа тарбия масканлари орасида энг юқори мақомга эга бўлган, авлодларнинг бардавомлигини таъминлайдиган, урф-одатларимизни сақлайдиган асосий тарбия маскани бўлмиш муқаддас оиланинг барҳам топишига олиб келади.

Эр-хотин тириклигида оиланинг барҳам топиши нафақат оиланинг, балки жамият ва давлатнинг ҳам илдизига болта уришдир. Оиланинг бузилиши жуда кўп салбий оқибатларга олиб келади.

Масалан, вояга етмаган, моддий ёрдамга муҳтож фарзандларнинг ота ёки она меҳридан маҳрум бўлиб қолишлари, баъзида ота-онаси тирик бўлгани ҳолда меҳрибонлик уйларига жойлаштирилиши уларга тегишли органлар томонидан васий ёки ҳомий тайинлаш масаласини келтириб чиқаради.

Албатта, оиланинг барҳам топиши оқибатида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар кўчада қолмайди, давлат уларни ўз бағрига олади, тарбияси билан шуғулланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасига мувофиқ, ота-оналар болаларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Жамият ва давлат етим қолган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг моддий таъминоти, уларга таълим-тарбия берилишини кафолатлайди, уларга нисбатан хайрия фаолиятини тақдирлайди. Бу ҳолат республикамизда давлат томонидан ота-онасидан етим қолган, шунингдек уларнинг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан ниҳоятда катта эътибор берилаётгани ва ғамхўрлик қилинаётганининг ёрқин ифодасидир.

Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан оилаларнинг тинчлиги ва оила аъзоларининг фаравон ҳаёт кечиришлари учун, айниқса ёш оилаларга берилаётган ёрдамга қарамасдан, оилаларнинг никоҳдан ажралиш орқали барҳам топаётгани жуда ачинарли ҳолдир. Никоҳни бекор қилиш оқибатида асосий тарбия маскани бўлган оилалар бузилиб, эр ва хотиннинг ажралиб кетишлари камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Бунинг олдини олиш учун республика Хотин-қизлар

қўмитаси ташаббуси билан ҳар бир маҳаллада оилада эр-хотинни яраштириш комиссиялари ташкил қилинган. Улар томонидан қатор ишлар олиб борилмоқда.

Фикримизча, бу ишларни амалга оширишда кенг жамоатчилик вакилларини, айниқса маҳаллаларда истиқомат қилаётган, катта ҳаёт тажрибасига эга, обрўли оқсоқолларни жалб қилиб, никоҳдан ажрашмоқчи бўлганларни ота-оналари иштирокида муҳокама қилиш лозим.

Оиланинг никоҳни тугатиш орқали барҳам топиши, эр ва хотиннинг ажралиб кетиши – катта фожиа. Бу оиладаги фарзандларнинг етим бўлиб қолишига, тарбияси бузилишига сабаб бўлади, ўсиб-улғайишларида маълум қийинчиликлар келтириб чиқариши билан бирга, таъкидлаганимиздек, жамият, қолаверса, давлатнинг илдизига болта уриш билан баробардир. Чунки жамият ва давлат ўз ҳудудидаги оилаларнинг йиғиндисидан иборат.

Юқорида кўриб чиқанимиздек, никоҳ – никоҳланувчилар ўртасида янги оилани вужудга келтирувчи ягона асос. Шу билан бирга, никоҳдан ажратиш, ўз навбатида, никоҳ асосида вужудга келган оиланинг барҳам топишига ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Бу борада никоҳдан қонуний ажралиш йўллари ва уни тугатиш асосларини билиб олиш жуда муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 37–48-моддаларида никоҳ тугатилишининг асослари ҳамда уни бекор қилиш йўллари ва бунинг ҳуқуқий оқибатлари кўрсатилган.

Никоҳ оила қуришга аҳд қилган йигит билан қиз ёки эркак ва аёл ўртасида бир умрга тузилган иттифоқ бўлганлиги учун никоҳ асосида оила қурган эр ва хотин умрларининг охиригача оилада бир-бирларига меҳр қўйиб, фарзандлар қуршовида бирга яшаб, никоҳ асосида вужудга келган оиланинг барҳам топишига йўл қўймасдан, оиладаги нуқсон ва камчиликларни бирга ликда ҳал қилиб боришлари керак. Эр-хотин ўртасидаги никоҳ улардан бири вафот этгунига қадар давом этиши лозим.

Аммо, афсуски, ҳамма вақт ҳам шундай бўлмайди. Ҳаётнинг айрим қийинчиликларига бардош беролмаган, сабр-тоқатсиз, қаноатсиз, бўлар-бўлмас гапларга ишонувчан эр-хотинлар, кўпинча эрлар арзимас сабабларга кўра никоҳдан ажратиш тўғрисида суд ёки ФҲДЁ идорасига даъво аризаси ёки ариза билан мурожаат қиладилар.

Муқаддас оиланинг асоси бўлган никоҳ ҳеч қачон ўз-ўзидан тугамайди, унинг тугатилиши учун маълум асослар бўлиши керак. Оила кодексининг никоҳ тугатилишининг асосларига бағишланган 37-моддасида кўрсатилишича, «эр-хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши оқибатида никоҳ тугайди», яъни барҳам топади. Бундан ташқари, никоҳ эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш йўли билан, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр ёки хотиннинг васийси берган аризасига мувофиқ тугатилади[1].

Никоҳ икки усулда, яъни: а) суд йўли билан ҳамда б) ФҲДЁ идоралари томонидан бекор қилинади. Оила кодексининг 38-моддаси «Никоҳдан ажратиш тартиби» деб номланган. Унга кўра, «никоҳдан ажратиш суд тартибида, ушбу Кодекснинг 42 ва 43-моддаларида назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида амалга оширилади». Аммо, никоҳ – оила қурувчи бўлажак эр ва хотин биргаликда ФҲДЁ идорасига берган аризасига асосан ФҲДЁ идорасининг мудири томонидан махсус бланкларда қайт этилади. Масалан, оиладаги ижтимоий-руҳий муҳитнинг яхши эмаслиги, эр-хотин ўртасида шахсий муносабатларнинг бузилганлиги, бир-бирини ҳурмат қилмай қўйиши, камситиши, бир-бирига нисбатан ишончнинг йўқолиши, эр ёки хотиннинг хиёнат қилиши, баъзан туҳмат ва бошқалар.

Шунинг учун суд никоҳдан ажратиш

тўғрисидаги ишни кўриб ҳал қилишни кейинга қолдириб, эр-хотин ярашиб кетишлари учун тайинланган муддатда улар ярашиб кетмаган бўлсалар, суд никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни суд мажлисида мазмунан кўриб ҳал қилишда эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшаши ва оилани сақлаб қолишига ҳеч қандай имкон йўқ деб топсагина ҳал қилув қарори чиқариб, уларни никоҳдан ажратади (ОК 41-модда).

*Никоҳдан ажратишнинг иккинчи йўли* буни фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идораларида амалга ошириш ҳисобланади, яъни никоҳни суд йўли билан эмас, балки маъмурий тартибда ажратишдир.

Эр ва хотин ўртасида тузилган никоҳдан ажратишда эр ва хотиннинг ўзаро розилиги бўлганида уларнинг биргаликдаги аризаси ҳамда эр ва хотиндан бирининг аризаси бўйича ФҲДЁ идораларида ажратиш масалаларига эътибор қаратиш керак, чунки булар ўртасида маълум тафовутлар бор. Улар асослари билан ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Агар никоҳдан ажрашмоқчи бўлган эр ва хотин ўртасида вояга етмаган фарзандлари бўлмаса ҳамда эр ва хотин никоҳдан ажрашга рози бўлса, уларнинг биргаликда берган аризаси бўйича уларнинг никоҳдан ажрашиш тўғрисидаги иши судда эмас, ФҲДЁ идораларида кўриб ҳал қилинади.

Аммо «агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкини бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибида ажратилади». Бунинг учун эр ва хотин ёки улардан бири никоҳдан ажратиш тўғрисида ФҲДЁга эмас, судга даъво аризаси билан мурожаат қилади. Чунки даъво иши, яъни низоли иш ФҲДЁга эмас, судга тааллуқли бўлади. Эр-хотиннинг биргаликда берган аризасидан ташқари, эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича ФҲДЁ органларида никоҳдан ажратиш масалалари ОКнинг 43-моддасида кўрсатилган.

Ушбу моддадага асосан, а) эр ва хотиндан бири суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса, б) суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, в) содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, булар бир томоннинг аризаси бўйича ФҲДЁда никоҳдан ажратиш учун асос бўлади. Ушбу асослардан бири мавжуд бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади.

Агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг никоҳ давомида ортирган биргаликдаги умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш тўғрисида низо мавжуд бўлса, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш ФҲДЁ органларига тааллуқли бўлмай, судга тааллуқли бўлади. Бундай ҳолларда суд никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни суд мажлисида мазмунан кўриб ҳал қилиб, никоҳдан ажратиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаради.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарорни чиқариш вақтида суд қуйидаги масалаларни ҳал қилиши керак:

а) эр ва хотиннинг вояга етмаган болалари улардан қайси бири билан қолиши ва яшаши, болаларга ёки меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эр ёки хотинга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби ва унинг миқдори ёхуд эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишга доир улар ўртасида тузилган келишувларни кўриб чиқиш;

б) Оила кодекси 44-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган масалалардан бири – эр ва хотин ўртасида умумий мулкни бўлиш тўғрисида келишув тузилган ёки

тузилмаганлигини текшириш. Агар суд бу ҳақда тузилган келишув болалар ёки эр ва хотиндан бирининг манфаатларига зид эканлигини аниқласа, никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган бола ота-онанинг қайси бири билан яшашини аниқлаб олиши, вояга етмаган болаларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдорда алимент ундирилишини, эр ва хотиннинг ёки улардан бирининг талаби бўйича уларнинг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкни бўлиш; эр (хотин)дан таъминот олишга ҳақли бўлган хотин (эр)нинг талабига кўра ана шу таъминот миқдорини белгилаш; мол-мулкни бўлиш учинчи шахсларинг манфаатларига дахлдор бўлса, суд мол-мулкни бўлиш талабини алоҳида иш юритиш учун ажратиб, суд мажлисида кўриб ҳал қилиши лозим бўлади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни суд кўраётганида никоҳ тўйини ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундириш тўғрисида талаб қўйилган бўлса, бундай талабни суд қаноатлантирмаслиги керак. Бу ҳолат ОК 44-моддасининг охирги қисмида кўрсатилган.

Суд никоҳдан ажратиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаришда давлат божи миқдорини Оила кодексининг 45-моддасида кўрсатилган тартибда белгилайди. Ушбу моддада кўрсатилишича, суд никоҳдан ажратиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариш пайтида никоҳдан ажратиш тўғрисида ФҲДЁ органининг гувоҳномаси берилаётганида эр-хотиннинг ҳар иккаласи ёки улардан бири тўлайдиган давлат божи миқдорини белгилаб бериши керак. Агар суд бу бож эр-хотиннинг ҳар иккаласидан ундирилиши лозим деб топса, уларнинг ҳар бири тўлайдиган бож миқдорини ҳал қилув қарорида кўрсатиши керак.

Никоҳга кириш вақтида ўз фамилиясини ўзгартирган эр (хотин) никоҳдан суд ёки ФҲДЁ идораларида ажрашганидан кейин ҳам шу фамилияда қолишга ҳақли: хоҳласа шу фамилияда қолиши, хоҳласа никоҳга киргунга қадар бўлган ўз фамилиясига ўтиши мумкин. Фамилияни ўзгартириш уларга берилган шахсий ҳуқуқлардан бири ҳисобланади.

Никоҳдан ажратишга оид масалалардан яна бири – *никоҳни тугатиш вақти*. Никоҳдан ажратилганда никоҳнинг тугатилиш вақтини билиш муҳим. Никоҳдан ажратиш қайси усулда амалга оширилганидан қатъи назар, у ФҲДЁ идораларида рўйхатга олинган кундан бошлаб тугатилган ҳисобланади (ОК 47-моддаси).

Никоҳдан ажратиш масалаларидан яна бири – *никоҳни тиклаш*. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни суд ўз мажлисида мазмунан кўриб ҳал қилиб, никоҳдан ажратиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори чиқарганлиги эр ва хотин ўртасидаги никоҳ тугатилганлигини билдирмайди. Суднинг ушбу ҳал қилув қарори бўйича никоҳдан ажратилганлиги, ФҲДЁ идораларида рўйхатга олинган кундан эътиборан тугатилган ҳисобланади.

Суд томонидан вафот этган деб эълон қилинган ёки бедарак йўқолган деб топилган эр (хотин) қайтиб келса ва суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинган бўлса, эр ва хотин ўртасидаги никоҳ тикланадими ёки йўқми деган савол ҳаммани қизиқтиради. Бу масалага Оила кодексининг 48-моддасида аниқ жавоб берилган. Унга асосан, суд томонидан вафот этган деб эълон қилинган ёки бедарак йўқолган деб топилган эр (хотин) қайтиб келган ва тегишли суд қарорлари бекор қилинган тақдирда никоҳ эр-хотиннинг биргаликдаги аризасига кўра ФҲДЁ идоралари томонидан тикланиши мумкин. Бу борада яна шуни айтиш керакки, агар эр (хотин) никоҳдан ажралгандан кейин янги никоҳга кирган бўлса, ажратилган никоҳни қайта тиклашга йўл қўйилмайди.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.–Т.: Адолат, 2018.– Б.18

***Одилқориев Ҳожимурод Тўхтамуродович,***
*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази кафедраси мудири, юридик фанлар доктори, профессор*

# ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИДА ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТЧИЛИК БЕЛГИЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада давлатимизнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиатини ифодаловчи конституциявий қоидалар ва бундай давлат шаклланишининг амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Ижтимоий давлатнинг моҳияти, функциялари ва хусусиятлари ёритилган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат ҳамда ижтимоий ислоҳотларнинг самараси аниқ мисоллар асосида кўрсатилган.

**Таянч сўзлар:** конституция, ижтимоий давлат, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, муносиб турмуш шароити, давлат ва жамиятнинг ғамхўрлиги.

**ЧЕРТЫ СОЦИАЛЬНОЙ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ В КОНСТИТУЦИИ УЗБЕКИСТАНА**

**Аннотация**. В статье анализируются конституционные нормы, характеризующие социально-правовую природу нашего государства, и практические аспекты формирования такого государства. Освещены сущность, функции и особенности социального государства. На конкретных примерах показываются эффективные результаты проводимой в стране социальной политики и социальных реформ.

**Ключевые слова:** конституция, социальное государство, социальная справедливость, гуманность, достойные условия жизни, забота государства и общества.

**FEATURES OF SOCIAL STATE IN THE CONSTITUTION OF UZBEKISTAN**

**Annotation**. The article analyzes the constitutional norms that characterize the socio-legal nature of our state, and the practical aspects of the formation of such a state. The essence, functions and features of the social state are consecrated. The concrete actual examples show the effective results of the country's social policy and social reforms.

**Keywords**: Constitution, social state, social justice, humanity, decent living conditions, concern of the state and society.

Ижтимоий адолат принциплари ва демократия мезонлари асосида амалга ошириладиган давлат ҳокимияти халқ манфаатини ифода этиб, жамиятни бошқариш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи яратувчанлик, бунёдкорлик омили (ижодкор куч) сифатида майдонга чиқади. Давлат жамият тараққиётига ижтимоий-сиёсий йўналиш бериб, унга яхлитлик, жамулжамлик ва барқарорлик бахш этади. Мамлакатимизда давлат органларининг халқ манфаатига бўйсундирилганлиги конституциявий принцип сифатида мустаҳкамланиб, улар фаолиятининг асосий мезони сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, мамлакатимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган мураккаб ва шарафли

йўл, эришган юксак марралар Бош қомусимиз – Конституциянинг ҳаётбахш кучи ва улкан салоҳиятидан далолат беради. Шуни фахр-ифтихор билан эътироф этиш лозимки, «халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда»[1]. У жамият миқёсида эришилган ўзига хос ***ижтимоий келишув*** маҳсули бўлиб, аввало, давлат ҳокимиятининг ваколатларини инсон ҳуқуқлари кўламига мос тарзда меъёрлашга имкон бериб, шу орқали ҳокимият билан фуқароларнинг ўзаро муносабатларини мувозанатлаш ва шаффофлаштириш вазифасини бажармоқда.

Маълумки, Конституцияда давлатнинг ижтимоий-сиёсий табиати, юридик моҳияти ҳамда демократик тавсифи ўз ифодасини топади. Асосий қонун воситасида давлат, жамият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар, узвий алоқадорлик ҳуқуқий шакл олади.

Конституция давлат қонунлари тизимида алоҳида ўрин тутади. Зеро, у юридик кучи ва тартибга солиш қамрови жиҳатидан олий даражада турувчи қонун бўлиб, мамлакат ҳуқуқий тизими эҳромида энг юксак мавқега эга. У давлат суверенитетининг юксак юридик тимсоли сифатида барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орасида шубҳасиз устуворлик қилади. Ушбу фикр Ўзбекистон Республикаси Асосий қонунининг 15–16-моддаларида конституциявий ифодасини топган.

Албатта, Конституциянинг устуворлигини таъминлашда конституциявий одил судлов, конституциявий суд назорати механизмларининг жорий қилинганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, конституциявий назорат тегишли ваколатга эга давлат органларининг махсус функцияси бўлиб, конституциявий қонунийлик, жумладан, Конституциянинг устуворлиги таъминланишига сафарбар этилган.

Халқ манфаатларига хизмат қилувчи, демократик табиатга эга давлат ўз фаолиятини тартибга солувчи Асосий қонун орқали ўз ҳукмронлигини, ҳокимиятини легитимлаштириш, қонуний расмийлаштиришда демократизм, халқ ҳокимиятчилиги (ҳокимиятнинг асосий манбаи халқ эканлиги), ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий плюрализм, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги, ижтимоий адолат, ҳокимиятлар тақсимланиши, қонунийлик, қонун ва суд олдида барчанинг тенглиги, миллий қонунчиликнинг умум эътироф этган халқаро принцип ва стандартларга мослиги каби принципларга таянади.

Конституция давлатнинг халқ билан юридик боғланишини ифодалайди, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб, жамият аъзоларининг бирдамлигини таъминлашга хизмат қилади. Айни вақтда, давлат, *биринчидан,* Конституциянинг амалга оширилиши, унинг талабларига қатъий риоя этилиши чораларини кўради; *иккинчидан,* тегишли ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни, унинг ижросини таъминлаш бўйича зарур қонунчилик базаси ва институционал инфратузилмаларни (назорат институтларини) яратади; *учинчидан,* Конституциянинг устуворлигини ҳамда ишончли муҳофазасини таъминлайди (хусусан, Конституциявий судни шакллантириш ва фаолиятини йўлга қўйиш орқали).

Дарҳақиқат, Конституция тараққиётимизнинг ҳозирги янги инновацион ривожланиш босқичидаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган турмуш шароити яратиш, иқтисодиётимиз равнақи, энг муҳими, ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишдек олижаноб мақсадларимизнинг кафолати ва ҳуқуқий пойдевори сифатида барчамизни янада юксак марраларга руҳлантирадиган беқиёс қудрат манбаи сифатида майдонга чиқмоқда.

Асосий қонунда халқимизнинг демократия ҳамда ижтимоий адолат ғояларига қатъий ишончи ва садоқати мустаҳкамланган. Зеро, халқимиз ҳаётий тажрибасига, миллий ва маданий анъаналарига, барча фуқаролар ва турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларига мос келадиган асл демократияни қарор топтириш ҳамда ижтимоий адолат принципларига таянган давлат барпо этиш улкан сиёсий аҳамиятга молик вазифадир.

Илмий манбаларда кенг тарқалган талқинга биноан, ижтимоий давлат – энг аввало, ижтимоий адолат ҳақида, ўз фуқароларининг фаровонлиги, ижтимоий ҳимояланганлиги ҳақида ғамхўрлик қиладиган давлатдир. Бундай давлат эркинликни таъминлаш вазифасини аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари (ишсизлар, меҳнат қобилиятини йўқотганлар, боқувчисидан ажралганлар, ногиронлар ва бошқалар.)ни ижтимоий ҳимоялаш билан қўшиб олиб боради.

«Ижтимоийлик»нинг асосий шарти – инсон шахсига, унинг шаъни, қадр-қиммати ва эркига асраб-авайлаб муносабатда бўлиш. Давлатнинг моҳияти унинг фаолият йўналишларида мужассамлашади ва намоён бўлади. Маълумки, давлат фаолиятининг муайян қисмини ижтимоий вазифаларни бажариш ташкил этади. Фаолиятининг мазмунини ана шундай вазифалар ташкил этган демократик давлатлар ижтимоий давлат саналиши мумкин. Ижтимоийлик, аввало, адолат, яъни кўпчиликнинг манфаатига мувофиқликдир; иккинчидан, инсонлар ҳамжиҳатлиги, ўзаро хайрихоҳлигининг ифодасидир. Шунга кўра, ҳаётни адолатлироқ қиладиган ҳар қандай қоида, ҳар қандай қонун, ҳар қандай тартиб том маънода ижтимоийдир.

Ижтимоий (социал) давлат, профессор В.М.Баглайнинг фикрича, фуқароларнинг иш билан таъминланишига шароит яратадиган, умумий даромадни бюджет орқали қайта тақсимлайдиган, одамларга турмуш кечириш учун зарур энг қуйи даражани таъминлайдиган, кичик ва ўрта мулкдорларнинг кўпайишига кўмаклашадиган, ёлланма меҳнатни муҳофаза қиладиган, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш ва оила хусусида ғамхўрлик қиладиган, ижтимоий таъминотни мунтазам яхшилаб борадиган давлатдир[2].

Конституция давлат учун аниқ ижтимоий дастурни белгилаб бермаса-да, шубҳасиз, унда давлат сиёсатининг конституциявий-ҳуқуқий асослари акс этади. Бунда давлат сиёсатининг икки муҳим жиҳатини назарда тутиш лозим. *Биринчиси* фуқароларга муносиб ҳаёт кечириши ва инсоннинг эркин ривожланиши учун шарт-шароит яратилишида, яъни меҳнат ва соғлиқнинг муҳофаза қилиниши, иш ҳақининг энг кам миқдори белгиланиши, ишсизликнинг олди олиниши кабиларда ифодаланади. *Иккинчиси* – аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш, оилани, оналик, оталик ва болаликни муҳофаза қилиш, ногирон ва қарияларга ғамхўрлик кўрсатиш ва бошқалар. Ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш, давлат пенсиялари, нафақалар ва бошқа ижтимоий ҳимоя кафолатларини белгилаш кўзда тутилади[3].

Ижтимоий давлатни тавсифловчи ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан таркиб топади: меҳнатни ва одамлар соғлиғини муҳофаза қилиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини кафолатлаш, оилани, оналик, оталик ва болаликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ногиронлар ва кексаларга ғамхўрлик қилиш, ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш, давлат пенсияларини, бошқа тўлов ва нафақаларни белгилаш, ижтимоий ҳимояни кафолатлаш ва ҳ.к. Демак, биз назарда тутаётган маънодаги давлат ижтимоий йўналтирилган сиёсат юритиши, ижтимоий (шу жумладан, мулкий) тенгсизликни ижтимоий адолат

талаблари асосида мувозанатлаштириши, ижтимоий ривожланишда мўътадиллик ва барқарорликни таъминлаши лозим.

Бироқ, ижтимоий давлатни патерналистик давлат[4] билан айнанлаштириш ўринсиз бўлади. Давлат жамият ва инсонларнинг барча эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаб беради, деб умид қилиш тўғри эмас. Давлат ҳамма нарсани муҳайё қилади, мурувват манбаи бўлади, дея боқимандаликка берилиш ҳам маъқул эмас.

Ижтимоий давлат учун ижтимоий тенглик, умумий ҳамжиҳатлик ва ўзаро масъулият принципларини ҳуқуқ орқали мустаҳкамлаб, юксак ижтимоий тараққиётни таъминлаш бош вазифа ҳисобланади. Бундай давлат жисмонан заиф инсонларга кўмаклашади, иқтисодий (моддий) бойликларни ижтимоий адолат принципи асосида тақсимлаб, ҳар бир инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга интилади[5].

Инсон ўз эҳтиёжларини қондириши, муносиб ҳаёт кечиришига етадиган маблағга эга бўлиши учун иш билан таъминланган бўлиши лозим. Шу боис ижтимоий давлат, аввало, шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди, ишсизликнинг олдини олади, иш ўринлари яратади, жамият ёрдамига муҳтожларни, ногиронларни пенсия ва бошқа нафақалар билан таъминлашни ўз зиммасига олади. Республикамиз Конституциясида демократик мамлакат шароитида ҳуқуқий ижтимоий давлат имкон қадар барча фуқароларнинг ривожланиши учун тенг шароитлар яратилишида кўмаклашиши ва ҳаёт машаққатларини имкон қадар тенг тақсимлаши назарда тутилган.

*Ижтимоий давлатнинг мақсадларига эришиш,* ижтимоий сиёсат услубларидан ташқари, тегишли қонунчилик яратилиши ва маъмурий-ташкилий тузилмалар вужудга келтирилишини ҳам тақозо этади. Бу эса иқтисодиётда таркибий ислоҳотлар ўтказилиши ва сиёсий тизимнинг либераллаштирилишини талаб қилади. Жамиятдаги сиёсий куч ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида муросага эришиш, ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳар қандай ҳукумат даврида ҳам ижтимоий сиёсатни равон юритишга, турли ижтимоий инқирозларнинг олдини олишга шароит яратади.

Конституциямизнинг мазмун-моҳияти Ўзбекистонни ижтимоий йўналтирилган, инсонпарвар ҳамда ижтимоий табиат ва моҳиятга эга давлат сифатида эътироф этиш имконини беради. Асосий қонунимизнинг муқаддимасида республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш давлатнинг асосий мақсади сифатида белгиланган. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги қайд этилган (2-модда). Ушбу конституциявий қоида давлатдан жамият ва фуқаролар олдидаги ижтимоий мажбуриятларини тўла-тўкис бажаришини талаб қилади.

Асосий қонунимизда мустаҳкамланганидек, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб, ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. Ижтимоий адолат принципига урғу берилиши, давлатга, унинг барча органлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шахсни ҳурмат қилиш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахсларнинг мажбурияти ҳисобланади (Конституциянинг 30-моддаси).

Конституцияда ижтимоий давлатга хос қуйидаги нормалар мустаҳкамланган: ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир (37-модда). Ушбу конституциявий талабни бажариш мақсадида 1998 йил 1 майда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»

қонун қабул қилинди. Кейинчалик (2018 йил 16 октябрда) «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида» қонун яратилиб, жойларда ишсизларни иш билан таъминлаш фаолияти йўлга қўйилди.

Ижтимоий табиатга эга давлатимиз ҳар кимга қариганида, меҳнат лаёқатини йўқотганида, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганида ва қонунда белгиланган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини кафолатли таъминлайди. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас (Асосий қонуннинг 39-моддаси).

Ижтимоий соҳанинг муҳим йўналишларидан бири аҳоли соғлиғини сақлаш тизимини жорий этишдир. Конституциямизда ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимизда аҳолининг саломатлигини янада яхшилаш бўйича муҳим амалий дастурлар қабул қилинмоқда. Президент Фармони билан «2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси» қабул қилинди. Ҳозирги кун талаби бўлган хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Кўрилган чоралар туфайли 2018 йилнинг ўзида 400 дан ортиқ хусусий тиббиёт масканлари ташкил этилди. Аҳолига кафолатланган тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш мақсадида келгусида мажбурий тиббий суғурта тизими жорий этилиши режалаштирилган.

Конституциямизда умумбашарий мазмундаги қадриятлар ва демократик сиёсий-ҳуқуқий мафкура қонуний ифодасини топгани боис жамият ва давлат ҳаётининг изчил демократлаштирилиши, адолатли давлат бошқаруви тизими шакллантирилиши ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган. Энг муҳими, бу миллий истиқлол мафкураси, инсон қадри эъзозланадиган адолатли жамият барпо этиш мафкурасидир. Шунга кўра, ижтимоий адолат принципи, талаб ва ғояларига асосланиб, ўз фуқароларининг фаровонлиги ва ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлашга ҳаракат қиладиган давлат ижтимоий давлатдир. Бундай давлатнинг Конституцияси мўътадил ижтимоий тартибга солишни кўзлаб, жамиятда ижтимоий тотувлик, тинчлик ва барқарорлик бўлишига хизмат қилади.

Маълумки, сўнгги уч йилда «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да белгиланган вазифаларни бажара бориб, ижтимоий соҳада салмоқли ишлар амалга оширилди, ижтимоий ҳимоянинг тамомила янги модели яратилди. Ижтимоий адолатни таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож инсонлар, ногиронлиги бор шахслар тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун уларга муносиб шароит яратиш масаласи давлат органларининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Ижтимоий адолат сиёсий қарашлари, жинси, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар барча фуқароларнинг қонун олдида тенг бўлишини таъминлашдир. Бу – таълим, тиббиёт ва бошқа соҳаларда аҳоли имкониятларининг тенглиги. Бу – кафолатланган меҳнат фаолияти эркинлиги, мансаб лавозимлари бўйича кўтарилиб боришдаги имкониятлар тенглиги. Энг муҳими, бу кекса авлод вакиллари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ҳақида ғамхўрликдир[6].

Бу борадаги ижтимоий сиёсатни таҳлил этадиган бўлсак, қуйидаги рақамларда давлатимизнинг ижтимоий йўналтирилган функциялари, инсонпарвар табиати ҳам тобора яққолроқ намоён бўлиб бормоқда. Конституция ва унинг негизида яратилган ижтимоий қонунчилик тизими ҳамда ушбу қонунчилик базасини ҳаётга жорий этиш билан боғлиқ давлат функциялари йўналишларини таҳлил қилиш асосида

шундай хулосага келиш мумкинки, Ўзбекистон ўз фаолиятининг мазмунига кўра, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий давлат мартабасига тобора кўпроқ эга бўлиб бормоқда.

Давлатимизнинг ижтимоий мазмун билан йўғрилган табиати Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида баён этган ижтимоий сиёсатга оид мисолларда ҳам жонли ифодасини топган. Жумладан, аҳолининг фаровонлигини ошириш мақсадида 2018 йилда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори анча оширилди. Масалан, педагог ходимларнинг маоши сўнгги ўн йилларда илк бор 50 фоизгача кўпайтирилди. Аҳолининг реал даромади ўтган йилга нисбатан 12 фоизга ошди. Ижтимоий дастурлар доира сида 2 трлн сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2600 дан зиёд бизнес лойиҳалари амалга оширилди[11].

Маълумки, Президентнинг тегишли фармонига биноан, 2019 йил 1 январдан бошлаб ишлайдиган барча пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда (100 фоиз) тўланиши белгиланди. Шунингдек, ноги ронлиги бор болалар ва уларнинг оила аъзоларини, боқувчисини йўқотганларни 16 ёшгача ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи ҳукуматнинг доимий диққат марказидадир. Бунинг биргина мисоли: 2019 йилдан бошлаб умрини ногирон фарзандига қараш, уни парвариш қилишга бағишлаган оналар учун алоҳида ижтимоий нафақа тури жорий этилди. Ушбу тадбир жамият таҳсинига сазовор бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Юртимизда инсон капиталига эътибор кучайиб бормоқда, таълим-тарбия соҳасига сармоя сарфлашни кўпайтиришга аҳд қилинди. Болаларни мактабгача таълим тизими қамровига жалб этишни 2019 йилда 44 фоизга, кейинчалик 50 ва ундан ортиқ фоизга етказишга эришилади. Мактабгача таълим ва ўрта таълим тизимида давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари вужудга келтирилди, тегишли қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномасида «Ёшлар – келажагимиз» жамғармаси фаолия тини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2019 йилда унга 2 трлн сўмдан зиёд маблағ ажратиш ва шу орқали 50 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш вазифаси қўйилди.

Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, уни муносиб турар жой билан таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш ҳукуматнинг доимий диққат марказидаги масаладир. Айниқса, ёш оилалар учун арзон уй-жойлар қуриш, уларга имтиёзли кредитлар бериш давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ўтган йилда имтиёзли ипотека кредитлари асосида арзон уй-жойлар қуриш лойиҳалари амалга оширилди. Шаҳар ва қишлоқларда жами 3,5 млн квадрат метрдан зиёд майдонга эга бўлган намунавий ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Сўнгги икки йилда умумий майдони 1800 минг квадрат метрдан зиёдни ташкил этган арзон, барча қулайликларга эга уй-жойлар қуриб, фойдаланишга топширилди.

«Ҳаракатлар стратегияси»нинг ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишида белгиланган устувор вазифаларни бажаришга қаратилган Давлат дастурлари ижросини таъминлаш асосида, шунингдек «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб номланган 2019 йилда аҳолининг имкон қадар кенг қатламлари тирикчилик манбаи ва зарур маблағга эга бўлиши учун 370 мингта янги иш ўрни яратилди, бунинг учун жамоат ишлари жамғармасидан 106,2 млрд сўм маблағ сарфланди. «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар – келажагимиз» дастурлари доирасида 252,7 мингдан зиёд инсонлар тадбиркорлик фаолиятига жалб этилди. Айни вақтда, ишсизлик нафақаларини мунтазам тўлаш йўлга қўйилиб,

31,9 минг нафар шахсга пул маблағлари тўлаб берилди. 2019 йилда ушбу кўрсаткич 5,3 баровар ошди (2018 йилда у 6,1 минг шахсга тўланган эди). Бандликка кўмаклашиш фондидан 1,3 млрд сўм маблағ ажратилиб, 1,5 минг фуқаро иш билан таъминланди.

Мамлакатимиз аҳолисининг генофондини мустаҳкамлаш тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилашни назарда тутади. «2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси» ва Дастурида белгиланган соҳада ижтимоий адолатни таъминлаш, ёрдамга муҳтож инсонлар, ногиронлиги бор шахслар тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун муносиб шароит яратиш вазифаси давлатимиз ва жамиятимиз учун ўта долзарб, устувор аҳамиятга молик масаладир. Шунга кўра, 2019 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига 12,1 трлн сўм маблағ ажратиш режалаштирилди. Давлат бюджетидан 1 трлн сўм, шунингдек халқаро молия ташкилотлари кредитлари ҳисобидан дори-дармон ва тиббиёт буюмлари харид қилиш учун 30 млн доллар маблағ сарфланиб, 120 турдаги асбоб-ускуналар етказиб берилди.

Вилоятлардаги шифохоналар 14 та стационар ва мобиль рақамли рентген аппаратлари, 8 та магнит-резонанс томоографлари (1,5 тесла) билан жиҳозланди. Жами 581,6 млрд сўмлик (60 фоиз) ишлар бажарилиб, 33 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

2019 йилнинг тўққиз ойи мобайнида хусусий тиббий муассасалар сони 5100 тадан ошди. Ҳозир соғлиқни сақлаш хусусий секторида 15 мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари ва 13 мингга яқин шифокор-врач фаолият юритмоқда. Шу даврда 434 та янги хусусий тиббиёт муассасалари ташкил этилди. Уларнинг 129 таси, яъни 30 фоизи вилоятлар марказларидан узоқдаги ҳудудларга тўғри келмоқда. Жами лойиҳаларнинг 18 таси чет эл инвесторлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган.

Давлат ва жамиятнинг ногиронлар ва меҳнат қилиш имкони чекланган аҳоли тоифаларига ғамхўрлиги ҳам ортиб, тобора кенг кўлам ёзмоқда. 2019 йилнинг ўн ойи мобайнида ногиронлиги бўлган шахсларга жами 7,9 млрд сўмлик 9256 дона протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техника воситалари етказиб берилди. Жумладан, 4258 та ногиронлик аравачаси, 1152 та эшитиш мосламаси, 1875 та ҳасса, 856 жуфт қўлтиқтаёқ, 1133 та бошқа протез-ортопедия воситалари бепул етказиб берилган.

Республикада хотин-қизларнинг яшаш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатимизнинг доимий диққат марказида. 2019 йил июль ойида «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Республика бўйича хотин-қизларга жами 222,6 мингта иш ўрни яратилиб, уларнинг 213,2 минг нафари кафолатли иш ва маош билан таъминланди. Оғир турмуш шароитларида яшаётган хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида ҳудудий дастурлар доирасида 6,7 минг хотин-қиз иш билан таъминланди. Шу жумладан, уларнинг муайян қисми касаначиликка жалб этилиб, ўз уйида меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда. Уларга имтиёзли кредитлар, тикув машиналари, тўқув дастгоҳлари етказиб берилди.

2019 йилда 26,9 минг нафар хотин-қизнинг тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди. Шу тариқа 41,4 мингта иш ўрни яратилишига эришилди.

Хотин-қизлар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан 3300 нафар хотин-қизга 76,7 млрд сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Тижорат банклари томонидан ана шу мақсадларда

56,7 минг нафар хотин-қизга 2,4 трлн сўмлик кредит ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи Мурожаатномасида мамлакатимизда 22 мингдан зиёд онкологик касалликка чалинган беморлар борлиги айтилган эди. Ҳукумат махсус дастурларини бажариш асносида Республика ва 6 та ҳудудий онкология муассасалари жами қиймати 6,5 млн АҚШ доллари бўлган 15 та икки турдаги гамма-терапия ускуналари билан жиҳозланди.

Давлатимизнинг ижтимоий табиати ва моҳиятини намоён этувчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ, юқоридаги фактларнинг ўзи буни ёрқин кўрсатиб турибди. Таҳлилимизни давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрлари билан якунлаймиз: «Барчамиз бир нарсани тушуниб олишимиз керак: яхши яшаш учун энг аввало яхши меҳнат қилиш, ҳуқуқ ва эркинлик билан бирга, жавобгарлик ва масъулиятни ҳам чуқур ҳис этишимиз зарур. Бунга эришиш эса фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ.

Кўзланган марраларимиз қанчалик юксак ва машаққатли бўлмасин, уларга етиш учун барча имкониятларимиз мавжуд. Аждодларимиз мероси, халқимизнинг илмий ва бунёдкорлик салоҳияти ҳамда тадбиркорлик фазилати бизга бу йўлда беқиёс куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади»[12].

---

[1] *Мирзиёев Ш. М.* Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек.

[2] Қаранг: *Баглай В. М.* Конституционное право Российской Федерации. – М., 2007. – С. 137.

[3] Қаранг: Конституция Российской Федерации: комментарий / Под общ. ред. Б.Топорнина и др. – М., 1994. – С. 21.

[4] *Патернализм* (лот. «paternus» – отага тааллуқлилик) – патерналистик давлат, ўз фуқароларига «оталарча» ғамхўрлик кўрсатадиган давлат маъносида. Давлат ҳамма шарт-шароитларни яратиб беради, деб ишониш.

[5] *Козлова Е. И., Кутафин О.Е.* Конституционное право России. – М., 1999. – С.131.

[6] *Мирзиёев Ш. М.* Конституция эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Т., 2018. – Б. 30.

[7] Ўша манба. – Б. 25.

[8] *Ўша жойда.*

[9] *Мирзиёев Ш. М.* Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек.

[10] *Мирзиёев Ш. М.* Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек.

[11] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2018. – 29 дек.

[12] *Мирзиёев Ш. М.* Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Халқ сўзи. – 2018. – 8 дек.

***Асадов Шавкат Ғайбуллаевич,***
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бошқарув маҳорати кафедрасининг мудири, юридик фанлар номзоди, доцент*

# ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ – ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Аннотация.** Мақолада давлат суверенитетининг мазмуни ҳамда жамиятда тинчлик ва хавфсизликни, конституциявий ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги ўрни таҳлил қилинган. Давлат суверенитетига қарши турли шакллардаги таҳдидлар ортиб бораётган ҳозирги шароитда суверенитетнинг давлат ахборот маконининг дахлсизлиги каби янги белгисини эътироф этиш зарурлиги асослантирилган.

**Таянч сўзлар:** давлат, суверенитет, давлат ҳокимияти, давлат суверенитети белгилари, конституциявий тузум.

## ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СУВЕРЕНИТЕТ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР ОБЕСПЕЧЕНИЯ МИРА И БЕЗОПАСНОСТИ

**Аннотация.** В статье анализируется содержание и роль государственного суверенитета в обеспечении мира и безопасности, конституционного правопорядка в обществе. Исходя из того, что в настоящее время новые угрозы и вызовы суверенитету государств проявляются в различных формах, обосновывается мысль о необходимости признания такого нового аспекта обеспечения государственного суверенитета, как неприкосновенность государственного информационного пространства.

**Ключевые слова:** государство, суверенитет, государственная власть, государственный суверенитет, конституционный строй.

## STATE SOVEREIGNTY AS AN IMPORTANT FACTOR FOR SECURING PEACE AND SECURITY

**Annotation.** The article analyzes the role of state sovereignty in ensuring peace and security and the role of the constitutional order in society, as well as the content of state sovereignty. Besides, the article describes new threats and challenges increasing to the sovereignty of the state in various forms and new signs of state sovereignty as the inviolability of the state information space.

**Keywords:** state, sovereignty, state sovereignty, state power, features of state sovereignty, constitutional order.

Суверенитетга эга ҳар қандай давлат халқаро майдонда тан олинади ва дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлади. Давлат суверенитети асосида бирлашган жамиятнинг хавфсизлиги, халқнинг тинч-тотувлиги нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам тартибга солинганлиги тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда суверенитетнинг муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар «дўстона муносабатларни ривожлантириш учун зарур бўлган тинчлик, адолат ва фаровонликнинг кафили ҳисобланадиган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳурмат қилиниши (аҳамияти)ни тан олиш»[1] мажбуриятини олганлар. БМТ Устави дунёдаги барча давлатлар риоя қилиши шарт бўлган ягона халқаро ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 мартда БМТга аъзо бўлди. Кўриниб турибдики, БМТ томонидан тан олинган суверен давлатларнинг, аввало, тинчлиги ва хавфсизлиги ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

Ҳар бир давлат ўз жамиятидаги маданий ва ментал хусусиятларни мужассам этади. Ушбу хусусиятлар давлат ҳокимиятининг табиати ва манбаини, уни таъминлаш ва амалга оширишда миллий, ташкилий ва ҳуқуқий механизмлардан кенг фойдаланилишини ифодалаб, давлатни бошқа давлатдан ажратиб туради ҳамда у ҳеч бир ҳокимиятга бўйсунмайдиган мустақил ҳокимиятга эга бўлиши учун замин яратади. Бундай мустақил давлат ҳокимияти олий ҳокимият сифатида қабул қилингани учун «суверен» мақомига эга бўлади.

Ҳар қандай суверен давлат ўз ҳудудида ҳуқуқий тартибот ўрнатади. Давлат ва жамият ишларини ташкил этишда, давлат ҳокимиятини амалга оширишда инсон ва фуқаро манфаатларининг устуворлиги асосий қонун бўлмиш Конституция билан таъминланади. Мамлакатда конституциявий-ҳуқуқий тартибот Конституция билан ўрнатилади. Суверенитетни таъминлашдан мақсад мавжуд ҳуқуқий тартибот ҳамда конституциявий тузумни сақлашдир.

***Конституциявий-ҳуқуқий тартибот*** барча ҳуқуқ субъектлари томонидан давлат, жамият ва шахс ўртасидаги алоқаларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари билан ўрнатилган конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар тизимидир. Конституциявий-ҳуқуқий тартибот замонавий давлатларнинг тузилиши ва бошқарув тизимини ифодалайди.

***Конституциявий тузум*** – «Конституцияда ўз аксини топган ҳамда жамият ва давлат ҳаётида амалда мавжуд бўлган ҳаёт тарзи». Ўзбекистоннинг конституциявий тузумига халқ ҳокимиятчилиги (халқ суверенитети)[2], инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тан олиниши ва қадрланиши, демократиянинг Ўзбекистон Республикасида турмуш тарзи ва сиёсий режим асоси сифатида эътироф этилиши, мафкуравий хилма-хиллик ва сиёсий плюрализм, иқтисодий фаолиятнинг эркинлиги ва мулкчилик шакллари хилма-хиллигининг амалда мавжудлиги каби хусусиятлар хосдир.

***Суверенитет белгилари***. Суверенитетнинг мазмунини тўлиқ очиб бериш учун унинг белгиларини кўриб чиқиш лозим. И.Д.Левиннинг фикрича, суверенитет белгиларига давлат ҳокимиятининг ягоналиги, давлатнинг мажбурлов кучига монопол тарзда эгалиги, давлат ҳокимиятининг чекланмаганлиги (келтирилган учта белги биргаликда давлат ҳокимиятининг тўлиқлигини билдиради) ва давлат ҳокимиятининг ташқи мустақиллиги киради[3]. Янги даврнинг классик намояндаларидан Ж.Боден[4], Т.Гоббс[5], Ж.Ж.Руссо[6] суверенитет давлат ҳокимиятидан ажралмас (*имманент*) категория эканлигини таъкидлашган. Ушбу фикрга муносабат билдирган С.С.Алексеевнинг фикрича, суверенитет давлат ҳокимиятининг атрибути сифатида унинг олийлиги ва мустақиллигини билдиради, айнан давлат ҳокимиятининг олийлиги ва мустақиллиги суверенитетнинг энг муҳим белгисидир[7]. И.Н.Гомеров эса суверенитетни нафақат давлат ҳокимиятига, балки унинг ташкил топиши ва мавжуд бўлишига ҳам тааллуқли деб ҳисоблайди[8].

Рус ҳуқуқшуноси А. С. Яшченко таъкидлаганидек, суверенитет (федерал ҳокимиятда ҳам, унитар ҳокимиятда ҳам) бўлинмасдир. У мазмунан давлат ҳокимиятининг ягоналигини ифодалайди. Суверенитетни бўлиш ягоналикни бўлишдек мантиқсизликдир[9].

Россиялик олим В. В. Субочёвнинг фикрича, суверенитет – давлатнинг эълон қилиниши шарт бўлган белгиси. У ҳолда шундай савол туғилади: давлат мустақиллиги эълон қилингунига қадар у суверенитетга эга бўладими? Агар давлат суверенлик белгисини (мустақиллигини) эълон қилмаса, суверенитетга эга бўлмайдими?[10]

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 6-моддасида

Ўзбекистон Республикасининг суверенлиги белгиланган, лекин, бизнингча, давлат суверенитетининг мавжудлиги унинг эълон қилиниши билан боғлиқ эмас. Давлат суверенитетининг муҳим белгиси ҳисобланган ҳокимиятнинг манбаи халқ эканлиги эса давлат эмас, балки халқ суверенитетининг белгисидир[11].

Федератив давлатларда суверен ҳокимият федерацияга ҳамда федерация субъектларига тенг тақсимланган ҳолда амалга оширилади, шу боис суверенитет федерацияга ҳам, унинг субъектига ҳам тегишли бўлади[12]. АҚШда давлат суверенитети айнан шундай ёндашувга асосланади.

Фикримизча, ***давлат суверенитетининг асосий белгилари*** давлат ҳокимиятининг ягоналиги, олийлиги, муддатсизлиги, мустақиллиги, давлат чегараси ва ҳудудининг дахлсизлиги ва бўлинмаслиги (ушбу белгиларни В.В.Горюнов ҳам кўрсатади[13]), иммунитетга эгалиги, давлат ҳокимияти халқ иродасини ифодалаши ва халқаро муносабатларда суверен тенглигида ифодаланади.

Уларга батафсилроқ тўхталамиз.

*Давлат ҳокимиятининг ягоналиги* давлатнинг олий ҳокимиятини ташкил қилувчи ягона органи ёки органлар тизими мавжуд бўлишида кўринади. Давлат ҳокимияти ягоналигининг юридик белгиси давлат ҳокимиятини ташкил қилувчи органлар тизимининг бевосита давлат функцияларини бажариш учун зарур ваколатларни қамраб олишини англатади. Шу тизимга тегишли органлар эса бир хил субъектлар, бир хил вазиятларда ўзаро истисно қилувчи хулқ-атвор қоидаларини ифодалай олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасига асосан, «Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идораларининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортиш учун асос бўлади»[14].

*Давлат ҳокимиятининг олийлиги* – давлатнинг бошқа ҳеч бир ҳокимият ундан устун бўлмайдиган ҳолати. Бироқ у ҳокимиятнинг чексизлигини англатмайди, зеро ҳуқуқий давлатда доимо қонун билан чеклаб қўйилади. Давлатнинг суверен ҳокимияти ўзга барча ҳокимиятлардан устун туради. Давлат ҳокимиятининг олийлиги уни ягона сиёсий ҳокимият сифатида расмийлаштиради, бу давлат ҳокимияти билан мувозий тарзда бошқа ҳар қандай сиёсий ҳокимиятнинг мавжуд бўлишини истисно этади.

Давлат ҳокимиятининг олийлиги унинг ўша давлатдаги барча ҳуқуқий муносабатларни белгилашида, умумий ҳуқуқий тартибот ўрнатганлигида, шунингдек давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланганлигида намоён бўлади. Давлатнинг бутун ҳудудида давлатнинг олий органи томонидан чиқарилган Конституция ва қонунларнинг устуворлиги давлат ҳокимиятининг олийлигини билдирувчи асосий белги сифатида тан олинади.

*Давлат ҳокимиятининг муддатсизлиги.* Суверенитетга эга давлат ҳокимиятининг ваколатлари унинг ҳудуди ва чегаралари доирасида муддатсиз ва узлуксиз давом этади.

Муддатсизлик – суверенитетнинг зарурий белгиси. Вақтинчалик ҳукмдорга чекланмаган ҳокимият берилган тақдирда ҳам у суверен шахс бўлмайди, чунки у ҳокимиятнинг эгаси эмас, балки сақловчиси ҳисобланади. Суверен давлат ҳокимияти, ким бўлишидан қатъи назар, ҳеч бир шахс олдида жавобгар бўлмайди[15].

Демократик давлатларда ҳокимият учун кураш соғлом рақобатга асосланган сиёсий кучлар ўртасида сайлов орқали кечади. Ҳокимият тепасига келган сиёсий партиялар

вакилларининг фаолияти даврий хусусият касб этади.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати беш йил этиб белгиланган.

*Давлат ҳокимиятининг мустақиллиги.* Суверен давлат ҳокимиятининг асосий хусусияти унинг мустақиллиги бўлиб, у давлатнинг бошқа давлатлар билан тўғридан-тўғри, бевосита муносабатларида ўз ифодасини топади. Давлат ҳокимиятининг мустақиллиги суверен ҳокимиятга эга давлатнинг ташқи ва ички муносабатларда ҳеч кимга (ҳеч бир давлат ёки халқаро ташкилотга) бўйсунмасдан, мустақил сиёсат юритишини англатади. Замонавий давлат назариясига мувофиқ, ҳар қандай мустақил давлат ҳокимияти суверен мақомга эга бўлади, лекин суверен ҳокимият ҳар доим ҳам мустақил бўлмаслиги мумкин.

*Давлат чегараси ва ҳудудининг дахлсизлиги ҳамда бўлинмаслиги (яхлитлиги).* Ҳудудий яхлитлик мустақил давлатлар суверенитетининг асосий принципи бўлиб, бутун мамлакат ҳудуди устидан давлатнинг тўла ҳуқуқли ҳокимияти ўрнатилганлигини тасдиқлайди ва том маънода, ҳар бир давлатнинг конституциясида мустаҳкамлаб қўйилади. Суверенитетга эга бўлиш ҳар қандай давлатнинг ўз ҳудудида ва халқаро майдонда ўз вазифаларини адо этишининг ажралмас шартидир.

Давлат чегарасининг асосий вазифаси – давлат ҳудудининг доирасини, яъни унга тегишли қуруқлик, сув ва ҳаводаги кенгликларни, шунингдек унинг юрисдикцияси амал қиладиган сарҳадларни белгилаш[16]. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги қонунида давлат чегарасига қуйидагича таъриф берилган: «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси – Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасини (қуруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгиловчи чизиқдан ва бу чизиқ бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат»[17].

«Давлат чегаралари» ва «давлат ҳудуди» ўзаро чамбарчас боғлиқ ва ажралмас тушунчалардир[18]. Давлат ҳудуди – муайян давлатнинг суверенитети остида, мутлақ ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий тасарруфида бўлган ҳудуд.

Ҳудуд борасидаги давлатлараро ўзаро муносабатлар ҳар бир давлатга хос бўлган ва халқаро ҳуқуқда белгиланган, хусусан давлат суверенитетини ҳурмат қилиш, давлатларнинг суверен тенглиги, халқаро муносабатларда мустақиллиги, ҳудудий яхлитлик ва дахлсизлик, ҳар бир давлатнинг ҳудудий бирлиги каби императив нормалардан келиб чиқадиган ҳудудий устуворликда намоён бўлади[19].

Халқаро ҳуқуқда давлат ҳудуди қуйидаги таркибий қисмларга бўлинган:

қуруқлик майдони;

ер ости бойликлари;

сув акваторияси (дарёлар, кўллар, сунъий сув омборлари, ички денгиз сувлари, ҳудудий денгиз ва унинг атрофидаги ҳудуд);

ҳаво бўшлиғи (90–120 км баландликкача);

квази (шартли) ҳудудлар (телефон-телеграф кабеллари, нефть ва газ қувурлари, шунингдек ҳарбий ҳаво ва денгиз кемалари);

давлатнинг чет эллардаги ҳудуди (элчихоналар, консуллик бўлими ва ваколатхоналар ҳудуди)[20].

Ҳар бир давлат учун давлат чегараси, ҳар қандай жамият ҳаётининг моддий асосини ташкил этувчи барча мавжуд ресурслари билан бирга, муайян ҳудуднинг давлатга тегишлилиги доирасини белгилаб беради. Шунингдек, чегара давлатнинг ҳудудий устуворлиги, яъни унинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ барча мажбурлаш воситалари билан таъминланган давлат ҳокимиятининг тегишли ҳудудда тўлиқ амал

қилиши доирасини ҳам белгилайди. Давлатга тегишли ресурслар ва давлат ҳокимиятининг амал қилиш ҳудуди доирасининг аниқ белгилаб қўйилганлиги улар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган можароларнинг олдини олиш ҳамда чегараларда дўстона ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади[21].

Замонавий халқаро ҳуқуқ давлат чегараларини зўрлик ишлатиб ўзгартиришга уринишни тақиқлайди. Бундай уриниш халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принцип ва нормаларини ҳамда халқаро тинчлик ва хавфсизликни бузиш ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқда бу ҳолат ўзаро боғлиқ ҳамда бир-бирини тўлдирувчи *уч принцип,* яъни давлат чегараларининг бузилмаслиги, дахлсизлиги ҳамда давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги принциплари асосида белгилаб қўйилган.

Ушбу принциплар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг 1975 йилда қабул қилинган Якунловчи актида батафсил очиб берилган. Улардан биринчиси, яъни чегараларнинг бузилмаслиги принципи фақат ана шу акт иштирокчиларига нисбатан амал қилса, кейинги иккитаси халқаро оммавий ҳуқуқда эътироф этилган принциплар бўлиб, махсус битим бор-йўқлигидан қатъи назар, барча қитъаларда амал қилади[22].

Мазкур принципларга мувофиқ, давлатлар ҳудудий яхлитлик, сиёсий мустақиллик ёки ҳар қандай давлатнинг бирлигига қарши қаратилган ҳаракатлардан, шунингдек бирор давлат ҳудудининг маълум бир қисми ёки унинг бутун ҳудудига бўлган талаблар ва уни босиб олишга қаратилган ҳаракатлардан тийилиш мажбуриятини оладилар[23]. Чегараларнинг дахлсизлиги принципи барча давлатлар ҳудудий устуворлиги ва яхлитлигининг ҳурмат қилинишини ҳам англатади.

Давлат чегараларининг бузилмаслиги ва дахлсизлиги принципларига кўра, давлатлар умумий чегараларнинг, шунингдек бошқа давлатларга тегишли чегараларнинг бузилмаслигини ва уларнинг халқаро ҳуқуққа мувофиқ юридик белгиланганлигини тан оладилар, мавжуд чегараларга нисбатан ҳозирда ва келажакда ҳар қандай ҳудудий талаб ва бошқа тажовузлардан воз кечадилар. Бу, албатта, айрим давлатлар ўртасида низоли ҳудудлар масаласи бўлмайди дегани эмас, бироқ чегарага дахлдор масалалар музокаралар ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ бошқа воситалар ёрдамида ҳал этилмоғи лозим[24].

*Давлатнинг иммунитетга эгалиги* давлат ва унинг номидан фаолият юритувчи органлар бошқа давлатлар юрисдикциясига бўйсунмаслигини билдиради. Давлат иммунитети халқаро ҳуқуқнинг императив нормаларидан бири бўлган *«Par in parem non habet imperium»* (*«Тенг тенглар устидан ҳукмронлик қилмайди»*) принципининг амалий ифодасини кўрсатади.

Ҳар бир давлат юрисдикцияси иммунитет ҳуқуқига эга. Иммунитет – юрисдикцияни истисно қилиш ёки ундан озод этишдир. Давлат иммунитети принципи бир давлатнинг бошқа бир давлатга бўйсунмаслигини англатади. Ҳуқуқий муносабатлардаги давлат иммунитети ҳар бир давлатнинг ўз ваколатларини ўзи қабул қилган қонун ҳужжатлари асосида амалга оширишини, бунда ҳуқуқий муносабатдаги давлатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фақат шу давлатнинг қонунчилигига мувофиқ белгиланишидир. Давлат иммунитет соҳиби сифатида ҳуқуқий муносабатларнинг қайси турида иштирок этишини ҳам ўзи белгилайди. Иммунитет давлатга нисбатан шундай ҳолатни юзага келтирадики, ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиб, ўз мажбуриятларини бажармаган давлат фақат ўз миллий қонунчилиги асосида жавобгарликка тортилади.

*Давлат ҳокимиятининг халқ иродасини ифодалаши.* Замонавий давлатчиликнинг қисқа тарихи давлат ҳокимиятининг моҳияти халқ манфаатлари ва уларнинг

рўёбга чиқарилиши билан боғлиқлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасига асосан, «халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир». У давлат ҳокимиятини бевосита ёки ўзи сайлаб қўядиган органлар орқали амалга оширади. Халқ жамият ва давлат ишларини бошқаришда, қонунлар қабул қилишда умумхалқ муҳокамаси ва референдумлар, ҳокимиятнинг вакиллик органларини ташкил қилиш, мамлакат президентини сайлаш орқали иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига биноан, «давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар».

Мамлакатимизда халқнинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Ўзбекистонда давлат халқ иродасини ифодалайди ва унинг манфаатларига хизмат қилади. Агар давлатимизнинг ҳозирги ички ва ташқи сиёсий фаолиятига диққат билан назар ташласак, мазкур сиёсат инсон ва жамият фаровонлиги мақсадига бўйсундирилганлигини, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилганлигини кўрамиз.

*Халқаро муносабатларда суверен тенглик* халқаро ҳуқуқнинг принципларидан бири сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида ҳам мустаҳкамланган. Ҳар бир давлат халқаро муносабатларнинг бошқа иштирокчилари суверенитетини, яъни уларнинг ўз анъаналари доирасида бошқа давлатларнинг ҳар қандай аралашувидан холи равишда қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ҳокимиятини амалга ошириш, шунингдек ўз ташқи сиёсатини мустақил юритиш ҳуқуқини ҳурмат қилишга мажбурдир.

Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси демократик давлатдир. Давлатнинг демократиклиги, аввало, унинг халқпарварлиги таъминланишида, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишида, мафкуравий ва сиёсий ҳурфикрлиликда, фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришида акс этади. Бинобарин, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг манбаи халқ эканлиги давлатнинг халқчиллигини, демократиклигини англатади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат суверенитетининг белгиларини тадқиқ этишда, замонавий илм-фан, суверен давлатларга бўлаётган хавф ва таҳдидларнинг мазмуни, шакли ва усулларини ўрганиб, суверенитетнинг моҳиятига тегишли ва давлат суверенитетига таъсир қилувчи бир қанча омилларни кўрсатишимиз мумкин. Айрим давлатлар томонидан бошқа давлатларнинг ички ижтимоий ҳаётига қарши ахборот хуружлари, давлатни обрўсизлантириш, маънавий-маданий ва диний қадриятларини менсимаслик ва бошқалар ана шулардан айримларидир. Уларни чуқур таҳлил этиш истиқболда давлат суверенитетининг *давлат ахборот маконининг дахлсизлиги*, *миллат суверенитетини қамраб олиши* каби янги белгиларини эътироф этиш ва улардан фойдаланишга имкон беради.

---

[1] Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми // URL: https://www.un.org

[2] Конституциявий ҳуқуқ: Энциклопедик луғат. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 584 б.

[3] *Левин И. Д.* Суверенитет. – М.: Юрид. изд-во МЮ СССР, 1948. – С. 43.

[4] *Bodin J.* Les six livres de la Rйpublique. – P.: par J. Du Puys, 1579. – 1058 p.

[5] *Гоббс Т.* Сочинения: в 2 т. Т. 2. Левиафан, или Материя, форма и власть государства церковного и гражданского / Под ред. В. В. Соколова. – М.: Мысль, 1991. – 731 с.

[6] *Руссо Ж. Ж.* Об общественном договоре. Трактаты / Пер. с фр. – М., 1998.

[7] *АлексеевС. С.* Теория государства и права. – М.: Норма, 2004. – С. 29.

[8] *Гомеров И. Н.* Государство и государственная власть. – М.: ЮКЭА, 2002.– С. 461.

[9]*Ященко А. С.* Теория федерализма. Опыт синтетической теории права и государства. – Юрьев, 1912. – 346 с.

[10] *Субочев В. В.* Исчезновение суверенитета: теоретический анализ политико-правовых реалий // Правовая политика и правовая жизнь. – 2016. – №2. – С.15–16.

[11] Ўша манба. – Б. 16.

[12] *Морозова А. С., Карасев А.Т.* Некоторые подходы к пониманию государственного суверенитета // История государства и права. – 2014. – №20. – С. 45–50.

[13] *Горюнов В. В.* Суверенитет Российской Федерации: сущность, содержание, гарантии: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2007. – С.10–11.

[14] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2018 й., 03/18/498/2051-сон; 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон.

[15] *Bodinus J.* De Republica libri sex. – Francoforti, 1594. – P. 126.

[16] *Имомов К. А.* Марказий Осиёда давлат чегараларини халқаро-ҳуқуқий белгилаш муаммолари (Фарғона водийси мисолида). – Т., 2004. – Б. 23.

[17] Ўзбекистон Республикасининг «Давлат чегараси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1999. – № 9. – 217-модда.

[18] *Бобокулов И. И.* Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. – Т.: УМЭД, 2010. – Б. 160.

[19] *Рахимов М. М.* Чегараларни халқаро-ҳуқуқий расмийлаштириш Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликнинг муҳим шарти сифатида. – Т., 2013. – Б. 9–10.

[20] *Одилқориев Х. Т., Очилов Б.Э.* Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. – Т.: ЖИДУ, 2002. – Б. 96.

[21] *Рахимов М.* Межгосударственные границы и проблемы безопасности в Центральной Азии // URL: http://www.centrasia.ru/news.php. – 24.02.2009.

[22] *Имомов К. А.* Марказий Осиёда давлат чегараларини халқаро-ҳуқуқий белгилаш муаммолари. – Т., 2004. – Б. 23.

[23] *Бобокулов И.И.* Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. – Т.: УМЭД, 2010. – Б. 160.

[24] *Маккамбаев П. А.* Международно-правовые проблемы пограничной безопасности Республики Узбекистан. – Т.: ТДЮИ, 2009. – С. 13.

***Худойбердиев Ахроржон Қосималиевич,***
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси*
*давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди, доцент*

# НОРМА ИЖОДКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикаси норма ижодкорлиги жараёни, қонунларнинг сифатини ошириш масалалари, уларни ишлаб чиқиш жараёнида жамоатчилик иштироки, норма ижодкорлиги жараёнини такомиллаштиришнинг муҳим хусусиятлари таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** норма ижодкорлиги фаолияти, қонун, ҳуқуқий давлат, ҳуқуқий экспертиза, қонунлар муҳокамаси.

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НОРМОТВОРЧЕСТВА**

**Аннотация.** В статье анализируются вопросы нормотворческого процесса и улучшения качества законов и подзаконных актов в Республике Узбекистан, важные особенности участия общественности в процессе их развития, совершенствования нормотворческого процесса.

**Ключевые слова:** нормотворческая деятельность, закон, правовое государство, правовая экспертиза, обсуждение проектов законов.

**THEORETICAL AND PRACTICAL ISSUES OF IMPROVING LAWMAKING**

**Annotation.** This article presents a scientific analysis of the legislative process and improving the quality of laws in the Republic of Uzbekistan, important features of public participation in the process of their development, improving the rulemaking process.

**Keywords:** normative creativity, law, legislative activity, rule of law, legal examination, discussion of laws.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган модернизация жараёнлари бутун ҳуқуқий тизим, унинг таркибий қисми ҳисобланган қонунчилик тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказиш билан бир қаторда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятига хос институт – норма ижодкорлиги тизимини жорий этишга энг муҳим масала сифатида эътибор қаратди.

Қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «барчамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак: қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт. Ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни қуйидан – фуқаролардан, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларидан олиш тартибини кенг жорий этиш зарур. Қонунларни қабул қилиш жараёнида уларни

аҳоли ўртасида ҳар томонлама муҳокама қилиш тизимидан самарали фойдаланишимиз керак»[1].

Шунингдек, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асоси маълум даражада ўтган йилларда шаклланган қонунчилик базасига ҳамда норма ижодкорлиги жараёнининг сифатига боғлиқ. Мамлакатимиз норма ижодкорлиги жараёнида мавжуд камчиликлар турли соҳалардаги ижтимоий муносабатлар тарқоқ ҳолда тартибга солиниши, салбий кўринишларнинг давом этишига олиб келмоқда, бу эса ҳуқуқий коллизиялар, ҳуқуқни қўллашда турлича ёндашув ва тушунмовчиликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда барча соҳаларда мавжуд бўлган муаммоларга тезкорлик билан ва сифатли муносабат билдириш талаб этилмоқда, уларнинг қонуний ечимлари йўқлиги мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларда акс этмоқда. Бироқ, бу борада қўлланилаётган норма ижодкорлиги ёндашувида қонун ҳужжатларининг мамлакат иқтисодиёти тармоқларига таъсирини баҳолаш зарурати ҳисобга олинмаяпти ҳамда жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда фуқароларнинг ҳаёти ва фаровонлигини яхшилашга доир вазифаларнинг бажарилишини таъминламаяпти.

Шу билан бирга, умумий тусдаги қонунларнинг кўплиги, шунингдек айрим қарорларнинг уларни амалга ошириш механизмисиз қабул қилиниши, умуман, давлат ва жамият ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда, ижтимоий муносабатлар асосан қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинишига олиб келмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, қонун лойиҳаларини қонунчилик ташаббуси субъектлари томонидан ҳуқуқий экспертизага киритиш жараёнида қатор камчилик ва муаммолар аниқланмоқда. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнига давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тақдим этиладиган лойиҳаларнинг аксарияти қатъий белгиланган мезон ва талабларга жавоб бермайди. Хусусан, лойиҳага тегишли маълумотларнинг илова қилинмагани, қиёсий жадваллар йўқлиги, мавжуд жадвалларнинг лойиҳа мазмуни билан бир хил эмаслиги, ҳуқуқий экспертиза учун тақдим этиш муддатига риоя қилинмаётгани каби ҳолатларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бундан ташқари, айрим вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва киритиш бўйича норматив база мавжудлигига қарамай, белгиланган талабларга риоя қилинмаяпти, бу эса қонун лойиҳаларининг сифати ва уларни қабул қилиш муддатларига салбий таъсир этмоқда. Ҳуқуқий экспертизага тақдим этилаётган қонун лойиҳаларининг аксарияти сифати паст, қонунчилик техникаси талабларига зид дея баҳоланмоқда, уларга кўплаб эътирозлар билан хулоса берилмоқда.

Шунингдек, норма ижодкорлиги фаолияти ислоҳотларни рўёбга чиқаришнинг асосий омили эканлигидан келиб чиқиб, уни талаб даражасида ривожлантириш масаласи бугун кун тартибида турибди. Зеро, таҳлилларга кўра, республикамизда мавжуд жами норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг 7 фоизи қонунлар улушига тўғри келади. Бу эса тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар яратилишини тақозо этмоқда. Яъни, қонун лойиҳалари ишлаб чиқилаётган ва қабул қилинаётганида уларнинг бажарилиш механизмини белгилаш талабининг қўйилиши ҳуқуқий нормалар турлича талқин этилишига чек қўяди. Шунингдек, қонун ижодкорлиги соҳасида ахборот технологиялари имкониятларидан кенг миқёсда фойдаланиш, хусусан, замонавий «ақлли бошқарув» моделини қўллаш натижа бериши мумкин.

Парламент норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни миллий менталитетдан келиб чиққан ҳамда ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаси ва ютуқларидан фойдаланган ҳолда қабул қилиши, мавжудларини шу асосда такомиллаштириши, шунингдек бу борада вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларнинг норма ижодкорлиги жараёнида ҳамкорликни таминлаш ва фаолиятини янада жонлантириш масаласига жиддий эътибор қаратиши лозим.

Яна шуни қайд этиш жоизки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини яратишда, энг аввало, инсон, жамият ва давлат манфаатларининг устувор йўналишларини белгилаб олиш алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга, норма ижодкорлиги фаолиятини ташкил этиш ва режалаштириш ривожланган хорижий мамлакатларнинг қонунчилик тажрибасини мунтазам тадқиқ этиш ҳамда ундан миллий қонунчилигимиз хусусиятларини инобатга олган ҳолда фойдаланишни тақозо этади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилиниб, ҳуқуқий ислоҳотлар талаблари асосида кўплаб қоида ва нормалар билан тўлдирилди. Жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга ва уларнинг мазмунига қўйиладиган талаблар кучайтирилди. Бу эса, ўз навбатида, норма ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этди. Норматив-ҳуқуқий хусусиятга эга ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш талаби «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасида белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси уни ишлаб чиқувчи ёки қабул қилувчи органнинг қарорига кўра иқтисодий, молиявий, илмий, экологик, шунингдек бошқа турдаги экспертизалардан ўтказилиши мумкин.

Профессор Х.Т.Одилқориев норма ижодкорлигининг асосий шаклларидан бири бўлган қонун ижодкорлиги жараёни хусусида қуйидаги фикрларни билдирган: «Қонун ижодкорлиги жараёни, биринчидан, қонунни мазмунан тайёрлашни таъминловчи ўзаро алоқадор институтлар тизимини белгилашдан; иккинчидан, халқ иродасини, жамоатчилик фикрини ифодалашнинг қатъий демократик шаклларини мустаҳкамлашдан; учинчидан, қонунни яратиш ва қабул қилиш жараёнида давлат ҳокимияти олий вакиллик органи фаолиятининг турли шакллари қўлланилишини акс эттиришдан иборатдир»[2]. Бошқа ҳуқуқшуносларнинг таъкидлашича, «қонун ижодкорлигининг самарали бўлиши кўп жиҳатдан мамлакатда амалга ошириладиган *ҳуқуқий сиёсатга* ва унинг таркибий қисми бўлган *ҳуқуқ ижодкорлиги сиёсатининг* мазмунига боғлиқ. Ушбу сиёсат ҳам, ўз навбатида, ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг қатъий эҳтиёжларидан келиб чиқиши лозим»[3].

Қонун ижодкорлиги давлатнинг ҳуқуқий нормалар яратишга қаратилган махсус фаолияти бўлиб, унинг натижасида ижтимоий муносабатлар тур ва сифат жиҳатидан умумлаштирилиб, ҳуқуқий норма яратилади. Шу жиҳатдан қараганда, ҳуқуқий норма «ижтимоий муносабатлар ва одамлар хулқатворининг абстракт моделидир»[4].

Дарҳақиқат, ҳуқуқшунос олимлар юқорида давлат қонун ижодкорлиги фаолияти хусусида фикр юритар эканлар, ушбу жараён натижасида халқнинг умумий эҳтиёж ва манфаатларини қамраб олувчи ҳуқуқ нормалари ва қонунлар яратилиши жамият учун муҳимлигини қайд этадилар.

Ҳозирги кунда фуқаролик жамияти қуришнинг асосий талабларидан бири

шуки, норма ижодкорлиги фақат давлат органлари томонидан амалга ошириладиган фаолият бўлиб қолмаслиги лозим. Бунда норма ижодкорлиги жараёнига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларигина эмас, балки бутун жамоатчилик вакиллари ҳам масъул эканлигини қайд этишимиз лозим. Энг муҳими, ҳар қандай норма ижодкорлиги маҳсули халқ манфаатларини, унинг хоҳиш-иродасини ифода этиши лозим экан, ушбу жараёнда жамият аъзолари бевосита иштирок этиши зарур бўлади. Бу эса фуқароларнинг қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда бевосита қатнашиши, уларни янада такомиллаштиришга ҳисса қўшиши, мазкур лойиҳаларни қабул қилиш ва амалиётга татбиқ этишнинг ижобий ҳамда салбий оқибатлари юзасидан бевосита муносабат билдиришига кенг имкониятлар яратмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларини баҳолаш тизими жорий этилганлиги ҳам ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ривожланишининг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади. Ушбу ислоҳот натижасида жамият аъзолари амалдаги қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш имконига эга бўлдилар. Шу орқали, амалиётда фуқароларнинг тадбиркорлар ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан тегишли давлат органларига хабар беришлари учун қулай шароит яратилади. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг тараққий этишига ҳамда фуқаролар, айниқса, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилинишига туртки бўлади, деб ҳисоблашимиз учун тўла асос бўлади.

Норма ижодкорлиги фаолияти самарадорлигининг кафолатларидан бири норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертиза қилишдир. Ушбу жараён қонун ва қонуности ҳужжатлари лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларига, мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш вазифаларини қамраб олади.

Шу билан бирга, ҳуқуқий экспертиза норма лойиҳасида тартибга солинаётган ижтимоий муносабат ва соҳаларга салбий таъсир кўрсатадиган зиддиятларни ва келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни, амалдаги қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган ҳуқуқий бўшлиқларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни ишлаб чиқиш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўриш имкониятини яратади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимизда норма ижодкорлиги жамоатчилик фикрини ва халқаро тажрибани ўрганиш асносида амалга оширилиши зарур бўлган фаолият турларидан биридир. Норма ижодкорлигини тартибга солиш, шу жумладан, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва шу орқали миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш норма ижодкорлиги соҳасидаги устувор вазифа ҳисобланади. Шунингдек, норма ижодкорлиги фаолиятининг асосий шакли ҳисобланган **қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:**

1. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишда фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш.

2. Қонун ижодкорлиги жараёнига замонавий принцип ва механизмларни (ижти-

моий адолат, халқчиллик, жамоатчилик фикрини ўрганиш, очиқлик, самарадорлик ва б.) жорий этиш.

3.«Ақлли тартибга солиш» моделлари ва қабул қилинаётган қарорлар таъсирини таҳлил қилиш методологиясини жорий этиш.

4.Қонун ижодкорлигининг замонавий усулларини (масалан, «One in two out» – норматив ҳужжатларга ҳуқуқ субъектига янги талаблар жорий этиш билан боғлиқ битта қоидани киритиш учун аввал амалда бўлган иккита талабни бекор қилиш, «Sunset clauses» – маълум бир муддатгача амал қиладиган қонунларни қабул қилиш механизмларини жорий қилиш, «Open ended» – ҳуқуқ нормаларига ижтимоий ривожланиш талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб бориш принциплари ва бошқаларни) жорий этиш. Яъни қонун лойиҳалари юзасидан фикр ва таклифларни қуйидан, яъни фуқаролардан, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларидан олиш тизимини такомиллаштириш ҳамда қабул қилинаётган қонунларда уни амалга оширишнинг аниқ механизмларини жорий этиш.

5.Муайян ижтимоий муносабатларнинг айнан қайси турдаги қонун ҳужжати билан тартибга солинишини аниқ белгилаш, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш амалиётини кенгайтириш.

Қонун лойиҳалари ишлаб чиқилаётган ва қабул қилинаётганида ижро механизмини белгилаш талабини қўйиш амалиёти ҳуқуқий нормаларни ҳар хил талқин этиш ҳолатларини бартараф этади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2019. – 23 дек.

[2] *Одилқориев Х. Т.* Жамиятни модернизациялаш шароитида қонун ижодкорлигини такомиллаштириш истиқболлари // Обод турмуш йилида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ўзини ўзи бошқариш органлари билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлиги: Респ. илмий-амалий конф. мат-ри. – Т.: ТДЮУ, 2014. – Б.23.

[3] *Поленина С. В.* Правотворческая политика // Российская правовая политика. – М., 2003. – С.182.

[4] Проблемы теории государства и права. – М.: Юристъ, 2001. – С. 586.

***Саидов Бахром Анварович,***
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, доцент*

# ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ШАХСНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

**Аннотация.** Мақолада ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари ёритилган, уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, адвокатура институтини ривожлантириш концепцияси лойиҳасига таклиф ва тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** ишни судга қадар юритиш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жиноят процесси, жиноятларни тергов қилиш, адвокатура.

**ОБЕСПЕЧЕНИЕ КОНСТИТУЦИОННЫХ ПРАВ И СВОБОД ЛИЦА В ХОДЕ ДОСУДЕБНОГО РАССЛЕДОВАНИЯ**

**Аннотация.** В статье на основе анализа нормативно-правовых актов рассмотрены вопросы обеспечения конституционных прав и свобод лица в ходе досудебного расследования.

**Ключевые слова:** досудебное производство, права и свободы личности, уголовный процесс, расследование преступлений, адвокатура.

**ENSURING THE CONSTITUTIONAL RIGHTS AND FREEDOMS OF A PERSON DURING A PRE-TRIAL INVESTIGATION**

**Annotation.** The article deals with the issues of ensuring the constitutional rights and freedoms of a person during a pre-trial investigation based on the analysis of legal acts

**Keywords:** rights and freedoms of a person, pre-trial investigation, advocacy, criminal procedure.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳар қандай демократик ислоҳотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқлигини, шунингдек инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очиқ, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусияти эканлигини таъкидлади[1].

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосига қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принциплар пойдевор қилиб қўйилган.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегиясининг ижроси юзасидан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва шаффофлигини ошириш, «Хабеас корпус» институтини қўллашни кенгайтиришга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Судларнинг прокуратурадан мустақил, эркин фаолият олиб боришларини таъминлаш борасида қўйилган дастлабки қадамлар натижа бераётганини ўтган уч йил мобайнида оқланган шахслар мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, 2016 йилгача судларда оқлов ҳукми чиқариш амалиёти деярли бўлмаган. Кейинги уч йилда эса 1705 нафар инсон суд ҳукми билан оқланди. Ҳаётда ўз номини, шаънини, обрўсини оқлагунча ёшлигини, соғлиғини, умрини бой берган инсонлар ҳақида ўйласак, оқлов ўта муҳим тушунча эканини англаш қийин эмас.

Мазкур янги ислоҳотларнинг дастлабки босқичи 2016 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон фармони қабул қилинишидан бошланган эди.

Ушбу фармонда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Бундан ташқари, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари қўлланишини кенгайтириш орқали қамоқ тариқасидаги жиноий жазо тугатилди. Жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилди. Қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек дастлабки терговнинг энг кўп муддати бир йилдан етти ойга қисқартирилди.

Почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи берилди. Терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизмларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институти бекор қилинди. Бу эса суд ва тергов органларининг ҳақиқатни ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш, шунингдек қонуний, асослантирилган ва адолатли қарор қабул қилиш борасидаги масъулиятини ошириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017.18.04) ПҚ-2898-сон қарорида жиноятларни тергов қилиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси этиб белгиланди. Жумладан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ва айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслигини кафолатловчи жиноят-процессуал нормани қатъий таъминлаш; жиноятларни ўз вақтида фош этиш, ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилиш, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устунлигига, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишига сўзсиз риоя қилиш; суриштирувчи ва терговчиларнинг чинакам процессуал мустақиллигини таъминлаш, уларга нисбатан ноқонуний таъсир кўрсатиш ҳамда фаолиятига асоссиз аралашишга йўл қўймаслик; суриштирувчи

ва терговчилар зиммасидаги вазифаларни самарали бажаришлари учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти масалаларини ҳал этиш; ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолиятига илғор криминалистик ва илмий-техник воситаларни, шунингдек ишлашнинг замонавий шакл ва услубларини кенг жорий этиш каби мутлақо янги йўналишлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2017.30.11) ПФ-5268-сон фармони бу борада амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш бўйича навбатдаги муҳим босқич бўлди. Мазкур фармон билан процессуал қонунчиликни жиддий бузган ёки ноқонуний усулларни қўллаган ҳолда тўпланган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгиланди. Жумладан, эндиликда жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда; гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини, шунингдек таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини бузган ҳолда; жиноят процессида иштирок этаётган шахсга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирмаслик оқибатида уни чалғитган ҳолда; мазкур жиноят иши бўйича иш юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан процессуал ҳаракатларни ўтказиш оқибатида; номаълум манбадан ёхуд жиноят иши бўйича иш юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан; дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг судда мавжуд далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан; мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган ҳоллардан ташқари, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг тахмин, фараз ёки миш-мишларга асосланган кўрсатувларидан олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан далил сифатида фойдаланиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018.14.05) ПҚ-3723-сон қарорига кўра, жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилинишини таъминлаш, жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш, жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштириш, жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини киритиш каби масалалар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари сифатида белгилаб қўйилди.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2018.04.04) ЎРҚ-470-сон, шунингдек «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида«ги (2019.14.01) ЎРҚ-515-сон қонунлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституция қабул

қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида гапирар экан, бу йил Жаслиқ қўрғонидаги жазони ижро этиш колонияси ёпилгани ҳам ана шундай инсонпарвар сиёсатнинг амалий намунаси бўлганини қайд этди.

Мазкур жазони ижро этиш колонияси ёпилиши нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам ижобий маънодаги катта «шов-шувга» сабаб бўлди. Бунга қадар ўтган йили ҳам республикамизда иккита қамоқхона ёпилган эди. Ана шундай инсонпарвар сиёсат туфайли қисқа даврда мамлакатимизда маҳбуслар сони икки баробар камайишига эришилди.

Ўзбекистон Президенти Конституцияда ўзига берилган ваколатлардан келиб чиқиб, кейинги уч йил ичида афв этиш тўғрисида саккизта фармон имзолади ва бунинг натижасида афв этилганларнинг умумий сони 4 мингдан ошди.

Давлатимиз раҳбари бугунга қадар амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг дастлабки натижаларига маҳлиё бўлиб қолмасдан, жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш, шу орқали мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтиришимиз зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантиришимиз лозимлигини айтди.

Маърузада ишни судга қадар юритиш босқичида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратилган муҳим таклифлар илгари сурилди. Хусусан, шахсни ушлаб туриш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш каби жараёнларни, агар у ҳимоячидан воз кечса, бу ҳолатни ҳам мажбурий тарзда видеотасвирга тушириш тартибини ўрнатиш зарурлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланган шахс махсус бинога олиб келинганидан кейин бу ҳақда унинг оила аъзолари дарҳол хабардор қилиниши кераклиги, буни суриштирувчи, терговчи ва бошқа ваколатли шахснинг мажбурияти сифатида қонунда аниқ белгилаб қўйиш таклиф этилди.

Бундан ташқари, шахсни ушлаб туриш ва унинг ҳуқуқини чеклайдиган бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳолатларини ҳисобга олишнинг электрон тизимига ўтиш зарурлиги, бу жараёнда инсон омили иштирокини иложи борича камайтириш лозимлиги қайд этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 82-моддасида эса суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юритишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат прокурор томонидан амалга оширилиши белгиланган. Лекин, ушбу босқичларда прокурорнинг хатти-ҳаракатларини ким назорат қилиши ёки у қабул қилган қарорлар устидан кимга, қайси органга мурожаат қилиш мумкинлиги қонунчилигимизда аниқ белгиланмаган эди.

Давлатимиз раҳбарининг кечаги маърузасида келгуси йилдан бошлаб прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш тартиби жорий этилиши, шу орқали суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида мувозанатни, яъни ўзаро тийиб туриш принципларини таъминлаш имкони яратилиши таъкидланди. Ҳақиқатан ҳам, бундай муҳим ўзгариш бизнинг тажрибамизда биринчи марта жорий этилмоқда.

Маърузада қайд этилганидек, сир эмас, илгари прокуратура идоралари ниҳоятда ёпиқ, назоратдан холи бир органга, охирги инстанцияга айланиб қолган эди. Бунинг

оқибатида қанчадан-қанча одамлар ноҳақ жабр чеккани, адолатсизликка дучор бўлгани ҳам айни ҳақиқат.

Маърузада, қанчалик оғир ва нохуш бўлмасин, шу ҳақиқатни тан олиб, бу соҳада қонунийлик ва адолатни қарор топтиришга киришилгани, прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш бўйича ривожланган демократик мамлакатларда амал қиладиган бундай тажрибани жорий этиш ҳаётимизда адолат мезонини мустаҳкамлашда улкан қадам бўлиши таъкидланди.

Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш биз учун энг устувор вазифа эканлиги, айниқса, суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шартлиги, шу сабабли суд ишларига аралашганлик ёки судга босим ўтказганлик учун жавобгарликни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим таркибий қисми сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатуранинг роли ва аҳамиятини кучайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Суд ишини юритишнинг барча босқичларида томонларнинг тортишуви принципининг лозим даражада ишлашини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилди, адвокатларнинг профессионал фаолиятини бажариши учун зарур қонунчилик базаси яратилди.

Маърузада қайд этилганидек, бу тизимнинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш, адвокатлар ваколатларини кенгайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018.12.05) ПФ-5441-сон фармони бу борада амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этди.

Мазкур фармонга кўра, адвокат низоларни судгача ҳал қилиш, томонларни яраштириш бўйича чоралар кўриш, шунингдек ҳакамлик судьяси сифатида фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлди. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун адвокатлик тузилмасида мажбурий стажировка ўташ муддати олти ойдан уч ойга қисқартирилди, бунда давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил фаолият юритган шахслар мажбурий стажировкадан озод этилди. Лицензияни тугатиш учун асос бўладиган адвокат томонидан узрли сабабларсиз ўз касбий мажбуриятларини бажармаслик муддати амалдаги уч ойдан олти ойга узайтирилди.

Фармонга кўра, адвокатларга ўзларининг ҳимояси остидаги шахслар билан аудио ва видеокузатув қурилмалари бўлмаган махсус хоналарда ҳамда бегона шахслар иштирокисиз, ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиш ҳуқуқи таъминланадиган бўлди. Адвокат сўровига кўра маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаслик, ёлғон ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганликда айбдор мансабдор шахслар адвокатнинг судга тўғридан-тўғри мурожаатига асосан белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида адвокатура институтини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга кўтариш зарурлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, бу борада ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам бор. Мисол учун, Ўзбекистоннинг 34 миллиондан ошиб кетган аҳолисига фақатгина 4 мингта адвокат хизмат кўрсатаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги адвокатларнинг 60 фоизи 50 ёшдан ошган

шахслардир. Улар орасида 30 ёшга тўлмаган ёшлар 70 нафарга ҳам етмайди.

Президент маърузасида бундай ачинарли ҳолатга барҳам бериш учун, аввало, адвокатларнинг нуфузи ва мақомини ошириш, адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлашимиз шартлиги, яқин истиқболда адвокатура институтини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш лозимлиги, ҳеч бир идора адвокатларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шартлиги таъкидланди.

Фикримизча, мазкур концепцияда қуйидаги масалалар белгиланиши мақсадга мувофиқ:

– мавжуд аҳоли сонидан келиб чиқиб ёш, билимли, етук малакага эга мутахассис кадрлар ҳисобидан адвокатлар сонини кўпайтириш;

– адвокатлик фаолиятининг кафолатларини такомиллаштириш;

– адвокатнинг касбий фаолиятини амалга ошириш чоғидаги ҳуқуқларини кенгайтириш;

– адвокат сўрови бўйича ахборотни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборот тақдим этганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

– адвокатура фаолиятининг принциплари ва ташкилий шаклларини такомиллаштириш;

– адвокат ўз касбий вазифаларини бажариши туфайли ҳаёти ва соғлиғи учун хавф-хатар юзага келганида давлат томонидан зарур даражадаги ҳимояни таъминлаш механизмини яратиш. Бу норма «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси (1998.25.12) қонунининг 8-моддаси (Адвокатлик фаолияти ҳимояланишини таъминлаш)да белгиланган, аммо унинг ижро механизми мавжуд эмас;

– жиноят ишини юритишга масъул барча давлат органларида адвокатлар учун хизмат хоналари ташкил этиш;

– шахс ушлаб келтирилган, шунингдек адвокат жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органига келган аниқ вақтни қайд этиш тартибини жорий қилиб, тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун чақирилган адвокатнинг жиноят ишини юритишга масъул давлат органининг эшиги олдида соатлаб кутиб ўтиришига чек қўйиш;

– адвокатларга мустақил тергов-процессуал ҳаракатларни ўтказиш ваколатини бериш. Амалдаги қонунчиликда бундай ваколат қисман берилган (далил тўплаш ва ҳ.к.). Адвокат далилларни тўплаш билан чекланиб қолмасдан, исбот қилиш субъектига айланиши керак;

– мамлакатимизда ижтимоий қийин аҳволда яшаётган оилалар ҳам мавжудлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Бепул ҳуқуқий ёрдам тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш.

Юқорида билдирилган таклиф ва тавсиялар жиноят процессида «Холис тергов, кучли ҳимоя, шаффоф назорат, адолатли суд» деган янги принцип юзага келишига хизмат қилади.

[1] *Мирзиёев Ш.М.:* Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2019. – 11 дек.

***Аташайхов Абдувохид Абдушукурович,***
*старший преподаватель цикла служебно-боевой и физической подготовки факультета профессиональной подготовки Академии МВД Республики Узбекистан*

# ОСОБЕННОСТИ ПРОВЕДЕНИЯ ЗАНЯТИЙ ПО БОЕВОЙ И ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКЕ С ДЕВУШКАМИ-КУРСАНТКАМИ (СЛУШАТЕЛЬНИЦАМИ)

**Аннотация.** В статье дается информация об ана томических и функциональных особенностях женского организма и в этой связи приводятся рекомендации по проведению занятий по боевой и физической подготовке с девушками-курсантками (слушательницами) учебных заведений органов внутренних дел.

**Ключевые слова:** физическая нагрузка, здоровый образ жизни, физические упражнения, физическая подготовка, физическое развитие, боевая и физическая подготовка, функциональное состояние организма, самоконтроль.

## КУРСАНТ (ТИНГЛОВЧИ) ҚИЗЛАР БИЛАН ЖАНГОВАР ВА ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада аёллар организмининг анатомик ва функционал хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар асосида ички ишлар органлари таълим муассасаларининг курсант (тингловчи) қизлари билан жанговар ва жисмоний тайёргарлик машғулотларини ўтказиш юзасидан тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** жисмоний юклама, соғлом турмуш тарзи, жисмоний машқлар, жисмоний тайёргарлик, жанговар ва жисмоний тайёргарлик, жисмоний ривожланганлик, организмнинг функционал ҳолати, ўзини ўзи назорат қилиш.

## FEATURES OF TRAINING IN COMBAT-PHYSICAL TRAINING WITH FAMALE CADETS

**Annotation.** The article highlights the information about the structure and functional state of the body girls and women, the differences between women and men in the structure and functions of internal organs and particuliary training to famale cadets (listeners) and some recommendations.

**Keywords:** physical activity, healthy lifestyle, physical exercises, physical training, physical development, combat-physical training, functional state of the body, self-checking.

В настоящее время в стране идёт широкомасштабная работа по реформированию системы органов внутренних дел, которые призваны обеспечивать спокойствие и безопасность в государстве, осуществлять борьбу с преступностью, охрану общественного порядка. Важное место в данном процессе занимают высшие образовательные учреждения МВД, в частности Академия МВД Республики Узбекистан, в которой огромное внимание уделяется подготовке высококвалифицированных, отвечающих современным требованиям, духовно развитых, физически здоровых молодых кадров.

Сегодня к сотрудникам ОВД предъяв-

ляются все новые требования по организации, содержанию и методике их профессиональной подготовки.

Ведь именно от степени профессионализма, уровня боевой, физической и служебной подготовки зависит качество выполнения служебных задач по обеспечению безопасности граждан. В современных условиях значительно увеличился объём деятельности, осуществляемой в вероятностных и неожиданно возникающих ситуациях, которая требует проявления находчивости, быстроты реакции, способности к концентрации и переключению внимания, пространственной, временной, динамической точности движений и их рациональности. В этой сивязи, в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан планируется повышение качества и эффективности деятельности высших образовательных учреждений на основе внедрения международных стандартов обучения и оценки качества преподавания.

В подразделениях Министерства внутренних дел наряду с сотрудниками-мужчинами достойно несут службу женщины, которые играют немаловажную роль в обеспечении безопасности государства, борьбе с преступностью и охране общественного порядка в своих сферах деятельности.

Проблема подготовки сотрудниц ОВД является объектом постоянного внимания специалистов. Особо остро эта проблема встала в последние годы в связи с изменениями характера преступной деятельности в стране и применением правонарушителями холодного и огнестрельного оружия.

**Актуальность.** В группах, где присутствуют девушки-курсантки, занятия по боевой и физической подготовке проводятся одинаково, единообразно для всех курсов в соответствии с утверждённой учебной программой, без учета физиологического строения женского организма. В учебных и рабочих программах кафедры (цикла) нет раздела, приложений или примечаний для проведения занятий с девушками-курсантками или с женщинами (в 2019 – 2020 учебном году на первый курс по требованию МВД Республики Узбекистан девушек приняли в четыре раза больше, чем в предыдущий учебный год).

Но, несмотря на это, опытные преподаватели кафедры (цикла) методически правильно организуют занятия, снижая физическую нагрузку, облегчая варианты выполнения приёмов и упражнений для девушек-курсанток.

**Задачи.** Необходимость физического развития девушек-курсанток (слуша тельниц) или женщин-сотрудниц ОВД связана с укреплением их здоровья, повышения функционального состояния, определения резервных возможностей организма, а также продления активной профессиональной деятельности женщин. Занятия по физической подготовке с женскими группами должны быть направлены на решение задач, отражающих характерные особенности женского организма, психической и двигательной сферы женщин.

Систематические занятия спортом у женщин способствуют увеличению мышечной массы, но она не достигает уровня, свойственного мужчинам. Незначительная сила мышц спины и шеи у подростков-девочек может быть одной из причин искривления позвоночника. Этим объясняется то, что деформация позвоночника у девушек молодого возраста встречается чаще, чем у курсантов-юношей. Поэтому во время

занятий физическими упражнениями следует обращать особое внимание на развитие этих групп мышц у девушек.

Сила у девушек развивается посредством собственно-силовых и скоростно-силовых упражнений, но нельзя забывать, что не следует применять специальные физические нагрузки и преднамеренно влиять на развитие какой-либо функции организма, пока она не достигнет высокой степени своего естественного развития. Однако оптимальные физические нагрузки могут служить только положительными стимуляторами[1].

Следует учитывать, что туловище у женщин длиннее, плечи уже, таз шире, ноги и руки короче, центр тяжести тела, играющий большую роль в механизме движений, ниже, чем у мужчин. Эти особенности ограничивают быстроту бега, высоту прыжков и др. С возрастом у женщин, особенно у тех, кто не занимается физическими упражнениями, показатели физического развития ухудшаются: нарастает вес, снижаются сила мышц, экскурсия грудной клетки, ЖЁЛ (жизненная ёмкость лёгких) и т. д.[2]

Между женщинами и мужчинами имеются также различия в структуре и функциях внутренних органов.

В этой связи АПК «Безопасный город» представляет собой сложную многоуровневую структуру. Он состоит из множества подсистем – транспортной, телекоммуникационной, систем электро- и водоснабжения, а также многих других, которые функционируют и взаимодействуют между собой. Для контроля работы всех городских систем, обеспечения безопасности каждого жителя и всех уязвимых точек городской инфраструктуры, получения и архивирования информации обо всех важных событиях и оперативного предоставления этой информации всем заинтересованным службам необходима комплексная информационная система, способная аккумулировать, объединять, анализировать и группировать разнородные данные, поступающие из множества источников. Именно такую систему представляет собой система «Безопасный город», успешно внедряемая во многих городах нашей страны.

---

[1] Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-3245 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий» от 29 августа 2017 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2017. – № 35. – Ст. 924.

[2] Указ Президента Республики Узбекистан № 4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. // URL: http: Lex.uz

[3] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 января 2019 г. «Об утверждении концепции внедрения технологий «Умный город» в Республике Узбекистан» // URL: http: Lex.uz

[4] Постановление Президента Республики Узбекистан «Об организации деятельности Национального агентства проектного управления при Президенте Республики Узбекистан» от 27 июля 2017 г № ПП-3150 // URL: http: Lex.uz

[5] *Воронов А. М.* Вопросы правового регулирования управленческой деятельности органов внутренних дел в сфере обеспечения общественной безопасности // Закон и право. – 2018. – № 10.

[6] *Васин В. Н.* Право на общественную безопасность: Монография. – М., 2014.

[7] Постановление Кабинета Министров №990 «О дополнительных мерах по реализации концепции обеспечения безопасности дорожного движения в Республике Узбекистан на 2018-2022 годы от 5 декабря 2018 г.» (Национальная база данных законодательства, 06.12.2018 г., № 09/18/990/2283).

***Абдураҳмонов Иброҳим Отажонович,***
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармасининг бошлиғи*

# ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ ҲАМДА УНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИ

*«Яширин иқтисодиётга барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмайди».*
***Ш.М.Мирзиёев***

**Аннотация.** Мақолада хуфиёна иқтисодиётнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий оқибатлари хусусидаги илмий билимлар умумназарий-эмпирик методлар асосида тадқиқ этилган.

**Таянч сўзлар:** хуфиёна иқтисодиёт, давлат бюджети, ялпи ички маҳсулот, инвестиция, пул-кредит тизими, макроиқтисодиёт.

**ТЕНЕВАЯ ЭКОНОМИКА, ЕЕ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ И ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПОСЛЕДСТВИЯ**

**Аннотация.** В статье с помощью общенаучных и эмпирических методов анализируются экономические, социальные и политические последствия теневой экономики.

**Ключевые слова:** теневая экономика, государственный бюджет, инвестиция, денежно-кредитная система, макроэкономика, валовый внутренний продукт.

**THE SHADOW ECONOMY AND ITS SOCIAL-POLITICAL AND ECONOMIC CONSEQUENCES**

**Annotation.** The article with the use of general scientific and empirical methods, analyzes the economic, social and political consequences of shadow economy.

**Keywords:** economy transfer, state budget, investments, monetary system, macroeconomics, gross domestic product.

Бугун хуфиёна иқтисодиётнинг оқибатлари, хусусан мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларга таъсири тўғрисида қатор илмий-назарий қарашлар мавжуд. Жумладан, россиялик эксперт В.А.Богомолов хуфиёна иқтисодиётнинг оқибатларини қуйидагича таснифлайди:

*иқтисодий оқибатлар:* 1) хуфиёна иқтисодиёт кўламлари кенгайиши натижасида давлат хазинасига солиқ тушумларининг камайиши ва бюджет тақчиллигининг юзага келиши; 2) давлат бошқаруви иқтисодий дастакларининг сусайиши; 3) бюджет тақчиллиги туфайли турли иқтисодий муаммолар келиб чиқиши; 4) бозордаги рақобат механизмларининг бузилиши;

*ижтимоий оқибатлар:*мулкий тенгсизликнинг ривожланиши, миллий даромаднинг ноқонуний тақсимланиши натижасида аҳолининг кам сонли бир қисми бошқаларига нисбатан бойиб кетиши;

*сиёсий оқибатлари:*

– сиёсатчилар орасида олигархларга хизмат қилувчи етакчилар етишиб чиқиши;

– халқнинг давлатга ишончи сусайиши, инсонларнинг жамиятдан бегоналашуви, бинобарин давлатнинг ҳар қандай иқтисодий сиёсатига нисбатан радикал кайфият вужудга келиши;

– халқаро майдонда давлатнинг обрўси тушиб бориши, оқибатда мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан дунёдан ажралиб қолиши хавфи юзага келиши[1].

Россиялик иқтисодчи олим Г.С. Вечканов хуфиёна иқтисодиётни тадқиқ этиш жараёнида унинг ижобий ва салбий жиҳатларини кўрсатган. Унинг фикрича, хуфиёна иқтисодиётнинг ижобий томонларини қуйидагилар ташкил қилади:

– мамлакатда хуфиёна ишлаб чиқариш мавжудлиги корхоналар ўртасида рақобатнинг кучайишига олиб келади;

– иш билан банд бўлганлар қўшимча даромад топишига имкон туғилади;

– мамлакатдаги ишсизлар сони камаяди.

Хуфиёна иқтисодиётнинг салбий жиҳатларини қуйидагилар ташкил қилади:

– давлат бюджетининг даромадлар қисми қисқаради;

– қонунга итоаткор иқтисодиёт субъектларининг даромадлари камайиб боради;

– макроиқтисодий сиёсатнинг самарадорлик даражаси пасаяди;

– иқтисодиёт тизимига путар етади;

– инвестиция муҳити ёмонлашади;

– мамлакатнинг миллий манфаатлари ва иқтисодий хавфсизлигига зарар етади[2].

Хуфиёна иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллардан яна бири иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалардаги нуқсонлардир. Айрим ҳолатларда бир-бирига зид ҳуқуқий нормалар чиқарилса, бошқа ҳолларда солиқ юкларининг ошириб юборилиши хуфиёна иқтисодий фаолиятнинг кучайишига олиб келади.

Ишчи ва хизматчиларнинг қонун доирасида ишлаб топган маблағи яшаш учун энг зарур бўлган бирламчи истеъмол товарларини сотиб олишга етмаслиги ҳам хуфия иқтисодиёт келиб чиқишининг сабабларидандир.

Хуфиёна ва криминал иқтисодий фаолиятнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини тадқиқ этган А.К. Бекряшев ва И.П. Белозёров хуфиёна ва криминал иқтисодиёт хўжалик юритиш тизимининг элементига айланганлигини таъкидлашган. Улар хуфиёна иқтисодиётнинг салбий жиҳатларига қуйидагиларни киритадилар:

– солиқ соҳасининг бузилиши;

– давлатнинг бюджет тизимига зарар етиши;

– макроиқтисодий сиёсат самарадорлигининг пасайиши;

– мамлакатнинг пул-кредит тизимига салбий таъсири;

– иқтисодиёт таркибининг бузилиши;

– иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг секинлашиши;

– мамлакатнинг инвестиция жозибадорлиги камайиши;

– табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатилиши;

– истеъмол таркибининг бузилиши;

– бозордаги рақобат ва самарадорлик механизмига путур етиши;

– иш кучи ва ишлаб чиқариш шароитига салбий таъсир кўрсатилиши.

*Солиқ соҳасининг бузилиши* деганда иқтисодиёт соҳасида фаолият юритаётган субъектларнинг солиқларни тўлашдан маълум даражада қочиши ёки солиққа тортиладиган соҳаларнинг яширилиши тушунилади. Бунинг натижасида солиқ юкини тақсимлашда тенгсизлик юзага келади, яъни айрим корхона ва ташкилотлар кўп солиқ тўлагани ҳолда, бошқалари солиқ тўлашдан қутулиб қолади. Бу эса қонун доирасида ишлаб келаётган солиқ тўлов-

чиларни ҳам солиққа тортиладиган фаолиятини камайтириб кўрсатишга ундайди.

*Давлатнинг бюджет тизимига зарар етиши* давлат бюджетининг шаклланиш жараёнида даромадларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланишида кўринади. Давлатнинг асосий институтларини сақлаб туриш, жумладан мудофаа, хавфсизлик, таълим, соғлиқни сақлаш каби давлат томонидан назорат қилинадиган ва молиялаштириладиган қатор ташкилотларни, айниқса давлат бюджети харажатларининг сезиларли қисмини ташкил этувчи ижтимоий соҳаларни молиялаштиришда катта қийинчиликлар юзага келади. Айрим қашшоқ давлатларда ижтимоий ҳимоянинг етарли даражада таъминланмаслиги жамиятда ижтимоий портлашларни келтириб чиқариши мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган[3].

*Макроиқтисодий сиёсат самарадорлигининг пасайишига*, энг аввало, хуфиёна иқтисодиётдаги пул массасининг легал иқтисодиётга жалб қилинмаганлиги, унинг ҳажми тўғрисида аниқ маълумотлар етишмаслиги, давлат томонидан макроиқтисодий сиёсат юритишда, иқтисодиётнинг айрим соҳаларини молиялаштиришда хатоликларга йўл қўйилиши сабаб бўлади.

Бу борада юз бериши мумкин бўлган салбий ҳолатларга қуйидагилар киради:

а) агар хуфиёна иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари мамлакат миллий иқтисодиётининг ўсиш суръатларидан юқори бўлса (ўз-ўзидан маълумки, хуфиёна иқтисодиёт ҳеч бир ҳисоботда ўз аксини аниқ топмайди), давлат иқтисодий ўсиш сиёсатини пул массасини бошқариш сиёсати билан давом эттиришига, яъни ортиқча пул массасини муомалага чиқариб, иқтисодиётни барқарорлаштиришига тўғри келади. Бу эса иқтисодиётнинг «қизиб кетиши»га, яъни мамлакатда товар билан таъминланмаган пул массаси кўпайиб, инфляция суръатлари ошиб кетишига олиб келади;

б) хуфиёна иқтисодиётнинг ҳажмини, таркибий тузилишини ҳисоблашдаги ноаниқликлар мамлакат аҳолисининг иш билан бандлик даражасини тўғри баҳолашга имкон бермайди. Хуфиёна иқтисодиётда банд бўлган иш кучи ва мамлакатдаги жами ишсизлар сони биргаликда ҳисобланса, расмий ишсизлар сонининг амалдаги кўрсаткичларидан бир неча баробар ошиб кетиши мумкин;

в) мамлакат миқёсидаги хуфиёна иқтисодиёт кўламини етарлича аниқ билмаслик давлат иқтисодий сиёсатининг йўналишини, жумладан, импорт ва экспорт ҳажмини белгилашда, аҳолининг реал тўлов қобилиятини баҳолашда, мамлакатдаги пул массаси ҳажмини расмий ЯИМ билан таққослашда хатоликларга олиб келади (агар хуфиёна иқтисодиётдаги даромадлар ЯИМга нисбатан тезроқ ошиб борса, мамлакатдаги пул массаси ҳажмининг ўсиш суръатлари расмий ҳисобланган иқтисодиёт кўрсаткичларидан кам бўлади).

Жамиятда коррупция мавжудлиги, бюджет маблағларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида иқтисодиёт тармоқларидаги ноқонуний лобби гуруҳларининг иштирок этиши каби омиллар ҳам макроиқтисодий сиёсатнинг самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллардандир.

*Хуфиёна иқтисодиётнинг мамлакат пул-кредит тизимига салбий таъсири.* Хуфиёна иқтисодиёт кўламининг ошиб бориши инфляцияни кучайтирувчи омил бўлиши билан бирга, мамлакатдаги инвестиция муҳитига ҳам хавф солади, кредит институтлари, ҳиссадорлар, омонатчилар фаолияти ва умуман, жамиятнинг иқтисодий институтларига ишончсизликни оширади.

Бундан ташқари, уюшган жиноий гуруҳлар қўлида жиноий фаолият орқасидан топган жуда

катта миқдордаги валюта маблағларининг тўпланиши мамлакат пул бирлигининг бошқа давлатлар пул бирлигига нисбатан давлат курсидаги тафовутларни юзага келтириши, айрим ҳолларда эса кутилмаганда мамлакат молия институтларининг фаолиятини издан чиқариши мумкин.

Мисол учун, 1993–1995 йилларда Россияда уюшган жиноий гуруҳлар мамлакатнинг молия кредит институтларига сезиларли даражада салбий таъсир этиши натижасида мамлакатда ташкил этилган молиявий пирамидалар сингари турли ноқонуний молиявий операциялар натижасида жамиятга 20 трлн рубль миқдорида зарар етказилган.

Жамиятда хуфиёна иқтисодиёт даражасининг юқори бўлиши *мамлакатнинг инвестиция жозибадорлигини камайтиради*. Натижада хорижий инвесторларда ушбу мамлакатга инвестиция киритишнинг фойдалилиги борасида шубҳа уйғонади. Айниқса, жиноий иқтисодий фаолият ривожланган мамлакатларда бу ҳолатни яққол кузатиш мумкин.

Хуфиёна иқтисодиёт *табиий муҳитга салбий таъсир этади*. Уюшган жиноий гуруҳларни жиноий фаолиятдан келадиган даромадлар қизиқтиради. Табиатнинг аҳволи, ундаги мувозанатнинг бузилиши уларни қизиқтирмайди. Масалан, браконьерлар номлари Қизил китобга киритилган ҳайвонларни ёки табиий сув ҳавзаларида муҳофазага олинган айрим балиқ турларини овлаш орқали катта даромад оладилар. Лекин мазкур жониворларнинг қирилиб кетиши уларни қизиқтирмайди.

Хуфиёна иқтисодиёт натижасида *истеъмол таркибининг бузилиши* даромадларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнида ноқонуний товар ва хизматлар бозорининг кенгайишида кўринади. Айниқса, мамлакат ЯИМни қайта тасимлаш жараёнида «паразит» истеъмолчиларнинг кўпайиши каби ҳолатлар ҳам истемолда бузилишларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, хуфиёна иқтисодий фаолият натижасида тор доирадаги шахсларнинг даромадлари билан бирга, сарф-харажатлари ҳам ошади. Бу, айниқса, жамиятни бошқариш тизимига тааллуқлидир.

Хуфиёна иқтисодиётнинг *бозордаги рақобат ва самарадорлик механизмига салбий таъсири* бозордага хуфиёна ишлаб чиқарувчи билан қонуний ишлаб чиқарувчи бир хил маҳсулот таклиф этганида яққол кўзга ташланади. Яъни улар ўртасидаги иқтисодий рақобатда хуфиёна фаолият юритаётган хўжалик субъекти ғолиб чиқади. Чунки унинг маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) учун сарфлаган харажатлари нисбатан кам бўлиши оқибатида унинг даромади қонуний ишлаб чиқарув чиникидан кўпроқ, бинобарин, меҳнати самаралироқ бўлади.

Хуфиёна иқтисодиётнинг энг хавфли тарафларидан яна бири иқтисодиётда ноқонуний лобби гуруҳлар пайдо бўлиши ҳамда давлат ҳокимияти институтларининг коррупциялашиб кетишидир. Бунинг натижасида, баъзан қонуний иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлардаги малакали ишчилар кўпроқ даромад олиш мақсадида хуфиёна иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларга ўтиб кетишади. Зеро, улар топган даромадидан солиқ ва бошқа тўловларни амалга ошираднган аввалги иш жойидан фарқли равишда, кейинги иш жойида давлат томонидан белгиланган солиқ ва бошқа тўловларни тўламайдилар.

*Хуфиёна иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва меҳнат тақсимоти самарадорлигига таъсири*. Хуфиёна иқтисодий фаолият юритувчиларнинг фаолият кўлами кенгайиб борган сайин уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиши учун янги таҳдидлар пайдо бўла бошлайди. Шунинг учун ҳам ушбу субъектлар, аввало, ўзларига энг яқин кишиларни ишга қабул қилишга ҳаракат қиладилар. Бундай

тадбиркорлик субъектлари ўзларини оммавий ахборот воситалари ёки маркетинг соҳасининг бошқа эълонларида намойиш этмайдилар.

Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштириб айтиш мумкинки, хуфиёна иқтисодиётнинг мамлакат миқёсида ўсиб бориши, энг аввало, давлатнинг молия кредит ва бюджет сиёсатини издан чиқаришга, мамлакатдаги нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, давлат бюджетига турли солиқ, йиғим, бож ва бошқа тўловларнинг тўланмаслиги, банкларда нақд пул маблағлари етишмаслиги, бинобарин, аҳолига иш ҳақи, нафақа, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида тўланмаслигига олиб келади. Бу эса давлатнинг товар билан таъминланмаган пул маблағларини қўшимча равишда эмиссия қилишини келтириб чиқаради. Бундай маблағларнинг кўпайиб кетиши эса инфляцияни келтириб чиқаради. Натижада бозордаги моддий товар бойликлари, кўрсатиладиган хизматларнинг нархлари асоссиз равишда ўсишига шароит яратилади.

Ижтимоий вазиятнинг бундай тус олиши жамиятда давлат томонидан расман қабул қилинган миллий валютанинг харид қобилиятини пасайтириши билан бирга, унинг жамғариш функцияси ҳам бузилишига олиб келади. Бу каби ҳолатлар аҳоли орасида давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодийислоҳотларга ишончсизлик уйғотиши мумкин. Криминалистика нуқтаи назаридан қараганда эса, хуфиёна иқтисодиётнинг мамлакат миқёсида кенг илдиз отиши, жамиятда коррупция, уюшган жиноятчиликнинг ошиб кетиши хавфини юзага келтиради.

---

[1] *Богомолов В.А.* Экономическая безопасность. – М., 2006. – С. 71.

[2] *Вечканов Г.С.* Экономическая безопасность. – М., 2007. – С. 316.

[3] URL:.http://www.pressservice.uz/uz/news/show/dokladi/doklad_prezidenta_respubliki_uzbekist_5/

*Ҳасанов Шарофиддин Шамшурович,*
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси сиёсий-ҳуқуқий таълим кафедрасининг ўқитувчиси*

# ФАЛСАФА ҚОНУНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚШУНОСЛИК АМАЛИЁТИДАГИ ЎРНИ

**Аннотация.** Мақолада фалсафа қонунларининг ҳуқуқий қонунлар шаклланишидаги методологик аҳамияти таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** қарама-қаршиликлар бирлиги, зиддият, айният ва тафовут, зиддиятларнинг турлари, миқдор, сифат, хосса, меъёр, сакраш, хусусият, метафизик инкор, диалектик инкор.

## МЕСТО ЗАКОНОВ ФИЛОСОФИИ В ПРАВОВОЙ ПРАКТИКЕ

**Аннотация.** В статье анализируется методологическое значение законов философии в формировании правовых законов.

**Ключевые слова:** единство противоположностей, противоречие, тождество и различие, виды противоречий, количество, качество, свойство, мера, скачок, специфика, метафизическое отрицание, диалектическое отрицание.

## METHODOLOGICAL SIGNIFICANCE OF THE LAWS OF PHILOSOPHY AND THE SUBJECT OF JURISPRUDENCE IN PRACTICE

**Annotation**. The article reflects the foundations of the methodology in the formation of philosophical and legal laws in professional thinking.

**Keywords:** common opposites, contradiction, identity and difference, break out contradictions, quantity, quality, properties, measure, leap, specificity, metaphysical negation, dialectical negation.

Фалсафа қонунлари табиат, жамият ва инсон тафаккури ривожланишининг истисносиз барча соҳаларида амал қиладиган энг умумий қонунлардир. Ҳуқуқий қонунлар эса жамиятда мавжуд ҳуқуқий муносабатларни шакллантириш ва кишиларнинг бу жараёндаги хатти-ҳаракатларини тартибга солишга қаратилган. Фалсафа қонунлари ҳуқуқий қонунларнинг шаклланишида методологик асос бўлиб хизмат қилади. Шу боис қуйида фалсафий қонунларни кўриб чиқамиз.

**Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни.** Қарама-қаршиликлар предметнинг бир-бирини тақозо этувчи ва бир-бирини истисно этувчи томонларидир. Қарама-қаршиликлар – ривожланишнинг томонларини ифодаловчи, ўзаро боғлиқ тушун чалар. Турли жиҳатлардан олинган тақдирда улар ўзаро бирликни ташкил этмайди ва бир-бирига зид бўлмаслиги мумкин. «Қарама-қаршилик» нарсалар ва ҳодисалардаги бир-бирини тақозо ва истисно этувчи хоссалар, тамойиллар ва жараёнларни акс эттирувчи фалсафий категория ҳисобланади. Масалан: ассимиляция—диссимиляция, мусбат—манфий, яхшилик—ёмонлик, жиноят—жазо, айбланувчи—жабрланувчи ва ш.к. Қарама-қаршиликлар ўртасида икки хил муносабат мавжуд: бирлик муносабати ва қарши ҳаракатга доир муносабат.

**Қарама-қаршиликлар бирлиги нима?**

*Биринчидан, қарама-қаршиликлар бирлиги уларнинг узвийлигидир.* Ҳар бир қарши томон бошқа бир қарши томоннинг мавжудлик шартидир. Улар алоҳида-алоҳида мавжуд бўлиши мумкин эмас (агар қарама-қарши томонлардан бири йўқ бўлса, иккинчиси ҳам йўқ бўлади).

*Иккинчидан, қарама-қаршиликлар бирлиги бир-бирини тақозо этган ва бир-бирига ўтган*

*ҳолдагина муайян мазмун касб этади.* Ҳар қандай қарши томон ўзида мавжуд бўлмаган, лекин бошқа қарши томонда мавжуд бўлган жиҳатга муҳтож бўлади. Улар бир-бири билан ўзаро таъсирга киришади. Қарама-қаршиликлар бир-бирига таъсир кўрсатиш орқали ўтади. Бу эса қарама-қаршиликлар маконда бир-биридан ажратилган, турли жинсли ҳодисалар сифатида мавжуд бўлмаслигини, уларнинг ҳар бири ўзида бошқасининг муайян жиҳатини мужассамлаштиришини англатади.

Қарама-қаршиликлар бирлигининг ҳуқуқшуносликда намоён бўлишини кузатадиган бўлсак, маълумки, ҳуқуқшуносликда ҳуқуқ тармоқлари мавжуд. Мамлакатимиздаги ҳуқуқ тармоқлари қуйидагиларни ўз ичига олади: конституциявий, маъмурий, фуқаролик, жиноят, ер, аграр, меҳнат, ижтимоий таъминот, экологик, молиявий, фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал, хўжалик-процессуал. «Улардан конституциявий, маъмурий, фуқаролик ва жиноят ҳуқуқи ассосий ҳуқуқ тармоқлари ҳисобланади»[1].

«Жиноят» ва «жазо» тушунчалари жиноят ҳуқуқи тармоғининг таркибий элементларидир. Улар бир-бирига қарама-қарши, лекин бир-бирини тақозо этадиган тушунчалардир: бири бўлмаса иккинчиси ҳам бўлмайди. Ушбу тушунчалар бирлашиб, жиноят ҳуқуқи тармоғини ташкил этади.

Қарама-қаршиликларнинг қарши ҳаракатга доир муносабати нима? Қарама-қаршиликлар бир-бирини тақозо этар ва ривожланар экан, бири бошқасига «бепарво» бўлмайди, балки бир-бирига таъсир кўрсатади. Улар ўртасида қарши ҳаракат, кураш боради. Унинг моҳияти ягоналикка барҳам беришдан иборат. Қарама-қаршиликларнинг ҳар бири иккинчисини ўзидан итариб чиқаради, ундан халос бўлишга ҳаракат қилади.

Шундай қилиб, *қарама-қаршиликликлар кураши қарама-қаршиликлар бир-бирини инкор этган, бир-бирини истисно қилган ҳолда юз беради.* Юқоридаги мулоҳазани ҳуқуқий жараёнларда кўрамиз. Жиноят-процессуал жараёнда «айбланувчи», «жабрланувчи» тушунчалари мавжуд. Ҳар иккала тушунчага тўхталадиган бўлсак, «айбланувчи» кодексда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсдир.

Айбланувчи судда *судланувчи* деб, ҳукм чиқарилганидан кейин эса *маҳкум* ёки *оқланган* деб аталади. «Жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради»[2]. Ҳар иккала тушунча айни дамда бир-бирига қарама-қарши, ҳар иккаласи бирлашиб, жиноят-процессуал жараённи ташкил этади.

Қарама-қаршиликлар бирлиги нарсанинг барқарорлигини акс эттиради ва нисбий, ўткинчи ҳисобланади. Қарама-қаршиликларнинг кураши мутлақ хусусият касб этади, у ҳеч қачон тўхтамайди.

**Зиддиятлар** – *нарса ёки ҳодиса қарама-қарши томонларининг бир-бирини истисно этиш ва бир-бирига ўтиш муносабатлари.* Зиддиятлар борлиқнинг барча ҳодиса ва жараёнларига хос бўлиб, ўзгариш ва ривожланишнинг манбаи, ҳаракатлантирувчи кучи сифатида амал қилади. Айни шу сабабли зиддият диалектик зиддиятлилик қонунининг моҳиятини ёритиб берувчи бош категория ҳисобланади. Зиддият – қарама-қаршиликлар муносабатигина эмас, балки уларнинг тарқалиш жараёни ҳамдир. Шу туфайли ҳам Гегель ғояларига асосланиб, зиддият тарқалишининг қуйидаги босқичлари (фазалари) фарқланади: айният, тафовут, қарама-қаршилик, зиддият ва асос (яъни зиддиятнинг ечилиши).

**Айният ва тафовут.** Предметнинг ривожланиши ва зиддиятларнинг ечилиши бир неча босқичлардан ўтади. Дастлабки босқич – улар предметнинг ўз-ўзи билан нисбий

айнийлик ҳолати. «Айният» тушунчаси нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшаш томонларни ифодалайди. Шу билан бирга, нарса-ҳодисалар бир-биридан фарқ қиладиган томонлар, хусусиятлар, белгиларга ҳам эгадир.

Айниятга ҳуқуқий томондан ёндашамиз: масалан, Жиноят кодекси махсус қисмининг 169-моддаси «ўғирлик» деб номланган. Ўғирликнинг ҳуқуқий таърифи эса «ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш»[3] шаклида ифодаланган. Юқорида келтирилган таъриф ўғирликни ифодалайди, бири тор, иккинчиси эса кенг маъно касб этса-да, айнан бир хил маънони билдиради.

«Тафовут» тушунчаси нарса ва ҳодисалар ўртасидаги фарқли томонларни ифодалайди. Тафовут – ҳар хиллик, ўз-ўзига, бошқа нарсалар, ҳодисалар, жиҳатларга мос келмаслик муносабати. Тафовут кучли ёки аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Кучли тафовут – предметнинг ўз-ўзи билан зиддиятга киришиш омили. Бу қарама-қаршилик босқичи бўлиб, унинг ечилиши предметнинг бутунлай ўзгаришига олиб келади. Ҳуқуқий жараён сифатида Жиноят кодексидаги иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга 164-(босқинчилик), 165-(товламачилик), 166-(талончилик), 167-(ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш), 168-(фирибгарлик) ва 169-(ўғирлик) моддалар мисол бўла олади. Уларнинг ўзаро тафовутини кўриб чиқадиган бўлсак, юқоридаги моддалар ижтимоий хавфли қилмиши билан фарқланади. Шундай қилиб, зиддиятларнинг кучайиши ва ўз ечимини топиши ривожланиш манбаидир.

**Зиддиятларнинг турлари.** Зиддиятларнинг бутун рангбаранглиги турли асосларга кўра таснифланади. Хусусан:

1) намоён бўлиш шаклига кўра – ички ва ташқи зиддиятлар;

2) ривожланишдаги ўрнига кўра – асосий ва ноасосий зиддиятлар;

3) вужудга келиш хусусиятига кўра – зарурий ва тасодифий зиддиятлар;

4) жамиятдаги типига кўра – антагонистик ва ноантагонистик зиддиятлар фарқланади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб шуни қайд этиш мумкинки, қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни барча нарса, тизим, ҳодиса ва жараёнлар ички зиддиятлар, қарама-қарши томонлар ва тамойиллар билан тавсифланишини назарда тутади. Уларнинг ўзаро алоқаси, улар ўртасидаги «кураш» ўзгариш ва ривожланиш манбаи бўлиб, зиддиятларнинг кучайишига сабаб бўлади. Бу зиддиятлар охир-оқибатда муайян босқичда эскининг йўқолиши ва янгининг вужудга келиши билан ечилади.

Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни ҳар қандай ривожланишнинг манбаини ташкил қилади. Бу қонун ҳуқуқшуносликда методологик асос бўлиб хизмат қилади. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни асосида миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтилади.

**Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни.** Оламнинг мавжудлиги миқдор ва сифат воқелиги тарзида ҳам намоён бўлади. Бунинг моҳияти шундан иборатки, нарса ва ҳодисалардаги сезилмас миқдорий ўзгаришлар аста-секин тўплана бориб, тараққиётнинг маълум бир босқичида меъёрни бузади ва сакраш орқали туб сифат ўзгаришларига олиб келади. Мазкур қонуннинг асосий тамойили Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «асосий қонунимиз негизида яратилган Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда жонажон Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда, инновацион ва индустриал ривожланиш сари одимлашда беқиёс ўрин эгалламоқда»[4], деган фикрида ўз ифодасини топган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони жамиятни такомиллаштиришда янги риважланиш даврини бошлаб беради.

Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни ривожланиш

жараёнининг механизмини ёритади, у қай тарзда ва қандай шаклларда амалга оширилишини кўрсатади. Бу қонуннинг хусусиятини, у қандай намоён бўлиши ва амал қилишини аниқлаш учун унинг асосий тушунчалари: сифат, миқдор, хосса, хусусият, меъёр, сакрашнинг мазмунини ёритиш талаб этилади.

**Миқдор** предметнинг ҳажми, ўлчови, оғирлиги, ҳаракат тезлиги ва шу кабилар билан тавсифланади. Табиат ҳодисалари каби ижтимоий ҳодисалар ҳам миқдорий жиҳатга эга. Чунончи, бир йил давомида республикамизда маълум бир қонун, қарор, фармонлар қабул қилинади, уларнинг жами сони унинг миқдорини белгилайди. Бир ижтимоий тузум бошқасидан хусусияти жиҳатидангина эмас, балки ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти, меҳнат унумдорлиги, маданияти кабилар билан ҳам фарқ қилади.

**Сифат** нарсаларнинг ички ва ташқи муайянлиги бўлиб, унинг қатор хосса, белги, хусусиятлари бирлигини ифодалайди. Сифат нарса қандай бўлса, уни шундайлигича кўрсатиб беради, жисмнинг барча ташқи хоссаларини боғлиқликда намоён қилади. Сифат нарсанинг умумийлигини, яхлитлигини, нисбий барқарорлигини, бир-бирига ўхшаш ёки ўхшамаслигини ифодалайди. У, кенг маънода, нарсаларнинг турли-туман хоссалари йиғиндисидир. Ўз навбатида, «*сифат нарсаларга хос ва уларнинг борлиғи билан айний бўлган ҳамда уларни муайян алоқалар тизимидаги бошқа нарсалардан фарқлаш имконини берадиган ўзига хос хусусиятни акс эттиради*»[5]. Сифат предметнинг доимийлигини, нисбий барқарорлигини ифода этади.

Ҳуқуқшуносликда мавжуд бўлган қонунларнинг сифатини кўрадиган бўлсак, республикамизда мустақиллик қўлга киритилгач, мустақил равишда қонунлар қабул қилина бошланди. Ўтган давр мобайнида қабул қилинган қонунлар миқдори ошиб борди. 2005 йилдан бошлаб парламентимиз икки палатадан иборат бўлди. Бу жараён мамлакатимизда қонунчилик жараёни тубдан такомиллашиши ва сифат жиҳатдан янги босқичга ўтишига олиб келди. Ҳуқуқий қонунларни ишлаб чиқиш жараёни – «давлат олий вакиллик органининг Конституцияда белгиланган тартибда янги қонунларни яратишга, амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритишга қаратилган, шунингдек эскирган қонунларни бекор қилиш борасидаги ҳаракатлар йиғиндисидир»[6].

Икки палатали парламент шароитида қонун ижодкорлиги жараёни қуйидаги босқичларга бўлинади:

1) қонунчилик ташаббуси;
2) қонун лойиҳасини муҳокама қилиш;
3) қонуннинг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниши;
4) қонун Сенат томонидан маъқулланиши;
5) қонунни имзолаш ва эълон қилиш[7].

**Хосса** предметнинг жиҳати бўлиб, унинг бошқа предметлардан фарқи ёки улар билан ўхшашлигини белгилайди ҳамда улар билан ўзаро алоқада намоён бўлади. Хоссалар муҳим ва иккинчи даражали бўлиши мумкин. Муҳим хоссалар предметнинг сифатини белгилайди. Уларнинг йўқолиши моҳиятини мазкур хоссалар ташкил этган предметнинг ҳам йўқолишини англатади. Иккинчи даражали хоссалар ўзлаштирилиши ёки предметнинг сифатини ўзгартирмасдан йўқолиши мумкин. Ҳар қандай хосса (ҳарорат, ҳажм, энергия ва ш.к.) муайян миқдор ва сифатга эга бўлади. Ҳар қандай предмет-ўзининг мавжудлигини белгиловчи барча хоссалар мажмуидир.

Миқдор ва сифатнинг бирлиги, ўзаро боғлиқлиги «меъёр» тушунчасида ифодаланади. Меъёрнинг бузилиши предмет мавжуд бўлиши мумкин бўлмаган ҳолатга олиб келади.

**Меъёр** миқдор ва сифатнинг шундай бирлигики, бунда муайян сифат фақат муайян миқдор билан боғлиқ бўлади. Меъёр миқдор кўрсаткичлари ёки ўзгаришларининг тегишли сифат мавжуд бўлиши мумкин

бўлган муайян оралиғи ҳамдир. Масалан, ҳуқуқий, ахлоқий ва эстетик ҳодисалар тавсифида «меъёр» тушунчаси нормативлик хусусиятини касб этади. «Айнан «кўпроқ» ва «камроқ» орқали *енгилтаклик* меъёри бузилади ва бутунлай бошқа нарса – *жиноят* намоён бўлади, айнан «кўпроқ» ва «камроқ» орқали адолат ҳақсизликка, фазилат нуқсонга ўтади»[8]. Масалан, ҳуқуқда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва жазо чораси ўртасидаги мувофиқликка риоя этилади. «Меъёр» тушунчасида миқдор ва сифат хоссаларининг ўзаро алоқаси акс этади.

Табиатда кузатиладиган нарсаларнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши дунё эволюциясининг муҳим ва кенг тарқалган механизмларидан бирини акс эттиради. «Меъёр» тушунчаси эволюция тенденцияларини аниқлаш, турли тизимларнинг ўтмиши ва келажаги хусусида гипотезалар тузиш имконини беради. Миқдор сифат жиҳатдан бир жинсли ҳодисаларнинг муайян объектив кўрсаткичи бўлиб, мазкур ҳодисаларнинг катталиги, мавжудлик муддати ва умуман, ҳодиса ёки унинг айрим томонлари ривожланишининг фаоллик даражасини тавсифлайди.

Ҳар қандай нарса ва ҳодисага миқдор ва сифат ўзгаришлари хосдир. Миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлари ўртасида қатъий қонуният мавжуд бўлиб, бу қонуният қуйидагича ифодаланади: миқдорий ўзгаришлар сифат ўзгаришларини тайёрлаб, ҳар бир аниқ ҳолатда муайян туб сифат ўзгаришларини келтириб чиқаради ва шу ҳолатда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши юз беради. Оламдаги барча ўзгаришлар аста-секин содир бўладиган миқдор ўзгаришларидан бошланади. Миқдор ўзгаришлари муайян чегарада сифатнинг барқарорлигига таъсир этмайди. Миқдор ўзгаришлари чегарадан чиқиши билан барқарорлиги бузилади. Натижада эски сифат йўқолиб, янгиси юзага келади.

Тараққиёт жараёнида миқдор ўзгаришлари туб сифат ўзгаришларига ўтганидек, сифат ўзгаришлари ҳам миқдор ўзгаришларига ўтади. Миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлари ўзаро чамбарчас боғланган бўлишига қарамай, улар айрим ўзига хос жиҳатларга ҳам эга. *Биринчидан*, миқдор ўзгаришлари доимо юз бериб туради. Ҳатто ҳодисалар сифати нисбатан барқарор бўлган даврда ҳам миқдор ўзгаришлари аста-секин содир бўлади. Сифат ўзгаришларига ўтиш фақат маълум бир даврда бошланади.

*Иккинчидан*, миқдор ўзгаришлари маълум вақтгача нарсаларга жиддий таъсир кўрсатмайди. Сув нормал атмосфера босимида 100°С гача суюқлик ҳолатини йўқотмайди, кейин эса буғга айланади, яъни сифатини ўзгартиради. Демак, сифат ўзгаришлари ҳодисаларни тубдан ўзгартириб, унинг бошқа ҳодисага айланишини тақозо қилади.

*Учинчидан*, миқдор ўзгаришлари аста-секин амалга ошади ва кўп ҳолларда сезилмай ўтади. Сифат ўзгаришлари эса анча тез, айрим ҳолларда тўсатдан содир бўлади.

*Тўртинчидан*, сифат ўзгаришлари миқдор ўзгаришларига қараганда туб ўзгариш ҳисобланади.

Хўш, сакраш нима? **«Сакраш»** табиат ва жамиятда содир бўладиган сифат ўзгаришларини англатувчи фалсафий тушунча бўлиб, тараққиётнинг узлуксиз кўринишига қараганда анча тез кечадиган жараённи акс эттиради. У миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтишда узлуксизликнинг узилишини билдиради. Сакраш нарса ва ҳодисаларнинг узлуксиз ривожланиши давомида тайёрланиб, шу узлуксиз ривожланиш моменти тугаб, узилиш содир бўлиши билан зарурий равишда юз беради. Сакраш бирданига, тўсатдан бўладиган ҳолатгина эмас, балки янги сифат элементлари кўпайиши орқали юз берадиган тадрижий жараён ҳамдир.

Сакраш турлари ўз хусусиятига кўра табиат ва жамиятда хилма-хил бўлиб, бирбиридан фарқ қилади. Жамият тараққиётидаги сакрашларнинг ўзига хос томони шундаки, бу сакрашлар эски ижтимоий

тузумни йўқ қилиб, янги ижтимоий тузум ўрнатадиган ижтимоий жараёнларнинг тадрижий ривожланиши орқали амалга ошади. Бундай сакрашларни икки турга бўлиш мумкин: биринчиси – портлаш орқали бўладиган сакрашлар, иккинчиси – секин-аста, тадрижий йўл билан кечадиган сакрашлар.

Биринчи турдаги сакрашларнинг ўзига хослиги шундаки, бунда нарса ва ҳодисаларнинг янги сифатга ўтиши ниҳоятда тез юз бериб, кутилмаган натижалар ва тасодифий жараёнларни бошлаб юбориши, ҳатто салбий ҳолатлар келтириб чиқариши мумкин.

Сакрашнинг иккинчи турида эса эски сифат элементларининг аста-секин йўқолиб бориши ва янги сифат элементларининг аста-секин тўпланиши натижасида янги сифат пайдо бўлади.

Шундай қилиб, сакраш қуйидаги жиҳатларга эга:

– сакраш тараққиёт натижасида амалга ошадиган объектив ва қонуний жараёндир;

– сакраш тадрижийликнинг узилиб, миқдор ўзгаришларидан туб сифат ўзгаришларига ўтишидир;

– сакраш эскини тугатиш ва янги сифатга мос келадиган ҳолатларнинг вужудга келиши туфайли пайдо бўладиган зиддиятларни ҳал қилишдир;

– сакраш оламнинг ривожланиб, илгарилаб боришидир.

**Хусусият** – бирор нарса ва ҳодисанинг бошқа нарса ва ҳодисадан фарқини ёки уларнинг умумийлигини кўрсатиб турувчи хоссалари, жиҳатлари ва белгиларидир. У нарсаларнинг ўзаро таъсири ва муносабатлари жараёнида намоён бўлади. Хосса хусусиятни билишда поғона бўлиб хизмат қилади. «Хусусият барча нарсаларга тегишли бўлиб, ўзига хос ва умумий, асосий ва асосий бўлмаган, зарурий ва тасодифий, табиий ва сунъий шакл хоссаларига ажратилади. Хусусият нарсаларнинг ички моҳиятини белгилаб, инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд. Ҳар қандай хусусият нисбийдир. Нарса ва ҳодисалар хусусиятларини ўрганиш уларнинг сифатини билишда муҳим аҳамият касб этади»[9].

«Хусусият» категориясининг ҳуқуқшуносликда қўлланилишини қуйидагиларда кўришимиз мумкин. Жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир, ўта оғир жиноятларга бўлинади[10].

*Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга* қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

*Унча оғир бўлмаган жиноятларга* қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

*Оғир жиноятларга* қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

*Ўта оғир жиноятларга* қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Навбатдаги қонун – **инкорни-инкор қонуни.** «Инкор» ва «инкорни-инкор» категориялари фалсафага немис файласуфи Гегель томонидан киритилган бўлиб, айни шу мутафаккирнинг саъй-ҳаракатлари билан улар умумий фалсафий категориялар мақомини олган. «Инкор» ва «инкорни-инкор» категорияларидан Гегель ривожланишнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиш воситаси сифатида фойдаланган. *«Инкорни-инкор*

*қонуни – бу шундай бир қонунки, унга мувофиқ ривожланиш жараёни янгининг эски диалектик босқичларининг барча муҳим жиҳатлари янгида сақланади ва умуман бу жараён ҳужумкор, юксалиб борувчи йўналишга эга бўлади»*[11]. Инкорни-инкор қонунида икки хил, яъни метафизик ва диалектик муносабат мавжуд.

**Метафизик инкор** асосий эътиборни эскининг йўқ бўлишига қаратади, янгининг сақланиши ва уни яратиш жараёнларини деярли эътиборга олмайди. Шундай қилиб, «метафизик инкор» инкор қилиш, рад этиш, йўқ қилишни англатади.

**Диалектик инкор** эски сифатдан янги сифатга ўтиш бўлиб, бунда эски сифатнинг муайян томонлари, мазмуни ва функциясининг элементлари ўзгарган кўринишда янги сифатга ўтади. Диалектик инкор – нарсани бутунлай йўқ қилиш эмас, балки эски сифатнинг баъзи жиҳатларини сақлаган ва ўзгартирган ҳолда уни янги нарсага айлантиришдир. У янги ва эски сифат ўртасида алоқа мавжудлигидан далолат беради. *Диалектик инкорга уч муҳим жиҳат хос:*

1) эскини вайрон қилиш, бузиш;

2) эскининг элементларини сақлаш (ворисийлик);

3) янгини яратиш, тузиш.

Аммо ривожланиш қандай юз беради: тўғри (юксалиб борувчи) чизиқ бўйлабми ёки эгри чизиқ бўйлабми? Бу – қуруқ гап эмас, балки муҳим масаладир. Чунки ривожланиш жараёнида эски ва янгининг алоқаси бўлмаганида ворисийлик ҳам бўлмасди, эски бутунлай йўқ бўлар, ривожланишни график кўринишда янги эскидан фарқ қиладиган, эски эса янгида такрорланмайдиган тўғри (юксалиб борувчи) чизиқ сифатида тасвирлаш мумкин бўларди. Бироқ амалда янгида эски сақланади, унинг элементлари янгида такрорланади. Аммо бу такрорланиш юқорироқ даражада юз беради. Эскининг жиҳатлари, элементлари юқорироқ асосда такрорланиши биз муҳокама қилаётган қонуннинг хусусияти ҳисобланади. Бундан қонуннинг бошқа бир хусусияти келиб чиқади. Ҳамонки эскининг олий асосда қайтарилиши мавжуд экан, ривожланиш тўғри чизиқ бўйлаб эмас, балки спиралсимон чизиқ бўйлаб юз бериши, циклдан-циклга эскига яқинлашиши (чунки такрорланиб туриш мавжуд) ва ундан узоқлашиб бориши (чунки бу янги) аён бўлади.

Инкорни-инкор қонуни ҳуқуқшунослик фанларида жуда кенг қўлланилади. Бизга маълумки, ҳуқуқий қонунлар динамик хусусият касб этади. Жамиятни барпо этишга қаратилган ўзгаришлар ҳамма нарсани бутунлай йўқ қилишни билдирмайди. Аксинча, бу – халқимиз тараққиёти жараёнида эришилган ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий ютуқларни сақлаб қолиб, уларни янада бойитиб, ривожлантиришдан иборатдир.

[1] *Саидов А.* Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т., 2012. – Б. 37.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2018.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2018.

[4] Билимли авлод — буюк келажакнинг, тадбиркор халқ— фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган маърузаси // Постда. – 2018. – № 71.

[5] *Шермухамедова Н.* Фалсафа. – Т., 2018.– Б. 88.

[6] *Одил*қориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2018. – Б. 224.

[7] Ўша манба. – Б. 226.

[8] *Гегель Г.В.* Наука логики. Т. 1. – М., 1970.

[9] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т., 2013.

[10] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2018.

[11] *Шермухамедова Н.* Фалсафа. – Т., 2018.

# «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ»ДА НАШР ЭТИШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН МАҚОЛАЛАР ҚЎЛЁЗМАЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН

## Т А Л А Б Л А Р

Қўлёзмалар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

Ахборотнома йўналишига мос келиши, яъни ҳуқуқшунослик фани, жамоат тартибини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлашнинг долзарб муаммоларига бағишланиши;

— илмий таҳлил ва баҳс-мунозаралар бўлиши;

— матбуотда ёки электрон нашрларда эълон қилинмаган бўлиши;

— материал назарий ва методологик жиҳатдан пухта, келтирилган статистик маълумотлар, ижтимоий сўров натижалари ишончли ва тўғри, хулоса, таклиф ва тавсиялар асосли бўлиши;

— матн мантиқан изчил, фикрлар аниқ, лўнда баён этилиши;

— мақолада очиқ матбуотда эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар бўлмаслиги (тегишли далолатнома билан тасдиқланиши) лозим.

Мақола ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги сарлавҳа, аннотация ва таянч сўзлар билан бошланади.

Сарлавҳа мақоланинг моҳиятини аниқ ва қисқа тарзда акс эттириши (сарлавҳадаги сўзлар сони 11 тадан ошмаслиги) керак.

Аннотацияда мақоланинг мақсади, мазмун-моҳияти, тадқиқот жараёнида қўлланилган илмий усуллар, олинган асосий натижалар қисқача (4-6 жумла билан) баён этилади.

Таянч сўзлар мақоланинг мазмуни ва мақсадини энг қисқа тарзда очиб берадиган, Интернет қидирув тизимида мақолани осон топиш учун мўлжалланган ва матнда ўртача 5-10 марта такрорланадиган асосий сўзлар бўлиб, одатда 7-10 та келтирилади.

Мақола матни Microsoft Office Word матн муҳарририда "Times New Roman" 14 шрифтида, сатрлар оралиғи - 1,5 ораликда; аннотация, таянч сўзлар, фойдаланилган адабиётлар ва ҳаволалар эса 12 шрифтда 1 интервалда терилган бўлиши; саҳифа ўлчами - А4 (210мм х 297 мм); юқори ва пастдан қолдириладиган ҳошиялар - 20 мм, чап тарафдан - 30 мм, ўнгдан - 15 мм; хат боши (абзац) - 1 см; текислаш - саҳифа кенглиги бўйича шакллантирилади. Матн грамматика қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда баён этилиши шарт.

Мақола ҳажми 10 бетдан (20 000 белгидан) ошмаслиги лозим.

Фойдаланилган адабиётлар охирги 5-6 йил ичида чиққан бўлиши тавсия этилади.

Ҳаволалар матнда квадрат қавс ичида адабиётлар рўйхатига мувофиқ келтирилади: агар бутун адабиётга ҳавола қилинса - [1], [2] ... тарзида, тегишли саҳифасига ҳавола қилинса - [1, Б.3-4], [10, Б.39-40]... шаклида берилади. Қонун ҳужжатларига ҳавола берилмайди, матн ичида номи, чиққан санаси ва рақами аниқ кўрсатилади.

Библиографик маълумотлар O‘zDSt 1215:2009 стандарти бўйича шакллантирилиб, мақола охирида фойдаланиш кетма-кетлиги тартибида берилиши керак.

Мақоладаги чизмалар (сурат, диаграмма, жадвал ва бошқа графиклар) кўпи билан 3-4 та бўлиб, бевосита мақола матнида баён мантиғига мувофиқ жойлаштирилиши ҳамда алоҳида файлда ҳам тақдим этилиши лозим. Расмларнинг электрон варианти *.jpg форматда (тиғизлиги камида 300 dpi) бўлиб, жадваллар кетма-кет (1-жадвал, 2-жадвал тарзида) рақамланиши зарур.

Электрон файл номи мақола муаллифи (биринчи муаллифи)нинг фамилиясига мос келиши зарур. Масалан, Алиев.docx, графикли файлларнинг номланиши эса расмнинг рақами, муаллифнинг фамилияси ва бошқа маълумотлар бўйича (Масалан: «Азимов.Расм1.jpg», «Расулев. Диаграмма 3.jpg» тарзида) берилади.

Мақолага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— мақола муҳокама қилинган кафедра, бўлим (агар муаллифнинг иш жойида мавжуд бўлмаса, ИИВ Академиясининг тегишли кафедраси) мажлис баёнидан кўчирма (кафедра бошлиғи ва котиб томонидан имзоланиб, тасдиқланган, йўналиши ёки мутахассислик коди ва номи кўрсатилган бўлиши лозим) ёки муаллиф ишлайдиган муассаса раҳбарининг мақолани нашрга тавсия этиши ҳақидаги йўлланма хати;

— матнда очиқ матбуотда эълон қилиш ман этилган маълумотлар йўқлигини тасдиқловчи (муассасанинг гербли муҳри босилган) эксперт хулосаси;

— тегишли соҳа бўйича илмий малакага (имкон қадар фан доктори даражасига) эга икки нафар мутахассиснинг белгиланган тартибда тасдиқланган тақризлари (тақризчиларнинг иш жойи, лавозими (агар мавжуд бўлса), Ф.И.Ш., илмий даража ва унвони, имзоси ва имзолаган санаси кўрсатилиши шарт);

— муаллиф(лар) тўғрисида қисқача маълумот - ўзбек, рус ва инглиз тилларида исми шарифи (паспорт бўйича тўлиқ), иш жойи (ташкилотнинг номи ва юридик манзили), эгаллаб турган лавозими, илмий даража ва унвонлари, алоқа учун маълумотлар (телефон рақамлари, электрон почтаси ёки телеграм манзили).

Таҳририят мақолаларни таҳрир қилиш ва қисқартириш ҳуқуқига эга.

Қуйидаги ҳолатларда мақола нашрга қабул қилинмайди:

— мақола юқорида келтирилган талабларга мос келмаса;

— бировнинг илмий фикр, хулоса ва қарашлари ўзлаштирилган бўлса (плагиат);

Таҳрир ҳайъати ва экспертлар томонидан нашрга тавсия этилмаса.

Мақолалар фақат электрон шаклда тақдим этилади. Мақола қўлёзмаси (Word ва PDF шаклларда) ҳамда илова ҳужжатлари (фақат PDF шаклда) қуйидаги электрон манзил бўйича юборилиши керак: axbakad@inbox.uz. Тел. +998-71-265-23-56.